


✓ МАҲАЛЛА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИМИ? 4.

✓ БИЗ УЧУН ЖАМИЯТДА БЕГОНА БОЛА ЙЎҚ ВА БЎЛМАЙДИ ҲАМ 5.

✓ БУЗГУНЧИ ҒОЯЛАР: САБАБ ВА ОҚИБАТЛАР ТАҲЛИЛИ ҚАНДАЙ? 10.

МАҲАЛЛА — ADOLAT TAROZISI



Маҳалла

№ 10 (1880-1883) 2020 йил 5 — 12 март ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА info@mahalladosh.uz www.mahalladosh.uz

КУН МАВЗУСИ

6!

40 йиллик уруш тугаб, Афғонистонда тинчлик ўрнатиладими?

ВАЗИЯТ

12!

Замонавий мактаб фақат чиройли бинодан иборат бўлмаслиги керак

ТАНҚИДДАН СЎНГ...

15!

Муаммолар ечими учун вазир ёки сенатор олис овулга бориши шартми?

ТАШАБУС

20!

Мурғак қалб эгаларининг уй-жой муаммоси қандай ҳал этилади?

СПОРТ

21!

Ёшлар ўртасидаги жиноятлар сони нега камаймаяпти?

8 март —
Халқаро
Хотин-қизлар
Кўни



Давлат дастури бизга қандай имкониятлар ваъда қилмоқда?

ЯНГИ ДАСТУРДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР БОР? УЛАР ОДДИЙ ОДАМЛАР ҲАЁТИГА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ОЛИБ КИРАДИ?



**HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021**

УЙ СОТИБ ОЛИШДА ПРОПИСКА ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИ

1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни сотиб олишда фуқаролар учун ушбу ҳудудларда доимий пропискага эга бўлиш талаб қилинмайди, бу бўйича тегишли тартиб ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида доимий пропискага эга бўлган мамлакат фуқаролари пойтахт ва Тошкент вилоятида янги қурилган уйлarda кўчмас мулк харид қилганда тўлайдиган давлат божининг алоҳида ставкаси бекор қилинади.



Доимий пропискага қўйишда бир киши учун тураржой майдонининг **ижтимоий нормаси** (бир киши ҳисобига 16 квадрат метрдан кам бўлмаслиги керак) қондаларига риоя этиш талаби белгиланмоқда.

1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси, деб тан олинади.

«ЯГОНА МИЛЛИЙ МЕХНАТ ТИЗИМИ» ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?



2020 йил 1 январдан кейинги давр учун пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилаш «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексидан мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилади. Бунда архив маълумотлари тақдим этилмайди.

Президентимиз томонидан 2020 йил 2 мартда «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармон қабул қилинди. Хужжат билан 284 банддан иборат, умумий қиймати 18,2 триллион сўм ва 10,3 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга оширишни назарда tutuvchi Давлат дастури тасдиқланди.



ОРТИҚЧА УНДИРИЛГАН СОЛИҚ УЧУН ФОИЗ ТўЛанади

Пахта хомашёси ишлаб чиқариш ва мажбурий сотиш режаси, унинг нарҳини давлат томонидан белгилаш амалиёти бекор қилинади ва давлатга мажбурий ғалла сотиш ҳажми 25 фоизга камайтирилади. Лицензиялар ва бошқа руҳсат берувчи хужжатлар камида **икки бараварга қисқартирилади**.

Солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган солиқ суммаси белгиланган муддатда қайтарилмаган ҳолда ушбу сумма учун солиқ тўловчиларга бюджет ҳисобидан Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг миқдорда **фоизлар тўлаш** ҳамда ички бозорда сотилган маҳсулот бўйича қўшилган қиймат солигининг бир қисmini қайтариш тартиби йўлга қўйилади.

Камида 800 мингта кенг полосали Интернет портлари яратилади ва 12 миң км. тотали алоқа линиялари ётқизилади.

АҲОЛИ МАҲАЛЛАЛАРДА КАСБГА ўқитилади

Камбағалликни қисқартириш дастури лойиҳаси ишлаб чиқилади. Ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларини тадбиркорлик ва касбга ўқитиш мақсадида 30 та коллеж базасида ҳамда Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камида биттадан «Ишга марҳамат» **мономарказлари** ва касбга тайёрлаш марказлари ташкил этилади.

Касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун кундалик ҳаёдада эҳтиёж юқори бўлган соҳалар бўйича касбга ўргатиш курслари фаолияти йўлга қўйилади. «Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури» ишлаб чиқилади.

Ҳар бир туманда деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳолига кишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган **ерлар тақсимлаб берилди** ва улар кооперацияларга бириктирилади. Бунда мазкур шахсларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар тақдим этилади.



Қайд этиш ўринли, Давлат дастури лойиҳаси фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш мақсадида жамоатчилик муҳокамаси учун жорий йилнинг 11-20 февраль кунлари **2020.strategy.uz** веб-сайти ва **www.regulation.gov.uz** веб-порталига жойлаштирилди. Муҳокамалар доирасида уч миңдан ортиқ таклифлар келиб тушди, улар асосида Давлат дастури лойиҳасига юзга яқин концептуал ва тахририй ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ҳўи, 2020 йилги Давлат дастуридан қандай янгиликлар ўрин олди? Улар оддий одамлар ҳаётига қандай ўзгаришларни олиб киради? Янада яхши яшашимиз, яхши ишлашимиз, орзу-умидларимиз ушатиши учун дастурда қандай чора-тадбирлар белгиланган?


ЭНДИ КОНТРАКТНИ 4 МАРТА Бўлиб тўлаш мумкин

2020 йил охирига қадар **6 ёшли болаларни** мактабга тайёрлаш тизими жорий этилади, мактабгача таълим билан **камраб олиш даражаси 60 фоизга** етказилади.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб мактаб ўқитувчиларининг юкломаси мақбуллаштирилиб, ОТМларда асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони **2 бараварга қисқартирилади**.

Олийгоҳларга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича квота босқичма-босқич **2 бараварга оширилади**.

Талабаларга ўқув йили давомида тенг улушларда камида **тўрт маротаба** ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилади. 3 та ОТМда тажриба тарихида босқичма-босқич **масофавий ўқитиш шакли жорий этилади**.



ЯНА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР БОР?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида «**Электрон парламент**» тизими жорий этилади. Сенат кенгаши ва кўмиталарининг **сайёр мажлисларини ўтказиш** тизими йўлга қўйилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилади.

Тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида **кичик саноат зоналари ташкил этилади**. Улардаги ер участкалари тадбиркорларга белгиланган тартибда **хусусийлаштирилиб берилди**.

Мажбурий тиббий сугурта тизимини жорий этишга тайёргарлик ишлари якунига етказилиб, ушбу тизим тажриба тарихида **Сирдарё вилоятида** ишга туширилади. Давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолининг дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланиши ўтган йилга нисбатан **1,3 бараварга** кўпайтирилади.

Давлат сири деб ҳисобланган маълумотлар рўйхати қайта кўриб чиқилиб, кейинчалик улар **махфийликдан чиқарилади**.

«Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳузурида «**Халқаро мунозара клуби**» ташкил этилади.

«Mahalla» мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Раҳмат МАМАТОВ: «АВВАЛЛАРИ МУАММОНИ АЙТИШДАН КЎРА, ЯШИРИШГА УРИНИШ КЎП БЎЛГАН»

МАТБУОТ АНЖУМАНИ



САМАРАДОРЛИК ЭНГ ҚУЙИ ТИЗИМДА ҲАМ АКС ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов ҳамда вазирнинг биринчи ўринбосари Эльмира Боситхонова Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида йиғилганларга тушунтириш берди.

Барча муаммолар замирида ишсизлик бор!

Журналистлар саволларига жавоб берар экан, вазир Раҳмат Маматов ўзи ва вазирлик тизими ходимлари учун маҳаллаларда бандлик муаммосининг ҳал этилиши устувор вазифа эканини таъкидлади.

— *Янги вазирлик ҳар бир фуқаро, хонадон, сўнгра маҳалла манфаатидан келиб чиқиб фаолият олиб боради, — деди Р. Маматов. — Зеро, барча муаммоларнинг замирида моддий рағбат ётади. Одамларнинг бандлиги таъминланса, ойлик олиб ишласа, оилада камчиликлар, маҳалладаги муаммолар ўз-ўзидан барҳам топиб кетаверади. Ҳозирда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишиб олганмиз. Бу борада самарали бир тизим ишлаб чиқилади. Ҳисоботлар учун ишлайдиган эмас, муаммоларни очиқ тан олиб, уларга қарши курашадиган тизим яратилади.*

Вазирлик маҳаллаларда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини тўлақонли ва самарали жорий этиш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иш фаолиятига яқиндан кўмакчи бўлиши таъкидланди. Вазирликнинг худудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари хоким ўринбосари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи худудлардаги ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари даражасига кўтарилгани тизимнинг самарали ишлашига асос яратиши айтиб ўтилди.

Хотин-қизлар масаласи — устувор вазифа

Вазирлик фаолиятида хотин-қизлар билан ишлаш энг бирламчи вазифалардан бири сифатида қаралади. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоялашда вазирлик барча ишларни амалга оширади. Бунда хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассислар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда маҳалладаги хотин-қизлар билан қалбан яқин бўлиб, уларнинг мавжуд муаммоларига ечим топишга кўмаклашади.

Шунингдек, тадбирда янги вазирлик қатта ҳаёт тажрибасига эга нуруний отахон ва онахонларимиз масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиши, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз жамоатчилик билан бирликда маҳалла ва оилалардаги ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга бошлашда кўмак бериши айтиб ўтилди. Мазкур вазифаларни тўлақонли амалга ошириш мақсадига вазир ўринбосарларидан бири кексаларни ижтимоий рағбатлантириш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда Ички ишлар вазирликлари томонидан давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 февраль куни пойтахтимизнинг Яшнобод туманига ташрифи давомида берилган топшириқлар, шунингдек, янги вазирлик ва унинг худудий бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этишдаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



муаммоларини ҳал этишга бел боғлаш жоиз.

Таъкидланганидек, ўтган икки йил давомида биргина оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида бюджетдан қарийб 10 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Аммо мамлакатимизда қарийб 4-5 миллион аҳоли камбағал деб ҳисобласак, юқоридаги каттагина маблағдан етарлича самарадорликка эришиш, деб бўлмайди. Шу боис эндиликда камбағалликни қисқартириш йўлида бундан ҳам натижадор амалларни бажариш керак.

Энг аввало, барча худудларда камбағалликка оид реал аҳволни, яъни даромади кам оилалар сони, уларнинг ҳақиқий шароити ҳақида маълумотларни умумлаштириш керак.

Йиғилишдаги тизимдаги муаммолар, ечимини кутаётган масалалар юзасидан ҳам фикр-мулоҳаза алмашилди. Уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида сўз борди.

— *Энг биринчи масала — мавжуд 9121 та фуқаролар йиғинидан 3091 таси ўз биносига эга эмаслигидир, — деди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари Ботир Парпиев. — Шундан 48 таси йиғин раисининг шахсий уйида, 78 таси қўшни маҳалла биносидан ва яна 48 таси авария ҳолатидаги биноларда, қолганлари мактаб ва бошқа ижтимоий муассасалар биносидан фаолият олиб боришади.*

Ҳўи, ўзлари муаммолар гирдобига тушиб қолган маҳалла фаоллари қандай қилиб худуддаги аҳолининг таъминини бартараф эта олади?

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида айни шу муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, ҳар бир маҳаллада тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни фаол жалб қилиш ҳисобига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплекс давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилиши белгиланган.

Тадбирда фуқаролар йиғинлари раислари ва профилактика инспекторлари аттестациядан ўтказилиб, фидойи, ўз масъулиятини сидқидилдан бажараётганлари рағбатлантирилиши ва аксинча, вазифасига панжа ортидан қараётганларга интизомий чоралар қўрилиши қайд этиб ўтилди. Яна бир масала — жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида йиғин раислари ҳамда профилактика инспекторларининг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида тизимга оид бошқа масалалар, хусусан, йиғин ходимларининг малакасини ошириш, хотин-қизлар билан ишлаш, нурунийлар тажрибасидан самарали фойдаланиш борасида сўз юритилди.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Маҳалла ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолдимми?

Янги тузилма фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақил иш юритишига ҳуқуқий жиҳатдан хавф туғдирмайди, балки маҳалла мустақиллигини тўлиқ таъминлаш ва фаолиятини тизимли асосда ташкил қилишда қўл келади

Маҳалла азалдан халқимизнинг эзгу қадриятлари, турмуш тарзи ва маданиятини ўзида акс эттирувчи институт сифатида шаклланиган. Бугун эса бу маскан аҳолининг энг яқин маслаҳатчиси, оилалар жипслилигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим тузилмага айланди. Шу боис сўнгги йилларда унинг ўрни ва аҳамиятини оширишга давлат томонидан доимий эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мазкур ишларнинг узвий давоми бўлди. Албатта, фармонда кўзда тутилган ўзгаришларга турлича муносабатлар билдирилмоқда: «Маҳалла ишларига давлат аралашмоқда», «Маҳалла давлат тасарруфига тўлиқ ўтказилди», «Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги бизга керакми?» каби фикрлар шулар жумласидан.

Хўш, бу фикрлар қай даражада асосли? Фармонда назарда тутилган ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад-муддао нима ўзи?

Вазирлик маҳалла ишига аралашадими?

Тан олиб айтиш зарур, шу вақтгача амалда бўлган тизим маҳаллаларда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, зимма-

сига юклатилган вазифаларни тизимли асосда самарали бажаришни таъминлай олмади. Фуқаролар йиғинларига улар фаолиятига тааллуқли бўлмаган функцияларнинг юклатилгани, бошқа кўйи идоралар билан ҳамкорлиги тизимли йўлга қўйилмагани, миндан ортик маҳалла идораларининг моддий-техник базаси коникарсиз аҳволда ёки умуман мавжуд эмаслиги соҳада давлатнинг кўллаб-қувватлови жоиз эканини кўрсатди.

Айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилалар билан ишлаш масалалари турли давлат ва нодавлат тузилмалари томонидан амалга оширилиши натижасида ушбу соҳада ягона самарали ёндашув ишлаб чиқишга зарурат бор эди. Янги ҳужжат билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий шартлари ва чегараси аниқ белгилан берилди.

Вазирлик маҳаллани бошқариш ёки унинг ишига хоҳлаган



вақтда аралашуш учун эмас, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди. Бу — маҳаллани бошқарувчилар кўпайганини кўрсатмайди, аксинча тузилмани кўллаб-қувватлаш, жамоатчилик комиссиялари фаолиятига амалий ёрдам бериш бўйича аниқ механизм яратишни назарда тутди.

Янги тузилма қай даражада мустақил?

Фармоннинг биричи бандидаёқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмаслиги таъкидланган. Давлат маҳалла институти фаолиятини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратди, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда уларга кўмаклашади. Мана шу мисолларнинг ўзиёқ айрим фуқаролар томонидан илгари суриллаётган ёндашувларнинг нотўғри эканини тасдиқлайди.

Бундан буён фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз функцияларини фақат давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳақ тўлашни назарда тутуви шартнома асосида амалга оширади. Ушбу тизим, аввало, маҳаллага қўшимча маблағни жалб қилиш орқали ходимларни моддий кўллаб-қувватлаш имконини яратди. Шунингдек, бу тизим давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини тақрорловчи, ортқича вазифа ва функцияларни бекор қилади.

Янги вазирликнинг ташкил

қилиниши маҳалла институти тугатишга қаратилмаган, балки маҳаллалар фаолиятини хар томонлама кўллаб-қувватлаш ва уларга ташкилий-услубий кўмак беришга йўналтирилган. Бундан ташқари, маҳалла ўзини ўзи бошқариш ва мустақиллик функцияларини тўлиқ сақлаб қолган ҳолда, фуқаролар йиғини раисига қўшимча ҳуқуқлар берилиб, уларнинг фаолияти давлат томонидан қафолатланмоқда.

Молиялаштириш тизими қандай бўлади?

Соҳани молиялаштириш тизимида ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Шу кунга қадар Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси ва шу каби ташкилотлар макониға кўра нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланса-да, уларни молиялаштириш, асосан, Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириб келинарди.

Республика маҳаллалар кенгашида 1 739 нафар, Хотин-қизлар кўмитасида 808 нафар, «Нуроний» жамғармасида 253 нафар, «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказида 428 нафар ходим фаолият олиб бораётган эди.

Эндиликда маҳаллаларнинг ривожланиши, унинг ободлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида янги молиялаштириш тизими жорий қилинади. Вазирлик ташкил этилиши билан кадрлар ва моддий ресурслар тўғри тақсимланиши

йўлга қўйилиб, бунинг ҳисобига Давлат бюджети харажатлари камайитирилади. Бу, ўз навбатида, қатор имконият ва имтиёزلарга йўл очди.

Яна бир муҳим жиҳат — илгари маҳаллалар ҳам, асосан, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, энди улар асосий фаолият йўналишларидан ташқари, тадбиркорлик билан шугулланиб, ўзини ўзи молиялаштириш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Шунингдек, эндиликда маҳалла муаммолари билан ишлашнинг янги тизими, яъни «оила — хотин-қизлар — ҳуқук-тартибот — ободонлаштириш — томорқа ва тадбиркорлик масалалари — кесалар ва фаришларни кўллаб-қувватлаш» соҳалари ягона ўзаро боғлиқ ҳолда, яхлит тизим сифатида фаолият кўрсатади. Бу соҳани мувофиқлаштириш ва маҳаллалардаги ўзаро боғлиқ муаммоларни тизимли равишда ҳал қилиш имкониятини яратди.

Хулоса қилиб айтганда, Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкил қилиниши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақил иш юритишига ҳуқуқий жиҳатдан хавф туғдирмайди. Аксинча, маҳаллалар мустақиллигини тўлиқ таъминлаш ва фаолиятининг тизимли асосда ташкил қилинишида қўл келади. Маҳалла институти ривожлантиришнинг янги босқичи бошланиши эса унинг аҳоли билан янада яқинроқ бўлишига имкон беради, одамларнинг маҳаллага бўлган ишончини юксалтиришга хизмат қилади.

Бекзод МУСАЕВ,
Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

ЎҚИҢГ, БУ — ҚИЗИҚ!

Хориж тажрибаси қандай?

Дунёнинг аксарият ривожланган давлатларида оила, ўзини ўзи бошқариш соҳасида махсус вазирликлар фаолият юритади. Улар жамиятнинг қўйи бўғини ва давлат ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради.

Жумладан, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Туркия, Хорватия, Хиндистон тажрибаси буни амалда исботлайди. Бу давлатларда бир неча асрлардан буён оила, ёшлар ва ўзини ўзи бошқариш масалалари бўйича вазирлик ва идоралар самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Хусусан, Японияда ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини амалга ошириш жараёнида давлат органлари билан ҳамкорликда ишлади.

Мамлакатда 1960 йили ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича вазирлик ташкил этилган. Вазирлик соҳада ягона давлат сиёсатини белгилаш, айнан қайси ваколатларни уларга ўтказиш масалаларини кўриб чиқиш билан шугулланади. Демак, мазкур тузилма Японияда ўзини ўзи бошқариш соҳасидаги ташкилий масалаларни ҳал қилишда давлат органларига кўмаклашади. Натيجида давлат томонидан ўзини ўзи бошқариш органларига кўрсатилган кўмак соҳада эришилган ижобий натижалар билан намоён бўлади.

Биз учун жамиятда бегона бола йўқ ва бўлмайди ҳам...

ЭНДИЛИКДА БОЛА ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯНГИ МЕХАНИЗМ, ЯНГИ ТАРТИБ-ТАМОЙИЛЛАР АМАЛДА БЎЛАДИ. БОЛАЛАРГА ЯНАДА КЕНГ ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИЛАДИ

Мурғак гўдакни суюб-эркалаб кўкка отсангиз, у кўркмайди, аксинча шодон қийқириб, сизни ҳам қувончга шерик қилади. У биледи: ишончли кўллار йиқилишига асло йўл қўймайди. Бу – буюк ишонч! Ана шу ишончнинг ҳеч қачон сўнмаслиги сизу бизга, бутун инсониятга улкан масъулият юклайди.



Афсуски, сўнгги вақтларда болалар, вояга етмаганлар билан боғлиқ турли нохушликлар тез-тез қулоққа чалинган: қайсидир мактабда болалар ҳақорат қилинган, қайсидир оилада фарзандлар жабр кўрмоқда, яна кимдир эса ўз порасидани сотишга, ундан-да ёмони, ўлдиришга жазм этган... Тан олиш керак, бу каби ҳолатлар жамиятда бола ҳуқуқларини таъминлашда маълум бўшлиқлар юзага келаятгани, ҳар бир ходиса бўйича афдорларни жазолаш билан иш битмаслигини яққол кўрсатиб бераётир.

Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан тасдиқланган «Бола ҳуқуқларининг кўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан

туғилади. Статистик маълумотларга қараганда, дунёда болалар ҳуқуқлари энг кўп бузилишига асосий сабаб ҳам айнан уларнинг ёшлиги билан боғлиқ экан.

Жаҳонда ҳар икки соатда болалар омулдуманига вояга етмаганлардан иккитадан мурожаат келиб тушади. Улар нафақат болаларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолатига тааллуқли, балки мураккаб вазиятларда маслаҳат бериш бўйича илтимослар ҳамдир. Шу ва шунга ўхшаш ҳолатлар халқаро ҳуқуқ тизимида болаларнинг ҳуқуқ имтиёз ва кафолатларини қамраб олувчи «бола ҳуқуқлари» деган соҳани юзага келтирди.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи халқаро ҳужжатлар рўйхатининг бошида Инсон ҳуқуқлари

болалар ҳуқуқини таъминлашга оид қатор нормалар ҳаётга таъбиқ этилган. Жумладан, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган институт — Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозими жорий этилди.

Болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқаролигидан катъи назар, уларга барча ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда. Уларнинг давлат органларига бевосита қилган мурожаатлари тўлиқ кўриб чиқилиши кафолатланган. Олий таълим муассасаларига Меҳрибонлик уйи ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун кўшимча равишда бир фойзгача давлат гранти асосидаги қабул квоталари ажратилган.

Болалар ҳуқуқини таъминлаш мақсадида таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйларида жамоатчилик назорати ўрнатилган ва доимий мониторинг қилиб борилмоқда.

Яъни эндиликда ўн тўрт ёшга тўлган бола ота-онаси билан бирга яшамаётган бўлса, ўзининг таъминоти учун ота ёки онадан ёки бир вақтнинг ўзида ҳар иккаласидан алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли бўлади.

Ўзбекистонда ювенал адлия тизимини жорий этиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бу жабаёнда қонун ҳужжатларидаги «вояга етмаган» ва «бола» каби тушунчаларни бирхиллаштириш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Алимент ундиришда янги норма масъулиятни оширадими?

Сенат томонидан тасдиқланган юқоридаги қонун билан қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

ЖУМЛАДАН, ОИЛА КОДЕКСИГА КИРИТИЛАЁТГАН КЎШИМЧАЛАРДА ОИЛАДА БОЛАНИНГ МАНФААТЛАРИГА ТААЛЛУҚЛИ ҲАР ҚАНДАЙ МАСАЛА ҲАЛ ҚИЛИНАЁТГАНДА БОЛА ЎЗ ФИКРИНИ ИФОДА ҚИЛИШГА, ШУНИНГ-ДЕК, ҲАР ҚАНДАЙ СУД МУҲОКАМАСИ ЁКИ МАЪМУРИЙ МУҲОКАМА ДАВРИДА СЎЗЛАШГА ҲАҚЛИ ЭКАНЛИГИ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА.

Дарҳақиқат, юртимизда боланинг манфаатларига алоқадор масала ҳал этилаётганда, афсуски, унинг ўз фикри тингиланишини таъминловчи механизмлар ҳалигача шакллантирилмаган эди. Эндиликда шу долзарб муаммо ҳам амалий ечимини топади: бундан буён оилада, суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида ваколатли органлар оқилона ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга боланинг манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда унинг фикрини, ёшидан катъи назар, жиддий омил сифатида кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларини назарда тутувчи қарорни қабул қилиши шарт.

Янги қонун билан кўплаб муаммоларга сабаб бўлаётган алимент ундириш масаласида ҳам янги нормалар белгиланяпти. Бу норма ота ва онанинг биргаликдаги масъулиятини

оширишга хизмат қилади. Оилалардаги ажралишларни камайтиришга ҳисса қўшади.

Бундан буён болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилган даъвогар давлат божи ва бошқа тўловларни тўлашдан озод қилинади. Болалар манфаатлари йўлидаги бу имтиёз ҳам халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга тўла мутаносибдир.

Мурожаат эътиборсиз қолдирилмайди

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга киритилаётган ўзгартиришларга қўра, эндиликда болалар ҳуқуқлари бузилганда, бола ва сийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек, бошқа давлат органларига қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб мустақил равишда мурожаат қилиши мумкин. Бундай мурожаатларни бола тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Худди шундай вояга етмаган шахслар қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан давлат органларига, ташкилотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига мустақил равишда мурожаат беришга ҳақли.

Қонун билан эндиликда вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол уларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Мухтасар айтганда, эндиликда бола ҳуқуқларини таъминлашда янги механизм, янги тартиб-тамоийиллар амалда бўлади. Болаларга янада кенг имтиёзлар яратилади. Маълумки, боланинг қандай инсон бўлиб етишиши тарбияга, атрофдагиларнинг унга бўлган муносабатига боғлиқ. Юқоридаги ўзгаришлардан қўзланган мақсад ҳам ўғил-қизларимизнинг беғубор қалбида эзулик уруғини ундириш, ҳар қандай зулм, ҳақсизлик ва ёвузликлардан асрашга қаратилган.

Алия ЮНУСОВА,
Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари
— Бола ҳуқуқлари бўйича вакил.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Олий суд ва ЮНИСЕФ илк бор судда ишлар кўрилатган вақтда жабрланувчи ёки жиноят гувоҳи бўлган болаларга дўстона муҳитли хонани ташкил этди.

Болаларга руҳий шикаст етказиш эҳтимолини имкон қадар камайтириш мақсадида хона замонавий видео ва аудио тизими билан жиҳозланган. Бундай чоралар жабрланувчи ёки жиноят гувоҳи бўлган бола суд муҳокамасида иштирок этаётганида у фақатгина судья билан гаплашиб, бошқа суд иштирокчилари билан ҳар қандай мулоқот қилишини истисно этади.

Болалар учун адолатли судловнинг халқаро стандартларига мувофиқ, жабрланувчи ва жиноят гувоҳи бўлган болалар учун барча босқичларда – судгача, судда ва суддан кейинги даврда махсус ҳимоя чоралари кўрилиши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун айни соҳадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Инсон ҳуқуқи бола ҳуқуқидан бошланади

Инсон туғилиши билан муайян ҳуқуқларга эга бўлади. Аммо ҳали она сутга оғзидан кетмаган боланинг ўз ҳақ-ҳудудини ҳимоя қила оладиган даражага етувчи қадар унинг манфаатларини қонун кучи билан ҳимоя қилишга зарурат

умумжаҳон декларацияси, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси туради. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ратификация қилган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳам Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядир.

Боланинг бегонаси бўлмайди

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 22 апрелдаги «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига қўра,



«Толибон»га ишонса бўладими?

Қатар пойтахти Доҳадаги битим имзолаш жараёнида «Толибон» ҳаракатидан 31 вакил, АҚШ Давлат котиби Марк Помпео, мудоффа вазири Марк Эспер, НАТО бош котиби Йенс Столберг, шунингдек, 30 та мамлакатнинг Ташқи ишлар вазири иштирок этди. Доҳада Би-би-си Форс хизматида интервью берган **Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов** «Толибон» ҳаракатига ишонса бўлишини айтди.

— Толибларга кундан-кунга ишонч пайдо бўляпти, — деди **А. Комилов**. — Биз кеча бу ерда толиблар офисининг бошлиқлари билан учрадик. Бундан олдин Тошкентда бир неча марта қабул қилдик. Булар бизга ваъда беришдики, олдиларида турган асосий мақсад — шартномани амалга ошириши. Агар шартнома амалга оширилса, жуда катта қадам бўлади. Толибларга нисбатан қандайдир ишонч пайдо бўлади. Бундан ташқари, толиблар бизга Ўзбекистон ёки бошқа Марказий Осиё давлатларига нисбатан ҳеч қачон ҳаф тугилишига йўл қўймаймиз, деб ваъда беришди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Афғонистон ҳукумати тепасига ким келиши ёки ҳокимиятини бўлиб бошқаришга Ўзбекистон аралашмаслигини, бу нарсаларга Афғонистоннинг ички иши деб ёндашилишини айтди.


Тинчликни таъминлаш нималарга боғлиқ?

Афғонистонда тинчликни таъминлаш, бу — фақатгина ҳавфсизлик муаммоларини ҳал қилишдангина иборат эмас. Президентнинг Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «тинчликка интилишнинг асосий шarti, бу — Афғонистон учун минтақавий ва халқаро миқёсда келишилган, яхлит ва кенг қамровли тинчлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир». Иқтисодийни тиклашдан, аҳолининг мураккаб ижтимоий муаммоларини ҳал қилмай туриб, Афғонистонда тинчликка эришиб бўлмайди. Афғонистоннинг иқтисодий келажагига сармоя киритишни давом эттириш муҳим. Инсонпарварлик дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштиришни қисқар-

тиришга йўл қўймаслик керак. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Афғонистондаги Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линияси ва шу каби бошқа кенг миқёсда инфратузилмавий ҳамда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли лойиҳаларни амалга оширишни бошлаб юборди. Электр узатиш линияси Кобулни Марказий Осиёнинг ягона энергетик тизимига улайди. Бундан ташқари, Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линияси «CASA-1000» лойиҳасининг таркибий қисми бўлиши ва электр энергиясини Покистон ҳамда Жанубий Осиё мамлакатларига етказиб бериш учун замин яратди. Ўзбекистон Афғонистонни минтақавий интеграцияга жалб қилишга имкон берувчи транспорт-логистика лойиҳаларини амалга оширишдан манфаатдордир. Мамлакатимиз, шунингдек, Афғонистон ҳукумати ва бошқа халқаро шериклар билан биргаликда Марказий ва Жанубий Осиёё боғловчи Мозори-Шариф — Хирот ва Мозори-Шариф — Пешовар темир йўл лойиҳаларини амалга оширишда қатнашишга тайёр. Мазкур йўналишнинг очилиши Марказий Осиё давлатлари учун Покистоннинг Гвадар ҳамда Карачи портларига чиқиш ва кейинчалик Ҳиндистон ҳамда Бангладешга юклар транзитини фаоллаштириш учун кўмаклашди. Бундан ташқари, Афғонистондаги уруш давомида зўравонликдан бошқа ҳеч нимани кўрмаган бутун бир авлод воёга етгани ҳеч кимга сир эмас. Афғон ёшларига ўз тақдирларини ўзлари белгилаш имкониятини бериш орқали жамиятда таълим ва маърифатнинг нафрат ва экстремизм ғояларига қарши тура оладиган нуфузини шакллантириш лозим. Ўзбекистон бу борада фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон ташаббуслари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё, хусусан, Афғонистонда тинчлик, барқарорлик қарор топан давлат ташкил этилишини мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб бергани бугунги мурося муҳитини яратишда муҳим роль ўйнади. Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси, изчил ташқи сиёсати ва катъий қарорлар натижасида минтақадаги ўзаро



Тинчлик уруш тугаб, Афғонистонда тинчлик ўрнатилдими?

АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИНИ БОШЛАБ БЕРУВЧИ ТАРИХИЙ БИТИМНИ ИМЗОЛАШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲИССАСИ КАТТА БЎЛДИ



ишонсизлик йўқолди, «музликлар» эриди, кўшни давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар бартараф этила бошлади, ҳамкорлик ва ҳамфикрликка асосланган янги сиёсий муҳит вужудга келди. Марказий Осиёнинг тинчлиги, ҳавфсизлиги, барқарорлиги, фаровонлиги Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашиши билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Президенти бир неча бор, ҳатто БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳам таъкидлаганидек, «Афғонистон муаммосини ҳал этмасдан туриб, тинч ва гуллаб-яшнаётган Марказий Осиё ҳақида гапириш мумкин эмас».

Узокка бормайлик, 2018 йилнинг март ойида Тошкентда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференция Ўзбекистоннинг афғонлараро тинчлик жараёнини фаоллаштиришга қўшган катта ва муҳим ҳиссаси бўлди. Тошкент конференциясида сўзга чиққан Ўзбекистон Президенти Афғонистон можаросини ҳал қилишга йўналтирилган аниқ стратегик қарашларни баён этди ва афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича халқаро савий-ҳаракатлар фаоллаштиришда «тамақ тоши» бўлган «Тошкентнинг Афғонистон бўйича сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Форумда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқни ўрнатилишнинг асосий тамойиллари бўйича минтақавий ва глобал даражада тўлиқ консенсусни ўзида муҳрлаган Тошкент декларацияси бир овоздан қабул қилинди. Бир нарсани унутмаслик керак, минтақамиздаги кўшнчи давлатлар ва дунёнинг етакчи мамлакатларининг савий-ҳаракатларисиз ушбу низонни ҳал этиб бўлмаслиги аниқ эди. Шунинг учун ҳам айнан халқаро конференцияда халқаро ҳамжамиятнинг «Толибон» ҳаракати билан ҳеч қандай муқаддам шартларсиз тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйишга

тайёрлиги намоён этилди. Янада очикроқ айтганда, айнан Тошкентда Ўзбекистон ташаббуси билан «Толибон»ни тинчлик музокаралари жараёнига жалб этиш учун туртки берилди.

Бундан ташқари, халқаро ҳамжамият тинчлик жараёнини фақат Афғонистонга қўшни бўлган давлатларнинг фаол иштирокида амалга ошириш мумкинлигини англаб етди. Шу нуктага назардан, АҚШ президентининг Афғонистон масалалари бўйича маслаҳатчиси Залмай Халилзоднинг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан афғон муаммосини бир неча бор муҳокама қилганини таъкидлаш ўрнига бўлади. Айни пайтда Тошкент конференцияси турли позицияга эга давлатлар — Покистон ва Ҳиндистон, Эрон ва Саудия Арабистони, Қатар ва Бирлашган Араб Амириклари, энг катта мафаатдор тарафлар — Вашингтон, Москва ва Пекиннинг қарашларини сезиларли даражада бир-бирига яқинлаштирди.

Афғонлараро тинчлик келишувни иш бериб, Афғонистонда янги тинчликка эришилса, тинч Афғонистон Марказий Осиё учун энг қисқа йўл орқали денгиз коммуникацияларидан фойдаланиш, транспорт йўлакларимизни диверсификация қилиш ва шу билан маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилиш учун кенг бозорларни очиб имкониятларини таъминлаш, икки марта куруклик билан ўралган мамлакатимиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш имкониятини яратди.

Ўзбекистон нега «Толибон» билан алоқа ўрнатди?

Ўзбекистон томони Афғонистонда тинчлик ўрнатиш мақсадида мамлакатдаги барча асосий ички сиёсий қучлар вакиллари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатди. Шу ўринда таъкидлаш

жоизки, мамлакатимиз бу йўналишдаги барча қадамларини расмий Кобул билан келишилган ҳолда амалга оширди. Чунки Ўзбекистон доимо «барқарор тинчликни ўрнатиш бўйича сиёсий жараёнлар фақат афғонлар томонидан ва Афғонистон халқи раҳбарлигида олиб борилиши лозим», деган асосий тамойилга содиқ қолган ҳолда иш тутди. Ўзбекистон биринчилар қаторида 1999 йилда «Толибон» ҳаракати билан алоқалар ўрнатган бўлиб, шу кунгача мулоқот давом этмоқда. Ваҳолакин, ўша пайтда бу ёндашув кўпчилик йирик давлатларга маъқул келмаган эди. Ўзбекистон толиблар афғон жамиятининг бир қисми ва Афғонистон фуқаролари сифатида ўз давлатининг келажagini белгилашда иштирок этишлари лозим деган тамойилга асосланганди. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов таъбири билан айтганда, «Толибон» ҳаракати билан бутунги мулоқотни биз кўп томонлама тинчлик жараёнини қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш сифатида кўрамыз. Шу маънода, толиблар билан мулоқот нафақат мақсадга мувофиқ, балки ўта зарур ҳамдир.

Ўзбекистон ўзининг афғон сиёсатида доимо самимий бўлиб келган. Ўзбекистон фақатгина битта, жуда оддий ва прагматик тамойилга амал қилади: «Кўшнинг тинч — сен тинч». Бунинг устига, Ўзбекистон ҳеч қачон бошқа ниятни кўзламаган, доимо бетаараф маъқули эгаллаб келган ва бу давлатнинг ички ишларига аралашмаган.

Бир сўз билан айтганда, Афғонистон самарали минтақавий ҳамкорлик майдонига айланиши зарур. Қолаверса, ҳали ҳам жаҳон ва минтақа давлатларининг қарама-қаршилик ҳамда рақобат майдони бўлиб қолаётган Афғонистондаги мазкур ёндашув ўзгариши керак. Демакки, Ўзбекистон позициясида баён этилганидек, доимо барқарор тинчликни ўрнатиш бўйича сиёсий жараёнлар фақат афғонлар томонидан ва Афғонистон халқи раҳбарлигида олиб борилиши лозим. Бу жараён ҳар қандай ташқи аралашувдан холи бўлиши керак. Зеро, Афғонистон тақдир афғонларнинг ўз қўлидадир.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Ўзбекистон Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференциясига қўшилади.



Фидойи ва мўътабар аёллар тақдирланди

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида «Мўътабар аёл» кўкрак нишонини топириш маросими бўлиб ўтди.

Қайд этиш керак, мазкур кўкрак нишони жамият ва давлат ҳаётида фаоллик, ташаббускорлик кўрсатган, ҳалол меҳнати билан оиланинг шаклланиши, унинг фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб хисса қўшган, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, миллий кадриятларимизни тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларга тақдим этилади.

Ўтган йили Халқаро хотин-қизлар куни арафасида мазкур мукофот билан халқ эътирофига сазовор бўлган, меҳнат фаолиятида кўплаб ютуқларга эришган, оиласи билан намуна бўлаётган 290 нафар хотин-қиз тақдирланган эди. 2020 йилда Йўриқномага ўзгартириш киритилиб, ушбу нишон 50 ёшдан юқори бўлган, оиласидаги муҳит билан бошқаларга ўрнак бўлишни ҳаёт тарзига айлан-тирган аёлларга берилиши белгилаб қўйилди ва 287 нафар аёл «Мўътабар аёл» кўкрак нишонига муносиб кўрилди.

Тақдирланганлар орасида

худудларда яшаб, ибратли фаолият кўрсатаётган опа-сингилларимиз, мунис онахонларимиз ҳам бор. Улар турли соҳа вакиллари экани эътиборга моликдир.

— Президент фармони билан таъсис этилган «Мўътабар аёл» кўкрак нишони билан тақдирланишимни салкам ярим асрлик меҳнатимга берилган катта эътибор ва эътироф деб биламан, — дейди **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси кадрлар бўлими бошлиғи Дилбар Турсунова**. — Бугун шоду хуррамлигимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Мукофотнинг 8 март байрами арафасида топирилиши мўътабар аёлларимизнинг бир қувончига ун қувонч қўшиди. Бу мукофот бизни эзгу мақсадлар, хайрли ниятлар сари янада руҳлантиради, қанот бағишлайди, «Мўътабар аёл» деган номга янада муносиб бўлишга ундайверади.

Кўкрак нишони билан мукофотланганлар базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдоридан бириёла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

Робия ТОЛИБОВА

Муаммолар мулоқотда ҳал бўлади

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги «Какайди» маҳалласида депутатлар иштирокида очик мулоқот бўлиб ўтди.

Унда ҳудуддаги ўндан зиёд маҳаллалардан келган фуқаролар электр энергияси, ичимлик суви, газ таъминоти, ички йўллар билан боғлиқ масалаларни ўртага ташлади. Камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасадди ташкилотлар билан фикрлашилди.

— Президентимиз томонидан барча мутасаддилар олди-га халқни рози қилиш, фаровон турмуш кечиришни таъминлаш вазифаси қўйилган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Самадов**. — Узок вақтдан буён аҳолини ўйлантираётган муаммоларга барҳам бермай туриб, бу мақсадга эришиб бўлмайди. Бу ўйналишдаги чора-тадбирларни нишиқ-пухта

ишлаб чиқиб, тизимли равишда амалга ошириш, энг муҳими, ушбу камчиликларнинг қайта келиб чиқишининг олдини олиш долзарб масала ҳисобланади.

Амалий саъй-ҳаракатлар натижасида сув каналларини тозалаш, шахсий томорқа учун сув насосларини таъмирлаш, ички йўлларга шағал ётқизиш ва бошқа юмушлар бажарилди. Худуддаги 13-умумтаълим мактабида стадион ва ошхона қуриш, мактабни қайта таъмирлаш, «Какайди» ва «Янги ҳаёт» маҳаллаларида сув иншоотларини қуриш, Бобур номи маҳаллада симёғочларни янгисига алмаштириш билан боғлиқ масалалар ҳал қилиниши белгилаб олинди.

Муҳбиримиз.

Давр янгича ёндашувни талаб қилаётир

Бухоро вилояти Ромитан туманида маҳалла ходимлари учун ўқув-семинари ташкил этилди.

Семинар давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳиятига бағишланди.

Худуддаги 45 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари катнашган тадбирда юқоридаги ҳужжатларда кўзда тутилган ўзгаришлар, уларнинг маҳалла институти ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти, белгилаб берилган вазифалар ҳақида атрофлича тушунча берилди.

— Семинарда қайд этилган масалалар фаолиятимизда жуда асқатади, — дейди **«Афросиёб» маҳалласи раиси Дилдора Жу-**



маева. — Унда «Хавфсиз ва обод маҳалла» тамойили асосида фаоллар олди-га давлат миқёсида қўйилаётган вазифалар бўйича таъсирлар берилади. Эшонликда ҳар биримиз масъулиятни янада ошириб, маҳаллалар тинчлиги, оилалар фаровонлигини таъминлашга янги талаблар билан ёндашамиз.

Семинар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

Фарход ДУРБОЕВ.

Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги Навой номи маҳаллада ҳам худди шундай тадбир бўлиб ўти.

— Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ташкил этилиши ҳар бир ҳудуддаги муаммолар ўша жойнинг ўзида ижобий ечим топишида муҳим аҳамият касб этади, — дейди **туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А.Ембериев**. — Эшонликда ҳар биримиз «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида иш юритиб, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга муносиб хисса қўйишимиз керак. Бунинг учун

етарлича имконият, қонуний ваколат яратиб берилмоқда. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида юклатилган 46 турдаги ҳамда профилактика инспекторларига юклатилган 13 турдаги вазифа ва функцияларнинг қисқартрилиши янги тизимдаги ишларнинг самарадорлигини оширади. Бунинг учун ўз вазифамизни сидқидилдан бажарсак бўлгани.

Семинар давомида соҳада бажарилиши лозим вазифалар белгилаб олинди ва яқунда худуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинди, уларга ёрдам кўрсатилди.

Арухан КЕЛИМБЕТОВА.

Спортга қизиқиш — соғлом бўлишга интилишдир

Пойтахтимизда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари томонидан «Спорт — нафислик ва саломатлик манбаи» шиори остида спорт фестивали ўтказилди.

Очилиш маросимида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Э.Боситхонова мамлакатимизда спортнинг аёлларга хос турларини ривожлантириш ва шу орқали уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган самарали ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, у вазирлик, корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган аёл ходимларнинг бўш вақтларида спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун юртимизда зарур имкониятлар яратилганини таъкидлади.

Қайд этиш керак, мусобақада давлат ва нодавлат ташкилотларида меҳнат қилаётган опа-сингилларимиздан ташкил топган 23 та жамоа спортнинг олти тури — сузиш, шахмат-шашка, стол тенниси, бадминтон, енгил атлетика, гимнастрада бўйича



ўзаро беллашишди.

— Спорт — соғлом турмуш асоси, — дейди **фестиваль иштирокчиси Гулнора Эшонхонова**. — Бугун пойтахтимизда қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолият кўрсатмоқда. У ерда биз, аёллар ўзимиз хоҳлаган спорт тури билан шуғулланишимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Айни пайтда бу каби имкониятлардан самарали

фойдаланянимиз. Шунингдек, биздан ўрнак олган фарзандларимиз ҳам спорт тўсрақларига қатнаб, соғлом турмуш тарзига амал қилиб келмоқда.

Тадбир якунига кўра, барча жамоалар турли номинациялар бўйича ғолиб деб эътироф этилди, ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Хулқар КУЗМЕТОВА.

МАҲАЛЛАЛАР КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ БЎЛАДИ

ЧИНДАН ҲАМ, ТИЗИМДА ЖИДДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЗАРУР ЭДИ. АЛБАТТА, БУ МАШАҚҚАТЛИ, БИРОҚ АМАЛГА ОШИРИШ ШАРТ БЎЛГАН ВАЗИФА

Маҳалла мамлакатимизда йиллар давомида бирламчи ҳудудий тузилмаларни ўзида ифода этиб келаётган ноёб институт ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида тизимда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар амалга оширилди. Президентимизнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида ҳам маҳалла институтини такомиллаштириш масалалари қайд этиб ўтилди.

Айни жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга кўра, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизим жорий этилди. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Реал воқелик нимани кўрсатмоқда?

Таҳлилларга кўра, соҳадаги энг катта муаммолардан бири — коррупция билан боғлиқ. Маълумки, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Унга кўра, тузилма соҳага оид Давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда,



жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этади. Қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Уларни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритади. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Бир қарашда ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида. Вазибалар ижроси бажарилаётгандек тасаввур уйғонади. Мисол учун, 2019 йилда республикамиздаги фуқаролар йиғинларида коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган 30 миңдан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилган, «Коррупцияга қарши кураш бўйича энг фаол фуқаролар йиғини» республика кўрик-танлови ўтказилган.

Аммо реал воқелик баъзи салбий кўрсаткичларни ҳам юзага чиқармоқда. Жумладан, 2018-2019 йиллар давомида 32 нафар маҳалла раиси, 16 нафар посдон ва масъул котиб коррупцион жиноятлар содир этган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат бошқарув идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилмагани оқибатида ўтган йили қарийб 67 фоиз маҳаллада жиноятлар содир этилган, 1 миң 797 тасида жиноятлар сони ошган.

Бу эса криминоген вазияти оғир ва аҳоли сони кўп маҳаллаларга ҳуқуқий соҳада етарли билим ва тажрибага эга ходимларни профилактика инспектори лавозимига тайинлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Содир этилган жиноятларни маҳаллада муҳокама қилиш ва сабабларини бартараф этиш маҳалла раисларидан фаоллигини талаб қилади. Лекин барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам бу жараёнга тайёр эмас.

Порахўрлик маҳалла учун ёт бўлиши керак

Ўтган давр мобайнида маҳалла раисларининг пора олиши билан боғлиқ қатор ҳолатлар ҳам кузатилди. Мисол учун, Бухоро туманидаги «Соҳибкор» йиғини раиси А.Эсонов туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Очилов, ҳокимлик мутахассиси Д.Турсунов, йиғиннинг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассиси Л.Азизовалар билан жиноий тил бириктириб, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 февралдаги «Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори талабларини кўпол равишда бузган.

Улар ҳудуддаги фермер хўжалиги иш юритувчисини унинг фермер хўжалиги эксперти режасини бажармаса, унга ажратилган ер майдонлари олиб қўйилиши ҳақида айтиб, эксперт бўйича режасини Бухоро туман ҳокимлигида ишловчи танишлари орқали бажартириб буйиш эвазига 800 АҚШ доллари талаб қилиб, маҳалла мутахассиси орқали 600 АҚШ доллари ва 1,9 млн. сўмни олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган. Айни мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Афсуски, айрим ҳолларда маҳалла раисларига нисбатан ҳам қонунбузилиш ҳолатлари учраб турибди. Мисол учун, шу йил 27 февраль куни собиқ Ғаллаорол туман маҳаллалар кенгаши раиси Пўлат Холматов билан шундай ҳодиса рўй берди.

Гап шундаки, аввалроқ туман кенгаши тизимида қонунчиликка риоя этилиши бўйича прокуратура органи томонидан текшириш ўтказилади. Бу ишга вилоят давлат солиқ бошқар-

маси инспекторлари ҳам жалб қилинади. Текшириш жараёнида бошқарма катта инспектори Улуғбек Норматов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) 72 миллион сўмлик қўшимча солиқ аниқлайди. Инспектор П.Холматовга вазиятни юмшатиш мумкинлиги, бунинг учун 700 АҚШ долларини пора тариқада беришни талаб қилади. Ҳатто 500 АҚШ долларини пора сифатида олади. Афсуски, бу билан нафси қонмай, қолган 200 АҚШ долларини ҳам беришни сўрайди.

Ўзи шундоқ ҳам қийин аҳволга тушиб қолган П.Холматов ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат қилади. Ушбу ариза асосида тезкор тадбир ўтказилади.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси катта инспектори П.Холматовдан 200 АҚШ долларини Жиззах шаҳридаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида олган вақтида ушланади. Мазкур ҳолат юзасидан ҳам вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилган.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олсак, чиндан ҳам, тизимда жиддий ислоҳотларни амалга ошириш зарур эди. Албатта, бу машаққатли, бироқ амалга ошириш шарт бўлган вазифа. Зотан, 2019 йилда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўрвда иштирок этганларнинг 86,6 фоизи коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашини билдирган. Бу жараёнда эса маҳаллалар доимий фаоллиқни қўлга олиши зарур. Шундагина улар коррупциядан холи худудга айланади.

Каримжон МУСАШАЙХОВ,

Бош прокуратуранинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси катта прокурори.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ҳоким маҳалла раисига топшириқ бериш ҳуқуқига эгами?

— *Куни кеча ижтимоий тармоқларда Миришкор тумани ҳокими маҳалла раисини ҳақоратлаган аудиоёзув тарқалди. Кейинчалик ҳоким йиғин раисига унинг топширигини бажармагани учун шундай муносабатда бўлганини билдирди. Ўзи аслида ҳокимлар маҳалла раисларига тўғридан-тўғри топшириқ бериш ҳуқуқига эгами?*

Зулфия НОРБОЕВА.
Хоразм вилояти.

шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, қонуннинг 7-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби ҳам келтирилган. Унга кўра, давлат органлари маҳаллалар фаолиятини амалга ошириши учун зарур шароитларни яратди, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда уларга қўмақлашади.

Демак, юқоридаги ҳолатда ҳокимнинг ҳатти-ҳаракатлари қонунчилик нуқтаназаридан, қонуний ҳисобланади.

Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирига ахборот хизмати раҳбари:

— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи белгилаб берилган. Унга кўра, фуқаролар шахарчаларда, қишлоқларда, овулларда, шунингдек, улардаги маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини сайлов ҳуқуқлари қафолатларига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари орқали амалга оширади. Уларнинг фаолиятига давлат органлари ва улар мансабдор

Жисмоний шахсларнинг таксичилик қилишига рухсат берилади.

Бундан беш-олти йил аввал синфдошим олий ўқув юртига ҳужжат топшириш учун пойтахтга кетган укасига маҳалладан олган маълумотномани бериб қўйишимни сўраб: «Мана шуни йўқотмасдан олиб бориб беринг, бир парча қоғозни деб уч кундан бери ҳужжат топшира олмаяпти», деди. Дарҳақиқат, юртдошларимиз «бюрократик тўсиқ» иборасини илмий тилда изоҳлаб бера олмаслиги мумкин. Лекин унинг одатий турмуш тарзимизда қай даражада ноқулайлик туғдиришини юқоридаги каби ҳолатлардан яхши биламиз.



Бюрократия ва қоғозбозликдан воз кечилади энди бу жараён мониторинг қилиб борилади

Яқин-яқингача фуқаролик паспорти бор ва унда қайси маҳаллада истиқомат қилиши ёзиб қўйилган шахснинг яшаш жойини маълумотнома билан «исботлаши» одатий ҳолат эди. Умуман олганда, жамиятимизда ана шу каби бюрократик тўсиқларни бартараф этиш эҳтиёжи кучайиб бораётгани. Президентимизнинг 2019 йил 9 декабрдаги «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, содда қилиб айтганда, қоғозбозликка барҳам беришга хизмат қилади. Албатта, бирдани-

това. — Ачинарлиси, бу ишларнинг айримлари фақатгина ҳисоботларда бор эди. Яъни ташкилотлар шу ишга ўралашиб қолган, ходимлар иш вақтининг катта қисmini қоғоз тўлдиршига сарфларди, бирор давлат идорасига иши тушган фуқаро эса ҳали маҳалладан, ҳали таълим даргоҳидан, ҳали яна қандайдир ташкилотдан маълумотномалар учун сарсон бўлиб вақтини ва асабини кетказарди. Тасаввур қилинг, давлатнинг қанча ресурси шу қоғозларга сарф бўлади? Иш унумдорлиги ва самарадорлиги эса паст. Чунки бизда натижалар эмас, ҳисоботлар «гапирарди». Ҳисоботларда эса эришилган натижа эмас,

ишига ҳам, оддий фуқаролар ҳаётига ҳам фаол кириб бормоқда. Ушбу чора бошқарув жараёнини оптималлаштириш орқали меҳнат самарадорлигини ошириш, коррупциянинг олдини олиш, ресурсларни тежаш ва ҳаётни қулай қилиш каби фазилатларга эга. Бунинг натижасида бюрократияга барҳам берилади. Мухими, коррупциянинг олди олинад: у ёки бу ҳужжатга дуч келган жойда «чапақай» имзо чекиб, муҳр босиб имкони қолмайди. Бу тамойил асосида ишлаш шу пайтгача айрим йўналишларда жорий этилди ва ўзини оқлади. Хусусан, «Av-ijgo», «E-hab», «Notarius» каби электрон дастурлар орқали бюрократия жараёнлари анча қисқарганини кўришимиз мумкин.

жсабобгарлик юклатилди.

Шунингдек, жами 29 та, яъни Президент ва Ҳукумат қарорлари билан тузилган идоралараро коллегияларнинг айрим ваколатлари тегишли давлат органлари ва ташкилотларга ўтказилган ҳолда 2020 йил 1 январдан бошлаб тугатилди. Қолаверса, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий этиш бўйича 16 та банддан иборат «Йўл харитаси» тасдиқланди. Унда вазирлик ва идоралар томонидан амалда оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

қимликларнинг ўн битта ортиқча ваколати бекор қилиниб, тегишли идора ва ташкилотларга топширилиши муҳим янгилик бўлди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Фирдав Шарипов. — Ҳокимлик халқ дардини тинглаши ва унга чора топиши зарур. Бекор қилинган вазифалар эса ана шу ишларни тўла адо этишда тўсиқ, кўп вақтнинг бехуда сарфланшига сабаб бўлаётганлиги. Энди ҳокимлар халқни рози қилиш учунгина ишлаганига тўла имкон яратилди. Мухими, қарор билан маҳалладан олинган 28 турдаги маълумотномалар ҳам бекор қилинди. Бу маълумотномаларнинг қоғоз ва вақтни исроф қилишдан бошқа муҳим жиҳати йўқ эди.

МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Президент қарорига кўра,
2020 йил 1 январдан бошлаб:

- маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг 11 та функция ва ваколати тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилди;
- давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқаролардан 32 турдаги ҳужжатлар талаб этилиши, шунингдек, уларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилиши тақиқланди;
- 29 та идоралараро ҳайъат органлари тугатилди.

Қандай ишлар бажарилди?

Ҳужжатда белгилаб берилгани каби шу пайтгача мазкур қарорнинг ижросини таъминлашга доир айрим ишлар бажарилган бўлиши зарур эди. Хўш, қоғозбозликка барҳам берадиган ҳужжатнинг ижроси ҳисоботлар орасида қолиб кетмагани?

— Қарор билан 2021 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ҳужжат айланиши ва ҳисоботларни юритиш фақат электрон кўринишида шакллантирилади, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Зафаржон Раҳмонов. — Бунга амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги томонидан 2020 йил 6 январда тасдиқланган таъминловчи чора-тадбирларга кўра, республика даражасидаги барча ташкилотлар учун ушбу тизим 2020 йил 1 июндан жорий этилиши белгиланди. Барча давлат ташкилотлари раҳбарларига ҳисобот ва ҳужжат айланишини юритишнинг автоматлаштирилган тизimini жорий этиш учун шахсан

ЯНА БИР МУҲИМ ЖИҲАТ, ЭНДИЛИКДА АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА ҲУДУДИЙ АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН МАЗКУР ҚАРОР ИЖРОСИ БЎЙИЧА ТАЪСИРЧАН МОНИТОРИНГ ВА ТАҲЛИЛЛАР ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ҳокимларнинг ваколати нега қисқарди?

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳокимликларда қарийб 300 та вазифа ва функция мавжудлиги, уларнинг 175 таси уларга хос эмаслиги ва бошқа идоралар функцияларини такрорлаши, бу эса уларнинг фаолияти етарли даражада самарали эмаслиги ва ортқича қоғозбозликлар мавжудлигидан далолат беришини таъкидлаганди. Мазкур ҳолат ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ошириш бўйича ҳамон бажарилиши зарур бўлган ишлар талайлигидан далолат беради.

— Мазкур қарор билан ҳо-

Эндиликда мазкур қарорнинг ижросини тўла таъминлаб, ҳаётга татбиқ этишимиз, унда белгилаб берилган ҳар бир вазифани ўз муддатига адо этишимиз зарур. Бунда Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам ташаббускор бўлиши лозим. Чунки бугун фуқароларимиз депутатларни саволга тутиб, муаммоларига ечим сўрапти. Янгиликларини тўла амалга ошириш, халқни рози қилиш учун эса, аввало, бюрократик тўсиқлар йўқ бўлиши керак.

Хулоса ўрнида

Бюрократия доим жамият ривожини орқага тортувчи омил бўлиб келган. У оддий инсонлар турмушини оғирлаштириб, энг кичик муаммоларини хал этишга ҳам тўсиқлик қилган. Шу маънода бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий этилиши жамият тараққиёти сари ташланган яна бир дадил қадам бўлди.

Боборовшан
ҒОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Ю

ртимизда ёшларга алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг келажақ эгаси, дея таърифланиши ҳам бежиз эмас. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, айти пайтда 14-30 ёш оралиғидаги йигит-қизлар сони 9 миллион 891 минг 712 нафарни, яъни жами аҳолининг 29,7 фоизини, 18-35 ёш оралиғидаги қатлам эса 32,3 фоизини ташкил қилмоқда.

Умумий ҳисобда, юртимиз аҳолисининг 62 фоизи ёшлардан иборат экан, ўсиш, ривожланиш, ўз ҳаётий мўлжалини белгилаш даврида бўлган фарзандларимизнинг жамиятда муносиб ўрин топиши учун амалга оширилаётган кенг қамровли давлат сиёсати қўллаб-қувватлашга моликдир. Ёшларга онд давлат сиёсати, катта мақсадларга йўналтирилган тадбирлари амалга оширилаётганига қарамай, афсуски, гнѐхвандлик, ичкилик, жиноятчилик, турли деструктив ғоялар таъсирига тушиб қолаётганларнинг маълум қисми ёшлар ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам бор гап.

Деструктивлик замирида нима ётади?

Кўп ҳолларда «деструктив хулқ» ибораси илмий давраларда тилга олинади. Аслида эса жамият томонидан қабул қилинган, эътироф этилган меъёр ва ролларга мос келмайдиган, муқобил нуқтаи назарларга радикал равишда қарши йўналтирилган хулқ-аъвоҳ, олдий тил билан айтганда, бузғунчилик ғояларининг тарқатилиши ана шу фаолият турига мансубдир.

Бугунги кунда қатор деструктив гуруҳлар дунёнинг турли қитъаларида фаолият юритиб, давлатлар сиёсий, ижтимоий-маданий, маърифий ҳаётига мос ва хос бўлмаган катта-кичик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Йилдан-йилга террорчилик ҳаракатлари сони ортиб бораётганини биргина 2018-2019 йиллар ичида дунё бўйича 15,3 мингта теракт содир этилганидан ҳам билиш қийин эмас. Ер юзида ҳар 40 сонияда бир киши ўз жонига қасд қилади, суицид туфайли ҳар йили деярли 1 миллион инсон ҳаётдан кўз юмади. Деструктив характердаги бошқа қўллаб-қувватлаш турлари ҳам борки, бундан Ўзбекистон ҳам мустасно эмас.

Деструктив фаолият бошқа инсонлар, жамият, давлат, табиий муҳит, маданий-тарихий ёдгорликлар, турли буюмлар, шунингдек, шахснинг ўз тақдирини ўзгартириши (тубанлашуви, инкорози, суицид) билан тавсифланади. Бундай гуруҳларга аъзоларни жалб қилиш ва онгни назорат қилиш модели, гуруҳий босим кўрсатиш усуллари ва «ақлни пешлаш» воситалари тўғрисида нафақат талабалар, балки ўқитувчилар ҳам старли маълумотга эга эмас.

Деструктив ахборот оқимининг кўпаяётгани, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўзгараётгани фуқароларнинг ахборий-психологик хавфсизлигини таъминлаш борасида индивидуал, гуруҳий ва жамият даражасида тегишли чора-тадбирлар белгиланиши ва амалга оширилишини тақозо этмоқда.

Бузғунчи ғоялар: сабаб ва оқибатлар таҳлили нимани кўрсатмоқда?

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА 40 НОМДАГИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ЮРИТИЛАЁТГАН ПРОФИЛЬ, КАНАЛ ВА САҲИФАЛАР ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРИСТИК РҲҲДА, ДЕБ ТОПИЛГАНИ МАЗКУР ДОЛЗАРБ, КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН МУАММОНИ ҲАЛ ЭТИШ ЗАРУРЛИГИДАН ДАРАК БЕРИБ ТУРИБДИ.

Бунга нафақат ҳукумат даражасида эътибор қаратилиши зарур, балки ҳеч бир шахс бу жараёнга бефарқ, лоқайд қарашга ҳаққи йўқ. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 12 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, интернет тармоғида 40 номдаги ўзбек тилида юритилаётган профиль, канал ва саҳифалар экстремистик ва террористик руҳда, деб топилгани мазкур долзарб, кечиктириб бўлмайдиган муаммони ҳал этиш зарурлигидан дарак бериб турибди.

Келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?

Тегишли манбаларда кайд этилишича, деструктив фаолият моҳиятан турли объект ёки тизимларни вайрон қилишга нисбатан интилишда намоён бўлади. Мутахассислар унинг келиб чиқиш сабабларини қуйидагича тавсифлашади:

► йигит ва қизларда ижтимоий мавқенинг ноаниқлиги, позициялар маргиналиги (худбинлашуви), улғайиш билан боғлиқ психофизиологик ўзгаришлар ёшларни ёғ, бузғунчи таъсирларга нисбатан анча заиф қилиб қўяди;

► хохиш-истаклар бекарорлиги, мақсадлар ноаниқлиги, ўзгача фикрлайдиганларга нисбатан тоқатсизлик, шовма-шоварлик баъзи ёшларни ҳаётий тажрибаси катта ота-оналар ва ибратли ёшлардан ўзқолаштириб, ўзи сингари тоифалар даврасига ундайди, ижтимоий мансублик, қизиқишлар умумийлиги нуқтаи назардан улар эҳтиёжини қондирувчи турли гуруҳларга мойил бўлиб қолади;

► ёшлар гуруҳларида маданий меъёр ва «установка»лар шаклланади, ўзига хос қадриятлар қўллаб-қувватланади, «биз» ва «улар» деган психологик қарама-қаршилик юзага келишига асос бўладиган омиллар таркиб топади.

Таҳлиллар шунини кўрсатадики, бузғунчи гуруҳ аъзоларининг аксарияти 20-30 ёш ўртасидаги йигит-қизлардир. Улар орасида ёшлар улуг инсонлар камчилиги ташкил этиб, раҳбарлар, «мафкурачи»лар ва «эксперт»ларни истисно этганда, 50-60 ёшли кишилар деярли учрамайди. Бу ҳол тасодифий эмас.

Ёшлардаги қизиққонлик, хавф-хатар романтикаси, ўзининг қимлигини кўрсатиб қўйишга иштиёқ, мафкуравий иммунитет, ахборот истеъмоли маданиятининг шаклланиши баъзан нафақат давлат, жамият, атрофдагилар, балки ўзи, оиласи учун ҳам хавфли ҳатти-ҳаракатларни содир этишга олиб келади.

Бузқунчи югургани сомонхонагача...

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки йилларда ички ва ташқи қанчалар томонидан муваффақиятларимизга тош отувчилар топиларди. Аммо «Бузқунчи югургани сомонхонагача» деганларидек, бутун бир давлат, бутун бир халқ ва 130 дан ортиқ миллат вакили истиқомат қиладиган республика бузғунчилик ғояларини тарғиб-ташвиқ этадиган ҳар қандай ёвуз кучларга қарши кураша олишини исботлади.

Моҳиятан олиб қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида радикал диний, яъни бузғунчи, вайронкор ғояларнинг тарқалиши собиқ иттифоқ замонида иккита даврни ўз ичига олган бўлса, учинчи босқич 1989-1993 йиллардан бошланади. Дин фаоллари бу даврда очикдан-очик талаблар билан сиёсий майдонга чиқар, диний ҳаётга алоқадор масалаларни мустақил ҳолда ечишга интилардилар.

1993-1999 йиллар Ўзбекистон аҳолисини исломлаштиришнинг яна бир даври бўлиб, узокни ўйлаб қилинган режаларни ўз ичига олади. Тажрибасиз, гўр, ғоявий маслағи шаклланимаган ёшлар ўша вақтда радикал ғояларни қабул қила бошлаганлар. Аммо ҳокимият ва ҳукукни муҳофаза қилиш идораларининг аниқ ва кескин, тўғри йўналтирилган саяё-ҳаракатлари туфайли уларнинг уринишлари барбод бўлди. Кейинги босқич 1999 йил февралдан ҳозиргача бўлган даврни қамраб олиб, кўпорувчилик-террорчилик фаолиятига қарши курашни янада такомиллаштириш даври сифатида кайд этилади.

Қандай курашиш мумкин?

Деструктив фаолият қандай кўриниш ва қайси гуруҳга мансуб бўлмасин,

кенг жамоатчилик бунга қарши кураш олиб бориши керак. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, қаровсиз қолган болалар, номақбул оилалар фарзандлари билан олиб бориладиган ишлар алоҳида тизимга солинмас экан, бу борада муваффақиятга эриша олмаимиз.

Турли вазирликлар, қўмита ва идоралар, барча муассасалар ёшларнинг спорт, санъат, илм-фан йўналишидаги турли дастур ва лойиҳаларда ўзини намоён қилишлариға кўмаклашишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ:

► ёшларнинг касбий, когнитив, ижтимоий фаолият соҳаларида муҳим стратегик йўналишларни аниқлаб олишлариға ёрдам берадиган қадриятлар тизимини шакллантириш;

► ижтимоий такомиллашуви ва маъсулият ҳиссини таркиб топтиришга кўмаклашувчи маънавий юксалиш, тафаккур маданияти кўникмаларини ривожлантириш;

► ёш авлод мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ вакилларида жамиятга фойда келтириш билан боғлиқ фаолият турлари билан шугулланиши назарда тутадиган қадриятлар тизимини, йўл-йўриқларни таркиб топтириш.

Биз оммавий ахборот воситалари орқали ҳар кун, ҳар соат, ҳар лаҳзада давлатлар сиёсатиға қарши, одамлар манфаатиға зид, уларнинг онгини ахборий маҳсулотлар билан маҳв этишга қаратилган минглаб хабарлардан хабардор бўлиб турибмиз. Аммо Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона тинчликпарвар сиёсат, яқин кўшилар, шунингдек, дунёдаги 135 та давлат билан олиб борилаётган дўстона алоқалар туфайли тинч, осойишта, барқарорликка эришган мамлакатда ҳаёт кечиряпмиз. Шундай бўлса-да, давлат сиёсатиға тўғри келмайдиган, умуммиллий ғояларга зид, маънавий-ахлоқий қадриятларни инкор этувчи ҳар қандай ғояга қарши курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз бўлиб қолиши керак.

Умарали ҚОДИРОВ,
психология фанлари доктори.

Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ташкил этилди.

АХОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ФАҚАТ ОДАМЛАР

Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Хўш, ушбу ҳужжатни қабул қилишга қандай зарурат бор эди? Қонунда нималар акс этган? Унинг аҳамияти қандай? Рўйхатга олиш қай тартибда ўтказилади?

СОНИНИ АНИҚЛАШ УЧУН КЕРАКМИ?

КЎП ЙИЛЛИК ДАСТУРЛАР, ТИЗИМЛИ ЎЗГАРИШЛАР ВА БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАР МАНЗИЛ АНИҚ БЎЛСАГИНА, ЮҚОРИ САМАРА БЕРАДИ. ДЕМАК, МАЗКУР ЖАРАЁН БИЛАН ШУ ЧОҚҚАЧА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛИБ КЕЛГАН СОҲАГА ЧИНАКАМ ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛАДИ



Аҳолини рўйхатга олиш, бу — мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги «фотосурати»ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади. Унга қараб ўтмиш ва бугун ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш ҳамда келажақни фарзлаш мумкин. Шунингдек, бу аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, oilaviy ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсияфлари ҳақида маълумот олишнинг ягона манбаи ҳамдир.

Агар қўлимизда ҳар бир худудга доир аниқ фактлар бўлса, режаларимиз ҳам, амалларимиз ҳам манзилли ва пухта бўлади. Айнан шунинг учун бизга бутун республикани қамраб оладиган ишончли маълумотлар керак ва улар тадрижий равишда аниқланиб борилиши шарт. Бундай аниқ ва яхлит маълумотлар эса аҳолини рўйхатга олиш асосида шакллантирилади.

Аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи

Маълумки, БМТнинг 2015 йил 10 июндаги «2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар» резолюциясига асосан, ташкилотга аъзо давлатлар камда бир марта аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олишни ўтказиши белгилаб қўйилган. Айни пайтда МДХ мамлакатлари мазкур раундда қатнашмоқда.

Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки аҳолини рўйхатга олиш ишлари 1897 йилда ўтказилган бўлса, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда ҳам бу жараён амалга оширилган. Аммо мустақилликдан сўнг бу каби ишлар бажарилмаганди. Натижада аҳоли

сонига, ёш-жинс таркибига кескин таъсир кўрсатган ўзгаришлар, республика ҳудудидаги аҳоли жойлашуви хусусиятлари ва бошқа ижтимоий-демографик ўзига хосликлар мавжуд маълумотларни қўлашни сезиларли даражада чеклаётганди.

Энди давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони билан республикамизда ана шундай муҳим жараён амалга оширилади. Бу тадбир «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади.

— Бу жараён фақатгина аҳоли сонини аниқлаш учунгина ўтказилмайди, — дейди Давлат статистика қўмитаси раиси Баҳодир Беғалов. — Балки мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ва эълон қилишнинг ягона жараёнидир. У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10-20 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратлади.

Аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади. Ўз навбатида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва oilalarга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот тарзида фойдаланилади. Аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш бўйича расмий статистика тизимида асосий роль ўйнайди.

Рўйхатга олиш қандай амалга оширилади?

Аҳолини рўйхатга олиш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Вазирлар Маҳкамаси, Аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга қўмаклашиш бўйича республика комиссияси, махсус ваколатли давлат органи — Давлат статистика қўмитаси, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Мазкур жараён уч босқичда ўтказилади. Биринчиси, тайёргарлик босқичи

бўлиб, 2-3 йилга яқин вақт давом этади. Иккинчиси, асосий босқич бўлиб, бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади. Бу тахминан 10-60 кунгача муддатни ташкил этади. Сўнгги босқич қарийб икки йилгача давом этиб, олинган маълумотлар компьютер базасига киритилиб, кодлаштириш ёрдамида таҳлил қилиниб, натижалар эълон қилинади.

Рўйхатга олиш жараёнида тўпладиган статистик маълумотлар ягона электрон ахборотлар тизимида киритилади. Яъни бундан бу ёғига қоғозбозликдан воз кечиб, замонавий технологияларни жорий этишга эътибор қаратилади.

Рўйхатга олувчилар қандай танланади?

Рўйхатга олувчиларни танлаш — энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки маълумотларнинг тўғрилигига бевосита айти улар масъул бўлади ва шакллантирилган маълумотлар реал бўлиши шарт. Бу жараёнга жалб этиладиган ходимлар ҳар хил ёшда ва касбда бўлиши, биринчи навбатда, Давлат статистика қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари, статистика йўналишида тахсил олаётган талабалар, магистрлар, шунингдек, таянч докторантлар бўлиши ҳам мумкин.

— Ёши ва касбидан қатъи назар, аҳолини рўйхатга олувчилар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади ва зарурат туғилса, уларга қўшимча маслаҳатлар берилади, — дейди Давлат статистика қўмитаси масъул ходими Усмон Абдурасулов. — Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ хароҷатлар давлат бюджетини маблағлари ва қонун билан таъқиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобида молиялаштириш кўзда тутилган. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга биноан, яқиний маълумотларни уч тилда эълон қилиниши кўзда тутилган. Яъни 2024 йил 1 декабрь маълумотлар билан танишишнинг охиригача чегара муддати этиб белгиланган.

Маълумотлар фарқ қилиши мумкинми?

Мустақиллик йилларида рўйхатга олиш чора-тадбирлари амалга оширилмагани боис 2022 йилда бўлиб ўтадиган тадбирда қатор тафовутлар намоен бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

— Биринчидан, муқаддам интернет ва АКТдан кенг омма фойдаланилмаган, рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотлари фақат қўлда ва қоғозда тўлдирилган. Иккинчидан, у даврда мулк шакллари ҳозиргидек хилма-хил ва ранг-баранг бўлмаган. Учинчидан, мамлакатлар ўртасида аҳоли миграцияси деярли юз бермаган, ҳозирда бу кўрсаткич ҳар томонлама кенгайди ва ўзгарди.

Яна бир жиҳати — аҳолининг даромад манбалари қўли билан иккита бўлган. Ҳозирда бу кўрсаткич доираси кескин кенгайди, даромад олаётган аҳоли сони ва даромад манбалари ҳам анча кўпайган. Шунингдек, муқаддам «миллати» деган кўрсаткич бўлган, бироқ «фуқаролиги» деган кўрсаткич бўлмаган. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич ҳам асосий бандлардан бири ҳисобланади. Чунки эндиликда мамлакатимизда бўлаб элчихона, консуллик хизматлари, шунингдек, хорижий инвестицияга асосланган минглаб қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Бу мамлакатимизда хорижлик фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг қўплигидан далolat беради.

Режа аниқ, вазифа масъулиятли

Мухтарам айтганда, кейинги уч-тўрт йил давомида масъул мутасаддиларни қайноқ иш жараёни кутиб турибди. Уларни муваффақиятли бажариш билан Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти, шаҳари, туманидан тортиб маҳалласиyo қўчасига, чечка кишлоқ ва oilс овулларигача алоқадор бўлган барча маълумотларни ўзида акс эттирган ягона ахборот базасига эга бўлаемиз. Бу қимматли маълумотлар эса бизга бутун, эртага ва яқин келажақда жуда асқатади.

Зотан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилаётган кўп йиллик дастурлар, амалга ошириладиган тизимли ўзгаришлар ва белгилаб олинаётган режалар манзил аниқ бўлсагина, юқори самара беради. Демак, мазкур жараён билан шу чоккача эътибордан четда қолиб келган соҳага чинакам пойдевор қўйилади, дейиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Аҳолини рўйхатга олиш қаробарида яна бир муҳим вазифани бажариш кўзда тутилган.

Бу — худудларни хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйларнинг рўйхатини тузиш билан боғлиқ масала. Турар ва нотурар жойларнинг сони аниқланиб, тегишли худудларда уй-жой, саноат объектларини қуриш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, республиканинг янги мукаммал кадастр харитаси яратилади.



резидентимиз Олий Мажлисга йўллаган Муружаатномасида: «Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваломбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам, боғчадан бошлаб, олий ўқув юртигача, таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик», дея таъкидлаганди.



БИЛАСИЗМИ?

Бугунги кунда мактабларда 683 та физика, 897 та кимё, 901 та биология хонасида ўқув лабораториялар йўқ. 7 минг 807 та физика, 7 минг 776 та кимё ва 7 минг 770 та биология хонасининг жиҳозлари эскирган. 62 мингта синф хонаси замонавий ва янги ўқув жиҳозлари билан таъминланмаган, 7 мингта компьютер етишмайди.

Замонавий мактаб фақат чиройли бинодан иборат бўлмаслиги керак

АЙНИ ПАЙТДА МАВЖУД 9 942 ТА МАКТАБНИНГ 2 835 ТАСИ ТАЪМИРТАЛАБ БЎЛСА, 5 861 ТАСИДА ДАРСЛАР ИККИ СМЕНАДА ЎТИЛЯПТИ. БУ ЭСА ЎЗ-ЎЗИДАН ТАЪЛИМ СИФАТИГА САЛБИЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ. ХЎШ, БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДАГИ ВАЗИЯТ ҚАЧОН ТЎЛА ЎНГЛАНДИ?

Дарҳақиқат, бошланғич таълимни ислох қилмасдан малакали кадрлар синфини яратишнинг, пировардида, тараққиёт сари одимлашнинг имкони бўлмайди. Ана шундай муҳим вазифани адо этиши керак бўлган таълим тизимида эса ечимини кутаётган масалалар кам эмас. Жумладан, айтилган пайтда мавжуд 9 минг 942 та мактабнинг 2 минг 835 таси таъмирталаб бўлса, 5 минг 861 тасида ўқувчилар сони сиғимига нисбатан кўплиги сабабли дарслар икки сменада ўтиляпти. Бу эса ўз-ўзидан таълим сифатига салбий таъсир қилади. Хўш, бошланғич таълимдаги вазият қачон тўла ўнгланди?

Ислохотлар изчиллиги таъминланади

— Таълим муассасаларига бўлган эҳтиёжни қондириб бориш учун босқичма-босқич бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти, — дейди Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев. — Хусусан, сўнгги уч йилда мамлакатимизда 160 дан ортиқ умумтаълим мактаби қурилди. Қолаверса, Президент мактаблари, буюк алломаларимиз номи билан аталадиган ихтисослаштирилган мактаблар, ижод мактаблари, Темурбеклар мактаблари каби замонавий ва инновацион таълим масканлари ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ, 2021 йилгача мактабларнинг камидан 3 фойизи, 2025 йилгача 20 фойизи, 2030 йилгача қадар эса 50 фойизини «Замонавий мактаб»ларга айлантиришнинг асосий параметрлари белгиланди. Бевоқифа бугун амалга оширилаётган ишларга келсак, жорий йилда 36 та янги мактаб қурилиб 211 тасининг капитал таъмирланиши белгиланган.

Албатта, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммони бирдан ҳал этиш имкони йўқ. Шу боис ўзгаришлар аниқ режа билан изчил олиб бориляпти. Айниқса, янги замон мактаблари давр талабларига жавоб бера оладиган бўлиши керак. Шунинг учун Халқ таълими ва Курилиш вазирликлари

ҳамкорлигида дунё тажрибаси ўрганилиб, намунавий лойиҳалар ишлаб чиқилди. Унга кўра, мактабларни замонавий архитектура ечимлари асосида, энергия тежовчи ва илғор технологияларни қўллаган ҳолда барпо этиш кўзланган.

— Мазкур лойиҳа асосида қуриладиган мактабларда дарслар видео ва электрон кўринишида олиб борилади, — дейди Курилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятлов. — Замон талабидан келиб чиқиб қоворсинг хоналари, электрон кутубхона мавжуд бўлади. Муҳими, мактаб биносининг ҳар бир детални танлашда энергия тежаси, қулайлик яратишга эътибор қаратилади. Шу боис ортиқча хоналар қисқартирилиб, кўпроқ синфхоналар қуриши мўлжалланган. Бу мактаблар қишда иссиқ, ёзда эса салқин бўлади.

Албатта, бугун бундай замонавий мактабларга эҳтиёж кучли. Айниқса, илм-фан янги босқичда жадал ривож олиб, дунё мамлакатлари рақамли иқтисодиётга ўтаётган бир вақтда. Бунинг учун ана шу биноларга муносиб таълим тизими ҳам бўлиши зарур.

Шакл билан бирга, мазмун ҳам ўзгаради

— Жорий йилнинг 2 март куни Президентимиз раислигида халқ таълими тизимидоғи устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишида соҳабоғи масалалар танқидий руҳда кўриб чиқилди ва зарур кўрсаткичлар берилди, — дейди Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов. — Хусусан, давлатимиз раҳбари

болаларни ижодга, санъатга ва спортга қизиқтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, виртуал лабораториялардан унумли фойдаланиш, мактабларни интернет тармоғига улаш масалалари кўрсатиб берилди. Амалдаги жиҳозлаш ҳолатини танқидий ўрганиб, мактабларни замонавий лаборатория, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозлаш бўйича топшириқ берилди.

Ортимизда математика, кимё, физика ва биология бўйича дарсларнинг 10 фойизини амалий машғулотларга ажратилган. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 30-50 фойизни ташкил этади. Шу боис йиғилишда аниқ фанларни ўқитишда амалий кўникмаларни шакллантириш ҳамда интерактив машғулотларга эътиборни кучайтириш кераклиги таъкидланди. Бу кўрсаткичларни амалга ошириш учун Халқ таълими вазири Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ўқув дастурларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиб, аниқ фанларда амалий машғулотлар кўламини оширади.

Янги тизимдаги таълим учун кадрлар етарлими?

— Таълимнинг мутлақ янги тизимига ўтиш учун, аввало, кадрлар масаласини ҳал этиш керак бўлади, — дейди Халқ таълими вазири Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бош мутахассиси Ихтиёр Махматқулов. — Шу боис вазирлигимиз дунё таълим тизимини кенг ўрганиб, уни миллий таълим дастурига мослаб қабул қилиш йўлини эътибор қаратиб келяпти. Шу асосда педагогик кадрларнинг

малакасини ошириш, уларнинг билим ва кўникмасини мустақамлаш бўйича амалий ишлар қилиняпти.

Афсуски, ўтган йили аттестацияда иштирок этган қарийб 57 минг нафар ўқитувчидан 43 фойизи паст баҳо олган. Шу боис педагоглар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, методик таъминотни янги таълим тизимига мослаш таъминоти билан амалга ошириладиган янгилаштирилган болаларни ёшлигидан маънан ва жисмонан етук шахс этиб тарбиялашга хизмат қилади. Муҳими, бунинг учун бизда етарлича салоҳият ва имконият мавжуд.

Хусусан, жорий йилнинг 27 февраль куни Президентнинг «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб тегишли ҳудудда 5 йил ишлаб бериш мажбурияти билан мактабгача таълим, халқ таълими ва олий таълим соҳаларида олий маълумотли, профессионал педагог кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар бўйича давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари шакллантирилади.

Шунингдек, мазкур ҳужжат билан ўқиниш муддати 3 йил бўлган бакалаврият таълим дастурлари асосида амалга ошириладиган педагогик таълим йўналишлари рўйхати тасдиқланди. Қолаверса, Самарканд, Андижон, Бухоро, Термиз, Қарши давлат университетларининг Педагогика институтлари ташкил этилди. Бунинг барчаси жамият учун зарур бўлган педагогик кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Боборовшан
ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Халқ таълими вазирининг 2020 йил 13 февралдаги «Худудий бошқарма ва бўлимларнинг раҳбар кадрлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ва уларнинг туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарларининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Баҳолаш мезонлари тажриба-синов тариқасида 2021 йилнинг январь ойига қадар амалиётга жорий этилади. Худудий бошқарма ва бўлимлар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш «аъло», «яхши», «қониқарсиз» кўрсаткичлар орқали белгиланади. Тажриба-синов натижалари бўйича 2021 йилдан бошлаб, барча худудий бошқарма ва бўлим раҳбарларининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари жорий этилади.

Статистик маълумотларга кўра, ер юзининг 20 фоизи яшил ҳудуд ва ўрмонлардан иборат. Ана шу дарактзорлар бутун тириклик оламини кислород билан таъминлай оладиган муҳим манбалардан биридир. Атроф-муҳит мусоффолиги, турли наботот ва ҳайвонот олами учун ҳам улар жуда муҳим саналади. Бир сўз билан айтганда, дарактлар ҳаёт мувозанатини сақлаб туради. Агар уларга зиён етса, табиатга, демакки, борлиққа ҳам пугур етади.

МОРАТОРИЙ ДАРАХТ КЕСИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛАДИ... (МИ?)

«ОБОД МАҲАЛЛА» ВА «ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ АСОСИДА ҲУДУДЛАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИДА БУНГА ЗАРУРАТ ТУҒИЛСА-ЧИ?

Афсуски, сўнгги пайтларда дарактларнинг ноқонуний кесилиши билан боғлиқ ҳолатлар тез-тез жамоатчиликнинг кенг муҳокамасига сабаб бўлмоқда. Жумладан, яқинда пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги Юнус Ражабий кўчасида кўп йиллик 81 та даракт ноқонуний кесиб ташлалиши оқибатида ўсимлик дунёсига 630,4 млн. сўмлик моддий зарар етказилгани аниқланди. Тошкент шаҳар прокуратураси маълумотига кўра, мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан Яққасарой тумани ҳокимлиги ва «Building And Supplies» МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзғатилган.

Дарактлар кесилиши билан боғлиқ бу каби ҳолат, афсуски, республикада ягона эмас. Бундай вазиятга юртимизнинг исталган ҳудудида дуч келиш мумкин. Жойлардаги ўрганишлар давомида шу нарса аниқ бўлдики, аҳоли томонидан дарактлар кесилиши, мамлакатимиз иқлим шароитига мос келмайдиган даракт турлари экилаётгани ва улар каровсизлик сабабли қуриб қолаётгани юзасидан ҳам кўплаб эътирозлар билдирилмоқда.

Яна бир муаммо — жойлардаги даракт ва буталар сони ва

сифати ҳақида аниқ маълумотлар йўқ, дарактларда касалликларни аниқлаш бўйича кузатувларда ботаник-мутахассислар жалб этилмайди. Парк, хиёбон ва бошқа жамоат жойларида даракт кесилиши ва яшил коплама реконструкцияси жараёнлари бўйича хулоса қабул қилишда жамоатчиликнинг иштирок этиш механизми шаклланмаган.

Шунингдек, шаҳар ва аҳоли пунктларида дарактларни парвариш қилиш, улардаги турли касалликларга қарши курашиш фаолияти яхши йўлга қўйилмаган, натижада даракт ва буталар биологик, санитария жиҳатидан ачинарли ҳолатга келиб қолган.

Мораторий қандай амалга оширилади?

Ўқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 30 октябрдаги тегишли фармонида кўра, давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарактлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабргача мораторий таъин қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги «Давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарактлар ва буталарнинг



қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан эса бундай дарактларнинг 78 номдан иборат рўйхати тасдиқланди ҳамда улар кесилишига мораторийни амалга ошириш тартиби белгиланди.

Қарорга кўра, давлат ўрмон фондида қирмайдиган дарактлар ва буталар қимматбаҳо навларини кесиб бўйича Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза қабул қилинишига йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, ҳудудий экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан даракт ва буталарни кесиб учун хулоса бериш, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан эса даракт-буталарни кесиб учун рухсатнома расмийлаштирилиши таъкиқланади.

сифатида ўтказиши зарур.

Жавобгарлик қачон кучайтирилади?

2020 йил 1 мартдан бошлаб қурилиш-таъмирлаш, бузиш бўйича лойиҳа ҳужжатларида, шунингдек, қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилишда мажбурий тартибда ўсимлик дунёси объектларига ва уларнинг ўсиш муҳитига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олишни таъминлайдиган, уларни бундай таъсирдан химоя қиладиган чоралар, компенсация тадбирлари ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича қоида ва меъёрларга риоя этилиши назарда тутилади.

Шунингдек, қарорда масъул ташкилотлар даракт ва буталарни кўчириб ўтказиш тартиби ҳамда компенсация тадбирларини амалга ошириш шартлари бузилгани, ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни кучайтириш белгиланган. Жазо санкциялари кучайтирилиши, бир томондан, фуюқаро маъсулиятини оширсан, иккинчи томондан, ҳар бир ноқонуний ҳаракат учун жазо муқаррар эканини кўрсатади.

Дунё мамлакатларида оддий одамлар қарши бўлса, дарактлар кесилмайди. Масалан, Хитойда 30-40 қаватли бино қурилганда ҳам яқин орадаги дарактлар атрофи махсус панжара билан ўраб, химояга олинади, қуриётган дарактлар илдизига дори берилиб, ҳаётга қайтарилади. Юртимизда ҳам айтилиши соҳада, аввало, жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Ҳар бир киши бу жараёнга берадиган бўлмаса, даракт кесилиши билан боғлиқ ҳолатларга дуч келганда, тегишли ташкилотлар вақтида хабардор қилинса, бу жараёнга қонун нуктаи назаридан ёндашилса, қутилган натижага эришиш мумкин.

Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси аъзоси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Дарактларни кесиб қандай амалга оширилади?

— Дарактларнинг ноқонуний кесилиши билан боғлиқ ҳолатларга кўп дуч келяпмиз. Тан олиш керак, кўпчилик унинг қонунга зид эканини билмайди ҳам. Ҳўи, қонун бўйича даракт ва буталарни кесиб қандай амалга оширилади?

Назиржон ШОРАҲМАТОВ,
Тошкент шаҳри.

Фаррух ЖУМАЕВ,

Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ўрмон фондида қирмайдиган ерларда дарактлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш, кесиб ҳамда дарактларни ҳаглодан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомига кўра, дарактлар ва буталарни санитария мақсадида кесиб улар касалланган, қуриётган ёки куриб қолган, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулки ҳавфсизлигига таҳдид солаётган, шохлари бетартиб ўсиши натижасида


қўшилиб кетган ёки синган, шунингдек, авария ҳолатида бўлган ҳолларда амалга оширилади.

Дарактлар бинолар ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилишга, шунингдек, муҳандислик талкиот ишларини амалга оширишга тўқинчилик қилганда, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари ва маҳаллий ҳокимлик кесилиши кўрсатилган дарактлар ва буталарни бошқа жойга кўчириш масаласини кўриб чиқади. Бунинг имкони бўлмаса, кесиб учун тегишли рухсатнома расмийлаштирилади.

Дарактлар ва буталарни кесиб, шу жумладан, санитария мақсадида кесиб ишлари туман ободонлаштириш бўлиmlари ёки ушбу турдаги хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар томонидан тўлов эъзига амалга оширилади. Ўз навбатида, юридик ва jisмоний шахслардан бунинг учун тўлов ундирилади. Бунда кесиб нархи дарактнинг тури ва диаметрига қараб 44 600 сўмдан 3 233 500 сўмгача бўлиши мумкин.

ИШСИЗЛИК: бу муаммо Самарқанд маҳаллаларини қачонгача қийнайди?

БУ МАСАЛАДА ИШСИЗЛАР БИР ГАПНИ
АЙТСА, МАСЪУЛЛАР БОШҚА ВАЖНИ
КЕЛТИРИШЯПТИ. БУ ЕРДА АЙБ КИМДА?



Аҳоли бандлигини таъминлаш кейинги йилларда жуда долзарб масалага айланаётгани бор гап. Чунки оиланинг фаровонлиги, дастурхон тўқинлиги шу билан боғлиқ. Шунинг учун бу йўналишга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Аммо, афсуски, уларнинг бажарилиши масаласи кўпинча қоғозларда қолиб кетмоқда. Ё бўлмаса, ўзгаришлар эпкини ҳали олис ҳудудларга бориб етмади...



...Тўрт фарзанднинг отаси Нурулла Қаршиев Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги «Кўнғирот» маҳалласида яшайди. Айни пайтда унинг икки ўғли хорижда ишлаяпти. Бир ўғли Россияда бўлса, иккинчиси Туркияда меҳнат қилади.

— Ҳудуд аҳолиси, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади, — дейди у. — Фермернинг даласида эрта баҳордан кеч кузгача риқични топади. Негаки, ҳудудда ҳозирча биронта санат корхонаси йўқ. Бироқ фермернинг йил охирида берадиган саккиз қоп буғдойни, тўрт бог сомони билан нима ҳам қилиш мумкин. Шу боис ўзимиз ҳаракатдамиз. Бъзан ОАВларда «борига шукур қилиб яшаш ўрнига фалончи бойлик орттириш учун чет элга кетганими...» деган гапларни ўқиб, эшитиб, ҳайрон қоламан. Менимча, бундай эмас, одамлар ноилоҳлиқдан мусофирликни бўйнига олишяпти.

«Ойига камида 2 миллион беришса, ишлаймиз...»

Пайарик туманидаги «Оққўрғон» ва «Сорисув» маҳаллалари ҳудудида яшайдиган 6 мингдан зиёд аҳолининг 4 минг нафари ишга яроқли кишилардир. 25 ёшли, тоғни

урса талкон қиладиган Ихтиёр Анатолиев ҳамда Фаррух Равшановлар ҳам шулар қаторида.

— Пайарик касб-хунар коллежини механика йўналиши бўйича 2011 йилда битириб, шу пайтга қадар биронта муносиб иш топа олмадим, — дейди И.Анатолиев. — Ҳозирда Фаррух иккимиз қишлоқда турли юмушларни бажариб юрибмиз. Бундан ташқари, фермер хўжалигида ҳам маъсулий ишчи саналамиз. Очиғини айтсам, фермер акамиз ариқ-зовурларнинг ҳар 100 метрини қазиб-тозалаш учун 20 донна сомон пресс, пахта экиш ва уни парваришлаш даврида ҳам бажарган ишимизга қараб сомон беради. Нима қилайлик, қишлоқда мол боқмасак, ундаям кунимиз ўтмайди. Молга эса озуқа керак.

Маълумотларга караганда, мазкур йилларда камбағаллик ва ишсизлик даражаси энг юқори кўрсаткични ташкил этади. Шу боис бу ерда ҳар икки оиладан бир киши хорижда ишлаш учун чиқиб кетган. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида «Сорисув» йиғинида бўлди.

— Яшириб нима қилдик, ҳар йили бу ердан камида 150-200 киши Россия ва Қозғистонга киши бориб келади, — дейди

йиғин раиси Аслиддин Қосимов. — Айниқса, хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси жуда юқори. Иш бўлмаганидан кейин даромад бўлмайди, камбағаллик даражаси ошиб кетади. Шу ўринда бир нарсани ҳам айтиш керак: ишсизларнинг кўпайишига баъзан одамларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўляпти. Яқинда қўшни қишлоқда бир тадбиркор тикув чехи очиб, хотин-қизларни ишга таклиф қилди. Кам таъминланган оилалардан 10 кишини ўша ерга юбордик. Бориб-қелишга транспорт ажратилган, тушлик бепул, 800 минг сўм ойлик берар экан. Орадан 2 кун ўтмай, улар ишга бормай қўйишди. Сабабини сўрасам, 700-800 минг сўм билан бир ойда тирикчилик қилиб бўлмайди, дейишди. Агар мардикор бозорга чиқиса, улар кунига 70 минг сўмдан ишлаб олишар экан. Ойига камида 1,5-2 миллион сўм беришса, ишлар эканлар.

Собиқ ҳарбий нега хорижга кетди?

Жомбой туманининг «Нўш» маҳалласидаги Химичи кишлоғида яшовчи, Куролли Кучлар собиқ зобити, олий маълумотли ҳарбий алоқачи, 2 фарзанднинг отаси Зафар Норов ҳам айни кунларда Москва шаҳрида қад ростлаётган кўп қаватли уйлardan бирда бўёқчилик қилияпти. Ўзининг айтишича, у бундан бир неча йил аввал қисм командирининг ноҳақлиги туфайли махсус алоқа батальонидан ишдан бўшатилган, лавозимини қайта тиклашга кўп ҳаракат қилиб кўрди, бўлмади. Шундан сўнг ноилж бола-чакасини боқиб учун хорижга кетишга мажбур бўлди...

— Икки йил давомида Туркияда ойига 200-300 АҚШ доллари эвазига чўпонлик қилдим, — дейди у. — Ҳозир Москвадан. Бу ер жуда соғуқ, иши ҳам анча оғир, аммо нима қилай, чиданга мажбурман, бошқа иложим йўқ. Чунки болаларим ҳали мактаб ёшида, хотиним касалдан. Рўзгорнинг барча оғирлиги менинг зиммада.

Мазкур йиғинда ҳам Зафар

Норов сингари ишсиз, камбағал оилалар кам эмас. Жомбой тумани бандликка кўмаклашнинг маркази билан ҳамкорликда бу борада зарур чоралар кўриляпти. Жумладан, «Нўш» маҳалласи раиси Ихтиёр Нодировнинг айтишича, оиланинг кам таъминлангани ҳисобга олинб, яқинда З.Норовнинг турмуш ўртоғи йиғин қошидаги жамоат ишларига ойлик тўлаш шarti билан жалб қилинган. Эндиликда у ҳар ойда 800 минг сўм миқдоридан ойлик маош оладиган бўлди.

«...Узр, бошқа сафар келинг...»

Мазкур туманининг «Қангли» маҳалласи Россия Федерациясига ишга кетиш бўйича вилоятда ҳам етакчи ўринда туради. Бу ердан оз эмас, кўп одам, 500 нафардан ортқ одам хорижда меҳнат қилади. Шундай бўлса-да, йиғин раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Хуршида Омоновнинг фикрича, кишлоқларда яшовчи аҳолини мутлақо ишсиз деб бўлмайди. Кунлар исби, баҳор бошланиши билан бу ерда ҳаммага иш топилади.

«Қангли»дан 6 чакирим масофада жойлашган «Халвойи» йиғинида эса мутлақо бошқача манзаранинг гувоҳи бўлдик. Самарқанд шаҳрининг Фарход кўрғонидан мазкур йиғинга киришдаги йўл четиди жойлашган ховлилар қимсауз, ташландик ҳудудни эслатади. У ерларда ўтган йили ўсиб чиққан бурган, ёввойи ўтлар ҳамон «савият тўқиб» турибди. Йўлларнинг ҳолати ундан-да бағтар. Хўш, бу хонадонларнинг эгалари каерда экан? Умуман, ҳулдунинг эгаси борми ўзи?

Шу саволларга жавоб излаб йиғин биносига қадам қўйдик. У ерда эса маҳалла раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосаридан бошқа ҳеч кимни топа олмадик. Йиғин раиси билан учрашмоқчи эдик, у эса телефонда: «Кечирасиз, бир жойга тазияга кетялман, сиз билан учрашолмайман, узр, бошқа сафар келинг», деди, холос.

Айб кимда?

Вилоятнинг Тойлок ва Самарқанд туманлари ҳудудида норасмий мардикор бозорлари мавжуд. Бу ерга Ургут, Тойлок, Жомбой, Нуробод, Пастдарғом туманлари ва Самарқанд шаҳрида яшовчи ишсизлар эрта тонгдан яхшироқ даромад топиш илнжиди йиғилади. Улар орасида атрофга жовдираб қараб турган, ўзини таништиришни истамаган ургутлик бир аёлни суҳбатга тортидик.

— 3 нафар вояга етмаган фарзандим бор, кунора шу ерга келиб иш топаман ва бир кунда ўртача 100 минг сўм ишлаймам, — дейди у. — Тикув чехлари, хусусий корхоналар эса ойига 600-700 минг сўм пул таклиф қилишади. Ўзингиз айтиш-чи, иш пулга битта оила бир ой яшай оладими?

— Вилоятда бугунги кунда ишсизлик даражаси 9,3 фоизни, рўйхатга олинган жами ишсизлар эса 148 минг 423 кишини ташкил этади, — дейди вилоят бандлик бош бошқармаси шўба бошлиғи Раҳмон Жуманов. — Бу рақам Самарқанд шаҳрида 22 минг, Ургут туманида эса 17 минг нафарни ташкил этади ҳамда мазкур ҳудудлар вилоятда бу борада энг «юқори» ўринни эгаллаб турибди. Сиз юқорида қайд этган норасмий мардикор бозорларида ҳам ўтган йили икки марта бўлиб иш ўринлари ярмаркасини уюштирдик. Таклиф этилган 500 дан ортққ иш ўрнимизга бор-йўзи 20 киши ишга жойлашди, холос. Қолганлар яна ўша санни такрорлашди: «Корхоналар таклиф қилаётган ойлик маоши кам...»

Англаганингиздек, бу масалада ишсизлар бир гапни айтса, масъуллар бошқа важни келтиришяпти. Бу ерда айб кимда? Бизнингча, қачонки, бу борада маҳаллий ҳокимлик, депутатлар, мутасаддилар томонидан тегишли тизимли назорат ўрнатилмас экан, ҳали яна юзлаб нор йиғитлар хорижга кетиши бор гап. Масъуллардан жавоб кутиб қоламиз.

Ўрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фуқароларни бепул касбга ўқишга таклиф қилди.

Муаммолар ечими учун вазир ёки сенатор олис овулга бориши шартми?

ЯНГИЛАНИШЛАР, АВВАЛО, АҲВОЛИ ОҒИР ҲУДУДЛАРДАН БОШЛАНИШИ КЕРАК ЭМАСМИ? ҚАЧОНГАЧА ҚУЙИ ТИЗИМДАГИ МУТАСАДДИЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИ САБАБ БУТУН БИР ТИЗИМ ҚОРАЛАНАВЕРАДИ? УНДА ЖОЙЛАРДА ЎТИРГАН МУТАСАДДИЛАРДАН НЕ НАФ?

Тазетамизнинг 2019 йил 5-12 декабрдаги 52-сонда «Олисдаги Кумшунгил: инфратузилма йўқ, йўллар таъмирталаб, масъуллар эса эътиборсиз...» номли мақола эълон қилинганди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги Кумшунгил овули фуқаролар йиғинидаги Кепе, Оролбой, Қурама, Қипчоқ овулларида кўплаб муаммолар мавжудлиги, аҳоли бу борада йиллар давомида мутасаддиларга мурожаат қилгани, лекин муаммони ечиш бўйича бирон амалий иш бажарилмагани ҳақида сўз юритилганди.

Шундан сўнг туман ҳокимлиги мақолага эътибор қаратиб, ишчи гуруҳ тузилгани ва вазият ўрганилгани, муҳими, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилангани ҳақида тахририятга жавоб хати йўллаган эди. Кунни кеча яна ўша ҳудудда жойлашган Қонжигали овули аҳолисидан навбатдаги мурожаат-хатини олдик. Бу сафар ҳам хатда кўрсатиб ўтилган муаммолар қанчалик ҳақиқатга яқинлигига аниқлиқ киритиш мақсадида Кумшунгил сари йўл олдик...

Нахотки ваъдалар унутилган бўлса?..


Аввало, ўзимизга таниш бўлган йўллардан борар эканмиз, хаёлан ҳудуддаги муаммолар ечими қандай хал этилаётгани ўйлантирарди. Аммо, афсуски, кўрдикки, хали бу манзилларда бирон ўзгариш сезилмаган.

— Газетада чоп этилган мақоладан сўнг туман ҳокимлигидан бир қатор соҳа вакиллари келиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш 2020 йил режасига киритилиши,

кўтарилган масалалар ижобий ҳал бўлиши ҳақида ваъда бериб кетишганди, — дейди кумшунгиллик Асқар Сейтимуратов. — Шу орада ҳудудимиздаги трансформатор ёниб кетди. Уни ўз вақтида таъмирлаб беришиди. Барака топишсин. Лекин бошқа ишларда ҳамон сизгиси бўлгани йўқ. Хали-ҳануз тепа қисми куйган симёғочлар, электр қувватининг настилигидан қўйинаямиз. Асосий муаммомиз бўлган йўл масаласи ҳам ўша-ўша аҳолида...

Вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида туман ҳокимлиги мутасаддилари билан боғландик. Улар йўл қурилиши маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилиши кераклиги, лекин ҳозирча бунга маблағ йўқлиги, агар ҳудуд 2020 йилда «Обод кишлоқ» дастурига киритилсагина, йўл қуриб берилиши мумкинлигини айтишди. Туман ободонлаштириш бошқармаси масъуллари эса мазкур йўлни таъмирлаш ишлари 2022 йилги дастурга киритилганини билдиришди.

Демак, ҳудуд аҳолиси яқин икки йил ичида раvon йўллардан юришни орзу қилмаса ҳам бўлар экан. Танқиддан сўнг



тезкор муносабат билдирилиб, барча муаммоларни бартараф этиш бўйича берилган ваъдалар эса... Умид қиламизки, туман ҳокимлиги мазкур масалани яна бир бор ўрганиб, уни тезкор ҳал этиш йўлини топади.

20 йиллик ваъда қачон бажарилади?

Бизни навбатдаги манзил — Қонжигали овулида ёши улуг нурунийлар қарши олди. Улар узок йиллардан буён ўзларини қийнаб келаятган муаммоларни бирма-бир айтиб беришди.

Қайд этилишича, асосий муаммо — овулдаги 24-умумтаълим мактабининг аянчли аҳолидир. Мактаб биноси бундан 20 йил олдин ўз вази-фасини ўтаб бўлган. Ўша пайт-даёқ масъуллар янги мактаб қуриб беришни ваъда беришган. Бироқ, мана, пунча йил ўтдики, на янги муассасани ваъда қилган масъуллардан, на янги мактабдан дарак бор.

— Ушбу муаммо бўйича Президентнинг Кегейли туманидаги Халқ қабулхонасига 2017 йилдан буён мурожаат қилиб келямиз, — дейди овул кўчабошиси Сарсенбай Сейтмбетов. — Бироқ улар қуруқ ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Мактабда тўлақонли билим олиш учун умуман шароит йўқ. Унинг девори бетон бўлгани боис қишда жуда совуқ. Газ босими эса паст. Биз ўзимиз ота-оналар йиғилишига келганимизда синфхоналардаги совуққа зўрга чидаймиз. Энди болаларимизнинг аҳолини тасаввур қилаверинг... Шу боис ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам дарсада қалин кийимларда ўтиришади. Ота-оналар эса фарзандини совуқдан асраш учун уларга ёстиқчалар бериб юборади. Муассасанинг спорт зали ҳақида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу боис мактабда спорт тўғараклари мавжуд эмас. Ёмғир ёққанида ботқоққа айланадиган кичик стадионимиз бор, холос.

Санитария қондаларига амал қилинмайди

Дарҳақиқат, мактабга киришингиз билан юзингизга ёқимсиз нам ва совуқ ҳаво урилади. Ичкаридаги манзара эса кишини ўйга толдиради. Тан олиш керак, мактаб жамоаси имкон қадар хоналарни ўқув, кўргазмалар куруллар билан жиҳозлашга уринган. Ачинарлиси, мактабда биронта фанга ихтисослашган махсус хона мавжуд эмас. Дарслар икки сменада олиб борилади. 155 нафар ўқувчига 37 нафар педагог сабоқ беради. Мактабга 4-5 км. узоқликдан қатнайдиغانлар учун йўлнинг носозлиги катта муаммога айланган. Ёмғирли кунларда бу йўлларда юриб бўлмагани боис ўқувчилар дарсга келмай қўя қолишади.

Албатта, қонжигалилик болалар ҳам телеэкранларда кўрсатилаётган замонавий мактабларни алланечук умидбахш нигоҳ билан кузатади. Аммо ўз мактабига келгач... Афсуски, улар таълим олаётган муассасада оддий гигиена қондаларига ҳам амал қилишнинг имкони йўқ. Талабга умуман жавоб бермайдиган хожатхона пундоққина мактаб ёнида жойлашган. Санитария гигиенасига умуман жавоб бермайдиган бурнакда эса челек тўла сув. Яқин 200-300 метр ораликда марказий водопровод трассаси ўтган бўлса-да, ундан қувур тортилмагани учун мактаб ахли сувни 300-400 метр наридаги босма қрандан ташиб ичишга мажбур.

— Овулдаги муаммолар бир неча йиллардан буён аҳолини қийнаб келаятгани рост, — дейди Кумшунгил овул фуқаролар йиғини раиси Марс Ғаниев. — Бу борада қилинган мурожаатларни 3-секторга етказганмиз. Мутасаддилар мактаб, йўл, газ, сув муаммоларини босқичма-босқич бартараф этишга ваъда бе-

ришган. Умид қиламизки, мазкур масалалар тез орада ўз ечимини топади.

— Овулдаги 24-умумтаълим мактаби сўнги марта 2009 йилда капитал таъмирланган, — дейди туман халқ таълими бўлими бошлиғи Олмагон Алланиезова. — Ўша йили 14 донна компьютер жамланмаси ҳам тақдим этилган. Сўнги йилларда ҳудуд аҳолиси томонидан мазкур мактабдаги муаммолар борасида Халқ таълими бўлимига кўплаб мурожаатлар келиб тушяпти. Уларни ўрганиб, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига тақлиф киритганмиз. Шу асосда мазкур мактаб 2021 йилда капитал таъмирланадиган бўлди.

Демак, барча масъулларнинг мавжуд ҳолатдан хабари бор. Боз устига, улар ушбу масалалар ечими топилишини ҳам айтишган. Аммо кумшунгилликлар бундай ваъдаларга кўп ҳам ишонмайди. Чунки мазкур мактабга янги бино қуриб бериш ҳақидаги ваъдага 20 йил бўлди!

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: янгиланишлар, аввало, аҳоли оғир ҳудудлардан бошланиши керак эмасми? Қачонгача қуйи тизимдаги мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги сабаб бутун бир тизим қораланаверади? Ахир, бутун бир вазирлик ва идоралар ўз вази-фасини сидқидилдан бажаришга киришган. Улар ҳар бир мурожаатни жойига чиқиб ўрганиб, тезкорлик билан ҳал этишга уриняпти. Хўш, олис овулдаги мактабга янги бино қуриш учун ҳам қайсидир вазир ёки сенатор Кумшунгилга бориши шартми? Унда жойларда ўтирган мутасаддиларга бирон юмуш қолмайди-ку! Масъуллардан юқоридаги мулоҳазаларимизга жавоб қутиб қоламиз ва мавзуга яна қайта-миз.

Омйрбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Кўнғирот туманидаги 40-умумтаълим мактаби ўқувчилари юқори тезликдаги интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди.

Гап шундаки, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тимур Баекеев мазкур мактаб ўқувчилари билан учрашиб, улар билан мулоқот қилди. Учрашув давомида бошқарма бошлиғи томонидан ахборот технологиялари бўйича маҳорат дарслари ўтказилиб, ўқувчиларга энг сара китоблар совға қилинди. Аҳамиятлиси, шу куннинг ўзида мактаб юқори тезликдаги интернет тармоғига уланди. Бу билан ўқитувчилар фаолиятига оид интерфаол усуллардан, тизимдаги янгиликлардан, ўқувчилар эса АКТ саводхонлигидан доимий баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлишди.

Электр таъминотидаги янги тартиб аҳолига қандай қулайликлар яратади?

ЭНДИЛИКДА ИСТЕЪМОЛЧИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ПРИБОРЛАРИНИ ДАВРИЙ ҚИЁСЛАШДАН ЎТКАЗИШ УЧУН «ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИГА МУРОЖААТ ҚИЛГАНДА, ҚИЁСЛАШДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА БАРЧА ХАРАЖАТЛАР МАЗКУР ТАШКИЛОТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ҚОПЛанади

Бугун ҳаётимизни маиший техника воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Музлаткич, чангюткич, микротўлқинли печь каби уй-рўзғор буюмлари кўпчилиكنинг яқин дастёрига айланган. Табиийки, улар электр энергиясига бўлган талабни ошириш билан бирга, электр узатиш тармоқлари ва қурилмаларининг янада соз ва сифатли бўлишини талаб этади.



ДАРВОҚЕ...

ГУЛИСТОНЛИК «ИХТИРОЧИ»
ЭЛЕКТР ҲИСОБЛАГИЧНИ
ТЎХТАТАДИГАН ПУЛЬТ
ЯРАТГАН ЭКАН...

Сўнги йилларда хизмат кўрсатиш соҳаларида инсон омиллини камайтириш, фойдаланилган электр токи ҳақини ўз вақтида тўлаш тизимини ривожлантириш борасида изчил ишлар олиб борилаётганига қарамай, айрим фуқаролар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этиш ҳолатлари учраб турибди.

Мажбурий ижро бюроси Сирдарё вилояти бошқармаси ҳамда Гулистон шаҳар бўлими тезкор ходимлари томонидан жорий йилнинг 28 февраль куни Гулистон шаҳридаги «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган «К.Х.Н.» МЧЖга қарашли автомашиналарни ювish шохобчасида энергия ресурсларидан фойдаланишнинг қонунийлиги юзасидан текширув ўтказилди. Текшириш давомида электр ҳисоблагич ичига яширин равишда электр таъминотида таъсир этувчи пульт билан бошқариладиган чип мосламаси ўрнатилиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келинаётгани аниқланди.

Олиб борилган суриштирув ҳаракатлари якунида жамият раҳбари А.Ю. томонидан таъминот корхонаси манфаатларига 23 миллион сўмдан зиёд моддий зарар етказилгани ойдинлашди. Ноқонуний хатти-ҳаракатни амалга оширган А.Ю. бу ишни «электрини тежаш мақсадида қилганман», — дея изоҳлади.

Боронинг вилоят бошқармаси суриштирув ва маъмурий амалиёт шўъбаси томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб бориш жараёнида аниқланган зарар тўлиқ ундирилиб, «ихтирочи»га нисбатан қонуний чора кўрилиши таъминланди.

Президентнинг ҳудудларга амалга оширилган тарифлари доирасидаги ташириқлар, фуқаролар мурожаатлари асосида паст кучланишли электр узатиш тармоқлари ва трансформатор пунктларини реконструкция қилиш, янгиларини қуриш ишлари бажарилишини назарда тутувчи манзилли дастур шакллантирилиши ва бу бўйича зарур ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Энергетика вазирлиги ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ Молия, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар 35-110 кВ кучланишли электр узатиш тармоқлари ва подстанцияларини 2021-2025 йилларда янгидан қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш дастурини молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда ишлаб чиқади.

Бир сўз билан айтганда, коммунал соҳада бўлаётган ижобий ўзгаришлар, хизмат кўрсатиш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар аҳоли манфаатларига хизмат қилади. Бу эса халқимизнинг яшаш тарзини яхшилаш, уларга қулай турмуш шароитини яратиш имконини беради.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

Шу боис сўнги йилларда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Эътиборлиси, ушбу амалиёт электр таъминотидаги бир қанча муаммоларга ечим бўла олаётгани билан янада аҳамиятлидир.

Хабарингиз бор, яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улаш тартибини соддалаштириш ва бизнес муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Айтиш мумкинки, мазкур қарор соҳада амалга оширилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш, аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатишни ташкил этиш, тизимдаги муаммоларни баргараф этишга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди. Унга мувофиқ, 2020 йил 1 мартдан бошлаб ўрнатилган электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини даврий қиёсладан ўтказиш учун аҳолига бир қанча енгилликлар берилди.

Эски ҳисоблагичлар энди қиёсловдан ўтказилмайди

— Эндиликда истеъмолчи электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини даврий қиёсладан ўтказиш учун «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва унинг таркибидagi ташкилотларга тўғридан-тўғри мурожаат қилганда, қиёсладан ўтказиш бўйича барча харажатлар мазкур ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади, — дейди Энергетика вазирлиги бош мутахассиси Обиджон Дилмуродов. — Фақат бу — автоматлаштирилган тизим

доирасида ўрнатишга замонавий приборларгагина тегишли, холос. Мазкур талабга мос келмайдиган эски ҳисоблагичлар эса қарорда белгиланганидек, энди қиёсловдан ўтказилмайди ва у автоматлаштирилган тизимга мос келувчи ҳисоблагичларга алмаштирилади.

Шунингдек, электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини истеъмолчилар мурожаатига кўра, Давлат хизматлари марказлари орқали фақат электр энергиясини ҳисобга олиш ускунасининг созлиги ёки қўллашга яроқлилиги, метрологик тавсифлари бўйича мунозарали саволлар тўғрисида қиёсладан ўтказиш имкони яратилади.

Биллинг тизими жорий этилади

Хабарингиз бор, 2020 йил мамлакатимизда «Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили» деб номланди. Унга кўра, жорий йил барча соҳаларда ахборот телекоммуникация воситаларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш, хизмат кўрсатиш йўналишларига замонавий биллинг тизимларини жорий этиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарориди ба масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Молия, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, «Худудий электр тармоқлари» АЖ биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар электр таъминоти ташкилотларида янги биллинг тизимини ҳамда ресурсларни бошқариш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш тизими (ERP)ни жорий

этиш бўйича тавлов ўтказди. Шунингдек, «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва Адлия вазирлиги томонидан лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва электро-техника маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларни истеъмолчилар томонидан танлаш имкониятини берадиган ҳамда нархларни рақобат асосида шакллантирадиган он-лайн платформани 2020 йил 1 октябрга қадар ишга тушириш мўлжалланган.

Бундан ташқари, яқин истиқболда электр таъминоти тизимига улашни тартибларини соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, паст кучланишли электр узатиш тармоқлари ва эски, ишдан чиққан трансформаторлар бўйича ҳам ангилликлар бўлиши кутилмоқда.

Эски трансформаторлар янги сифатга алмаштирилади... (ми?)

— Бугун аҳоли томонидан паст кучланишли электр узатиш тармоқлари ва эски, ишдан чиққан трансформаторлар бўйича жуда кўп мурожаатлар бўлмоқда, — дейди Обиджон Дилмуродов. — Табиийки, ушбу ҳолат истеъмолчиларга бир қанча ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Мазкур масалага оқилона ечим топиш мақсадида, шунингдек, Президентимизнинг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури тўғрисида»ги қарори доирасида «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар, шаҳарларда арзон кўп квартираларни қуриш дастурлари,

А

длия вазирлиги томонидан «Хорижда бўлган (бўлиб турган) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг консуллик рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилди. Бу билан хорижда доимий яшаётган ёки вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун интерактив консуллик хизматлари орқали рўйхатдан ўтиш имкони яратилди. Хўш, бу фуқароларга қандай энгиллик беради?



Консуллик рўйхатидан электрон тарзда ўтиш имкони яратилди

Эндликда хорижда доимий яшаётган ёки вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун интерактив консуллик хизматлари «www.consulate.mfa.uz» веб-портали орқали ҳам амалга оширилади. Доимий ёки вақтинча консуллик рўйхатидан электрон ўтиш имкони яратилди.

Рўйхатга ўтиш тартиби қандай?

Консуллик рўйхатидан ўтиш учун керак бўлган ҳужжатларнинг «PDF» форматда сканер қилинган нусхалари тизимга жойлаштирилади. Шу вақтнинг ўзида консуллик ходими портал орқали рўйхатга олинган шахсларнинг электрон почта манзилига консуллик рўйхатига олинганлик тўғрисида хабарнома жўнатади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан доимий консуллик ҳисобига олиш учун консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилади. 16 ёшга тўлмаган болаларга эса консуллик йиғимлари ундирилмаган ҳолда алоҳида рўйхатга олиш варақаси (электрон рўйхатга олиш варақаси) тўлдирилади. 16 ёшга тўлмаган болаларнинг биометрик, нобиометрик, хорижга чиқиш биометрик паспорти ва

ҳаракатланиш ҳужжати бўлмаганда, шунингдек, ота-онасининг ёки улардан бирининг нобиометрик паспортига ёзилган ҳолда хорижга чиқиб кетган шахслар бўлганда ҳисобга олиш уларнинг тузилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси асосида амалга оширилади.

Доимий ёки вақтинча консуллик ҳисобига олингандан кейин маълумотларга ўзгартиришлар (фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзилини ўзгартириш ва шу кабилар) киритилганда рўйхатга олиш варақасига тегишли қайд ва қўшимчалар киритилади.

Рўйхатга олиш бепул амалга оширилади

Хорижда вақтинча бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни консуллик рўйхатига олиш бепул амалга оширилади.

Улар консуллик рўйхатига кўйиш учун интерактив хизматлар веб-портали орқали мурожаат қилганда юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг «PDF» форматда сканер қилинган вариантини юборди.

Хорижга хизмат сафарига, ўқишга, даволанишга, ишга ва ўз оиласи билан бирлашиш учун чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча консуллик рўйхатига олинади.

Хорижга сайёҳ сифатида, шахсий ишлари ёки бошқа мақсадларда олти ойдан орттиқ бўлмаган муддатга чиқиб

16 ёшга тўлмаган болаларнинг тузилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг (биометрик, нобиометрик, хорижга чиқиш биометрик паспорти ва ҳаракатланиш ҳужжати бўлмаганда) асли. Нусхалари олинми, асли қайтарилади.

Ота-онасидан бирининг нобиометрик паспортидаги бола ҳақидаги маълумотлар киритилган саҳифаси нусхаси. Агар хорижга чиққан бўлса, бола ҳақидаги маълумотлар ота-онасидан бирининг нобиометрик паспортига киритилган ҳолда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва фуқаролиги

маълумотнома, тиббий муассаса таклифномаси).

Хорижга ишлашга чиқиб кетганлар учун иш жойидан маълумотнома ёки меҳнат шартномасидан нусха.

Никоҳ тузилганлиги тўғрисида (оиласи билан бирлашиш мақсадида хорижга чиқиб кетган фуқаролар учун) ҳамда вояга етмаган болаларнинг тузилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари (биргаликдаги никоҳдан болалар бўлганда) нусхалари.

Қандай ҳолда консуллик рўйхатидан чиқарилади?

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бошқа консуллик округига доимий яшашга чиқиб кетганда, хорижда вақтинча бўлиб туриш муддати тугаганда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанда (фуқаролиқни йўқотганда), вафот этганда консуллик рўйхатидан чиқарилиши мумкин.

Шунингдек, бундай шахслар доимий яшаш жойини, шунингдек, иш, ўқиш ёки хизмат сафари жойини олти ойдан орттиқ муддатга ўзгартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасига қарашли бошқа консуллик муассасасининг консуллик округи ҳудудига кўчиб ўтган тақдирда олдинги яшаш жойидаги консуллик рўйхатидан (доимий, вақтинчалик) чиқиши ҳамда янги келган жойида рўйхатга олинмиши лозим.

Қолаверса, бу тоифадаги шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан бўлиб турган ҳолларда ҳам консуллик рўйхатидан чиқиш учун ТИВнинг Консуллик-ҳуқуқий департаментига мурожаат қилади.

Шоҳида ЙЎЛДОШЕВА,
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Консуллик рўйхати неча йилга расмийлаштирилади?

— Мен бу йил хориж олий ўқув юртига ҳужжат топширмоқчиман. Талаба бўлсам, вақтинчалик консуллик рўйхати неча йилга расмийлаштирилади?

Наима БОЗОРОВА,
Самарқанд шахри.

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги мутахассиси:

— Вақтинча консуллик рўйхати 4 йилгача бўлган муддатга расмийлаштирилади. Хусусан, хорижда бўлиш мақсади билан келиб чиққан ҳолда вақтинча консуллик рўйхати хизмат сафари — хизмат са-

фари давомийлиги муддатига, ўқиш — ўқин муддатига, даволаниш — тиббий хизматдан фойдаланиш ёки даво муолажалари муддатига, ишлаш — меҳнат шартномаси муддатига, ўз оиласи билан бирлашишга — 4 йилгача муддатга рўйхатга олинади.

Қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Хорижда вақтинча бўлиб турган мамлакатимиз фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар консуллик муассасаси рўйхатидан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Интерактив хизматлар веб-портали орқали тўлдирилган рўйхатга олиш варақаси. Веб-портал орқали электрон рўйхатга олиш варақасини тўлдириниш имконияти бўлмаганда ариза ва рўйхатга олиш варақаси.
- Паспорт (биометрик, нобиометрик намунадаги), хорижга чиқиш биометрик паспорти ёки ҳаракатланиш ҳужжати. Нусхалари олинми, асли қайтарилади.

бўлмаган шахсларнинг хорижий давлат конунчилиги талабларига мувофиқ (виза, яшаш туриш ҳужжати, вақтинча яшашга рухсатнома, паспортдаги тегишли қайдлар, маълумотномалар) бўлиб туришининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Электрон рўйхатга олиш имкони бўлмаганда 3x4 см. ўлчамдаги 1 дона фотосурат.

Хорижга хизмат сафарига чиқиб кетган шахслар учун буйруқ ёки хизмат сафари гувоҳномасининг нусхаси.

Хорижга ўқишга чиқиб кетган шахслар учун ўқиш жойидан маълумотнома ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар.

Хорижга даволанишга чиқиб кетганлар учун Ўзбекистон Республикаси ёки бўлиб турган мамлакат тиббиёт муассасаси томонидан берилган тиббий ҳужжатлар (тиббий

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ШИКОЯТИ КЎПАЙДИ: масъуллар масъулиятни унутмаяптими?

ХАЛҚИМИЗДА ХАРИДОР ДОИМО ҲАҚ, ДЕГАН ГАП БОР. БУ ИСТЕЪМОЛЧИ, АЛБАТТА, ЎЗИ ИСТАГАН ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИ СОТИБ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА ЭКАНИНИ БИЛДИРАДИ. АФСУСКИ, БАЪЗАН МЎМАЙ ДАРОМАД ИЛИНЖИДАГИ СОХТА ТАДБИРКОРЛАР УЛАРНИ ЧУВ ТУШИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида яшовчи Анвар Худойбердиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) рафиқасини суюнтириш мақсадида туман марказидаги «Artel» савдо дўконидан 1 миллион 400 минг сўмга газ плитаси сотиб олди. Аммо уни уйига олиб бориб ўрнатгач, носозлигини пайқади. Яхши ният билан ойлигини сарф қилган Анвар хотинининг хуноб бўлиши, устига-устак, «чакки қилибсиз-да, ортиқча харажат қилиб», дея берган даққисини эшитишга мажбур бўлди.



Шундан сўнг газ плитанинг пулини қайтариб олиш учун яна туман марказига отланди. Сотувчига вазиятни тушунтирди. Аммо улар: «Ўзингиз шу ерда текшириб олгансиз, бизда айб йўқ, истасангиз, алмаштириб беришимиз мумкин», дея пулини қайтаришдан бош тортиди. Анвар ҳам яна бирор-та сифатсиз маҳсулотни олиб кўймай, дея пулини қайтаришларини сўради. Аммо дўкон эгасидан катъий рад жавобини эшитгач, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасига мурожаат қилди. Мутасаддилар харидорга маблағини қайтариб олишига кўмаклашди...

Дарҳақиқат, қаергадир ён-гин кетса, ўт ўчириш хизмати, бирор мулкимизни ўғирлатсак, ички ишлар органларига, бетоб бўлсак, тез тиббий ёрдамга мурожаат қилишга ўрганиб қолганмиз. Аммо истеъмолчи сифатида ҳуқуқларимиз бузилганда, барчамиз ҳам Анвар каби қаерга ва кимга мурожаат қилишни аниқ билемизми? Афеуски, бунга доим ҳам эътибор беравермаймиз.

Истеъмолчилар фойдасига 10,1 млрд. сўм ундирилди

Инсон ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун қўйилган мам-

лакатимизда бу борада ҳам алоҳида тизим фаолият юрилади. Агар истеъмолчи сифатида ҳуқуқларингиз бузилса, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ишонч телефони («10-91») ёки Виртуал қабулхона орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

— Қисқа рақамлар ва Виртуал қабулхона орқали мурожаатларни қабул қилиб, уларни ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилаямиз, — дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мутахассиси Шерали Сатторов. — 2019 йил давомида бизга жами 10 млн 261 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 9 млн 736 таси ёқуд қарийб 95 фоизи ижобий ҳал этилиши натижасида истеъмолчилар фойдасига 10 миллиард 174 миллион сўмдан ортиқ етказилган зарар қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди. Шунингдек, фуқаролар федерация тизимида ташкил этилган «Истеъмолчи билан мулоқот» ҳуқуқий маслаҳатхоналарига ҳам мурожаат қилиб, турли йўналишлардаги саволларига жавоб олмақда.

Қайд этиш керак, кейинги йилларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданияти ҳамда соҳага доир қонун ҳужжатларидан бохабарлигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соҳа фаолиятини такомиллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 11 сентябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга

асосан, Монополияга қарши курашиш кўмитаси ҳузурида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ташкил этилди.

— Агентлик соҳага оид давлат сиёсатини амалга оширади, — дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги мутахассиси Умида Мансурова. — Тизимда мурожаатларни қабул қилиш учун «11-59» Ишонч телефони доимий ишлаб турибди. Маълумот ўрнида, 2020 йил январь-февраль ойларида фуқаролардан жами 343 та мурожаат келиб тушган бўлиб, ўрганишлар давомида 280 миллион сўмдан зиёд пул маблағлари қайта ҳисоб-китоб қилинди ва истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланди. Ташкилот чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида назорат харидини амалга ошириш, товарларни экспертизадан ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга. Бир сўз билан айтганда, ҳали ташкил этилганга кўн бўлмаган агентлик соҳа фаолиятини янги bosқичга олиб чиқмоқда.

Одамлар кўпроқ қайси соҳадан норози?

Истеъмолчилардан келиб тушаётган мурожаатларга эътибор қаратсак, кўпроқ савдо-сотик, уй-жой коммунал хизмати, газ-электр таъминоти, соғлиқни сақлаш соҳаларида истеъмолчи ҳуқуқи бузилиш ҳолатлари рўй берганини кўриш мумкин.

— 2019 йилда фуқароларнинг мурожаатлари ўрганилиб, соҳалар кесимида тахлил қилинганда, уларнинг асосий қисми савдо соҳасига тегишли экани аён бўлди, — дейди Ш.Сатторов. — Хусусан, фе-

дерацияга келиб тушган мурожаатларнинг 38,9 фоизи савдо соҳасига тегишли бўлса, 12 фоизи электр, 8 фоизи эса газ таъминоти тааллуқлидир. Айтиш керакки, мурожаатлар орасида истеъмолчининг ўзи ноҳақ бўлган вазиятлар ҳам учраб туради. Шунинг учун биз доим вазиятни холисона баҳолаш ва тезкорлик билан керакли чораларни кўриш учун ҳаракат қиламиз.

Монополияга қарши курашиш кўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги маълумотларида ҳам энг кўп шикоятлар умумий овқатланиш жойлари ва савдо соҳаси бўйича эканини кўриш мумкин. Демак, мурожаатлар таҳлили асосида қайси соҳаларда қандай муаммолар борлигини аниқлаш, қайси жиҳатларга эътиборни қайтариш кераклигини ҳам билиш мумкин. Агентлик бундан доимий равишда таҳлил қилиб, тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда уларни баргараф этишга ҳаракат қилади.

Халқимизда харидор доимо ҳақ, деган гап бор. Бунинг замирида истеъмолчи, албатта, ўзи истаган юқори сифатли маҳсулотни сотиб олиш ҳуқуқига эга эканини билдиради. Афсуски, баъзан мўмай даромад илинжидаги сохта тадбиркорлар, фирибгарлар харидорларни чув туширишга, уларга сифатсиз, контрафакт маҳсулотларни ўтказишга ҳаракат қилади. Бундай вазиятларда айнан мутасадди ташкилотлар истеъмолчининг ўз ҳимоясига олади. Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, бу тизим йилдан-йилга такомиллашиб бораётир.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ БОРМИ?

АҚШ собиқ президенти Жон Кеннеди Конгресснинг 1962 йил 15 март кунини ўтказилган мажлисида нутқ сўзлаб, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиб чиқади ва уларнинг асосий ҳуқуқларини ўз ичига олган декларацияни имзолайди. Шу боис 1983 йилдан буён ушбу сана бутун дунёда Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунини сифатида кенг нишонланади.


Юқоридаги ҳужжат истеъмолчиларнинг маҳсулот (хизмат) ҳақида маълумот олиш, унинг сифати (хавфсизлиги) га ишонч ҳосил қилиш, маҳсулот(хизмат)ни танлаш ҳамда унга ўзгартириш қиритиш каби ҳуқуқларга эга бўлишини таъминлади. 1985 йил 9 апрелда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан истеъмолчилар ҳуқуқлари муҳофазасининг асосий тамойиллари қабул қилинган, бу рўйхатга тоза атроф-муҳитга эга бўлиш, зарар учун товон олиш, асосий эҳтиёжларини қондириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бўйича таълим олиш каби ҳуқуқлар ҳам қўшилди.

Мазкур резолюция билан истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари халқаро миқёсда тан олинди, қонуний кучга эга бўлди. Шу ўринда ушбу ҳужжат Ўзбекистон томонидан ратификация қилингани ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Янги шаклдаги кадастр ҳужжатининг намунаси тақдим этилди.

НОГИРОНЛИКНИ

аниқлашга оид ҳужжатлар ижроси таъминланяпти...(ми?)



ЭНГ БИРИНЧИ НАВБАТДА, ЖОЙЛАРДА НОГИРОНЛИКНИ БЕЛГИЛАШДА БЕМОРНИНГ, АЛБАТТА, ШИФОХОНАГА ЁТИШИ КЕРАК, ДЕБ ТАЛАБ ҚЎЙИЛМОҚДА. ҲОЛБУКИ, ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТЕГИШЛИ ФАРМОНИДА БУ ТАЛАБЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ КЕРАКЛИГИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлиги бор фуқароларга ҳаётда тенг имконият ва шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, улар давлат соғлиқни сақлаш тизими ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга, ўзгалар парваршига муҳтож бўлган, сурункали руҳий хасталикларга чалинган ногиронлиги бор фуқароларга эса ижтимоий таъминот муассасаларида яшаш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Бирок, тан олиш лозим, бугун соҳада қатор муаммолар борки, улардан кўз юмиб бўлмайди.

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК)нинг фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларнинг ногиронлигини аниқлашга доир фаолияти ўрганилганда, жойларда 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар дастури ижроси таъминланмагани, жуда кўп ҳолатларда ногиронлар турли қийинчиликларга дуч келаётгани аниқланди.

— **Энг биринчи навбатда, жойларда ҳали ҳам ногиронлиқни белгилашда беморнинг, албатта, шифохонага ётиши керак, деб талаб қўйилмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Маҳмуд Парпиев.** — Ҳолбуки, Президент фармони билан тасдиқланган махсус дастурда

МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ишларининг тизимли йўлга қўйилмагани оқибатида ногиронлиги бўлган шахслар сони сўнгги уч йилда 9 фоизга ошган.

ушбу талаблардан воз кечиш кераклиги белгилаб қўйилган, лекин бу амалга оширилмаган. Техник реабилитация воситаларини бепул олиш учун тақдим этилган бир марталик тиббий хулоса бериш тартиби ҳалигача жорий этилмаган. Қолаверса, ногиронлик белгилари яққол кўришиб турган фуқаролар техник реабилитация воситаларини бепул олиш учун мурожаат қилганда кўп ҳолларда бунинг учун шифохонада даволаниб чиқши ёки тиббий кўриқдан ўтиши керак, деган баҳоналар билан овоза қилиб келинган.

Аввал тиббий хулоса олти ойма берилган, энди эса...

— **Дарҳақиқат Президент фармони билан тасдиқланган дастурда айрим тоифадаги ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус даволаниш ва тиббий тегишувдан ўтмасдан ногиронлиқни белгилаш, стационар даволанишда мажбурий бўлишни бекор қилиш ҳамда ҳужжатларни топиришида энгилликлар яратиши вазифаси қўйилган, — дейди Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи Умарали Назарматов.** — Шу боис бугун ногиронлик аломатлари аниқ намоён бўлган касалликлар, шунингдек, ноҳуш клиник прогнозага эга хасталиклар ва асоратлар рўйхати шакллантирилиб, Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори лойиҳасига киритилган. Ҳозирда ушбу рўйхат асосида ногиронлик амбулатор тегишувлар натижаси ва тегишли мутахассислар хулосаси асосида белгилашмоқда.

Шунингдек, иккинчи масала бўйича Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирлигининг 2018 йил 3 апрелдаги «Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачилар билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги қарорига

ишмчалар киритиш ҳақида»ги қарорига кўра, реабилитация техник воситалари ва протез ортопедия маҳсулотлари рўйхати кенгайтирилиб, унга тирсақли қўлтиқ таёқ, кўзи соғисизлар учун ҳасса, юриши мосламаси (ходунок), нафас ва пешоб қабул қилгичлар киритилди. Муҳтож шахсларга бериладиган бир марталик тиббий хулосалар ногиронлик муддатидан келиб чиқиб, қайта ногиронликка ўтиш муддатигача ёки улардан фойдаланиш муддатигача берилиши тўғрисида ўзгартириш киритилди.

Қолаверса, Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан кўриқдан ўтказилиб, ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этилганда, уларни протез-ортопедия буюмлари, ногиронлик аравачилари ва реабилитация қилишининг бошқа ёрдамчи техник воситалари билан таъминлашга муваппақлиги ҳам аниқланади ва бу ҳақида тиббий хулоса расмийлаштирилиб, ногиронлиги бўлган шахсга тақдим этилади.

Чиндан ҳам, авваллари ушбу тиббий хулоса 6 ой муддатга берилар, агар ногиронлиги бўлган шахс шу давр ичида таъминланмаса, сарсон бўларди. Мазкур қарор билан юқоридаги муаммоларга тўлиқ барҳам берилди. Унга кўра, ҳозирда муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари билан бепул таъминлаш тўғрисидаги тиббий хулоса расмийлаштиришида шифохонада даволаниб чиқши ёки тиббий кўриқдан ўтиши талаб этилмайди.

Беш қўл баробар эмас...

Шунингдек, ушбу қарор асосида пенсия ёшидаги шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачилар билан таъминлаш ҳам имтиёзли равишда амалга оширилди. Бунда муҳтож шахсларга берилган тиббий хулосалар ҳар бир касаллик ҳолатида касалликнинг хусусияти ва кечипига, организм функцияларининг бузилиши даражасига ва компенсаторлик механизмларининг ҳолатига қараб, улардан фойдаланиш муддатигача берилади. Фойдаланиш муддати тугагандан кейин қайта расмийлаштирилади.

— **Беш қўл баробар эмас. Шу нуқтаи назардан, жойларда ўз нафсини уйлаб, соҳада ўрнатилган тартиб-қоидаларни четлаб ўтаётган масъуллар ҳам йўқ эмас, — дейди Умарали Назарматов.** — Агар юқоридаги талаблар бузилаётган, ногиронлиқни белгилашда муаммолар ҳолатлар кузатилаётган бўлса, фуқаролар Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг 71-231-66-58 рақамли

ДАРВОҚЕ...

2017-2019 йилларда ТМЭКларга жами 622,2 минг нафар фуқаро ногиронлик ҳолатини белгилаш юзасидан мурожаат қилган, уларнинг 19 минг нафарига, яъни 3 фоизга етарли асослар мавжуд бўлмаганлиги сабабли ногиронлик белгиланмаган.

Ишонч телефонига хабар беришлари мумкин.

Ногиронлар тиббий кўриқ учун 8-10 кун сарфламоқда

Биламизки, шу кунга қадар тиббий-меҳнат экспертиза хизмати фаолиятини тартибга солидиган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат йўқлиги, тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш мезонлари ишлаб чиқилмагани оқибатида тизимда фаолият юритаётган ходимлар ҳалигача эски ҳужжатлардан фойдаланиб келмоқда. Бундан ташқари, ногиронлиқни аниқлаш ва белгилаш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилмастик натижасида хали-ҳамон ногиронлар тиббий-меҳнат экспертизаси комиссияларига ўзлари ёки кимнингдир ҳамроҳлигида боришга мажбур бўлмоқда.

Шунингдек, жойларда 2-3 та туман фуқаролари учун битта туманлараро ТМЭК фаолият юритмоқда. Бунинг натижасида фуқаролар тиббий кўриқдан ўтиш учун 8-10 кун сарфлашмоқда. Жараён конун ҳужжатлари билан тартибга солилмагани ортқча овозгарчиликларга сабаб бўлмоқда.

Шу боис Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси Тиббий-меҳнат эксперт-комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларнинг ногиронлигини аниқлаш масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақида қарор қабул қилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юртимизда аввалдан ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган шахсларга жамиятнинг ажралмас бир қисми сифатида эътибор қаратиб келинади. Шу нуқтаи назардан, соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун кўришаётган чора-тадбирлар, ўзининг илбиш натижасини бериши, шубҳасиз.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»



МУРҒАК ҚАЛБ ЭГАЛАРИНИНГ УЙ-ЖОЙ МУАММОСИ ҚАНДАЙ ҚАЛ ЭТИЛАДИ?

ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИСИЗ ҚОЛГАН БОЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ ОЛИШ ВА СУД ҲИМОЯСИДА БЎЛИШ ҲУҚУҚЛАРИ ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНМАГАН. СОҲАГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ АКСАРИЯТИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИ

Меҳрибонлик уйлари болалар шаҳарчасига айланадими?

— Мурожаатномадаги вазирлар Халқ таълими вазирлиги зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, — дейди Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев. — Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 11 февралдаги «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижтимоий етимликни янада камайтириш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий мослашувиغا хизмат қилмоқда.

Қарор ижроси доирасида «Йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, маҳаллий ҳокимликлар, Ёшлар иттифоқига қатор вазифалар юкланди. Жумладан, ҳамкорлик

доирасида 2019 йилда республика бўйича таълим муассасаларини тамомлаётган 647 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг ижтимоий аҳволи ўрганиб чиқилди. Улар билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказилиб, 356 нафарининг бандлиги таъминланди, 171 нафарини ишга жойлаштириш жараёни эса давом этмоқда. 47 нафар битирувчи олий таълим муассасаларининг талабаси бўлди.

Ижтимоий етимликнинг олдини олиш, шунингдек, Меҳрибонлик уйлари босқичма-босқич кам комплектли болалар шаҳарчаларига ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқобил шаклларига ўтказиш мақсадида 2019-2023 йилларда Меҳрибонлик уйлари ноинституционаллаштириш дастури ишлаб чиқилди.

Уй-жой билан таъминлашда қандай муаммолар бор?

— Бир қарашда бу рақамлар соҳада ҳаммаси яхши, деган тасаввур йўғолади, — дейди Д.Кенжаев. — Аслида эса

бундай эмас. Мисол учун, 2019 йил таълим муассасаларини тамомлаётган 647 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг 356 нафарига иш билан таъминланган, холос. 171 нафари ҳамон ишсиз. 2011-2019 йиллар давомида Меҳрибонлик уйлари 2307 нафар битирувчисидан 1024 нафари тураржойга муҳтож деб топилган, бироқ 2020 йил январь ҳолатига кўра, уларнинг 450 нафари уй билан таъминланиб, 574 нафари ҳалигача ўзига берилиши керак бўлган уйлари кутмоқда. Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Навоий, Андижон вилоятларида етимларни уй-жой билан таъминлаш кўрсаткичлари қониқарсиз.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг тегишли комплекс чора-тадбирлар режасини янада такомиллаштириш зарур. Ҳолат ўрганилганда, бундай болаларни уй-жой билан таъминлаш ҳақидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш вақтида ҳокимликлар тураржой учун маблағларни қасрдан олиши, яъни молиявий манбалар аниқ кўрсатилмагани аниқланди. Маҳаллий бюджетдан бу харажатларни амалга ошириб бўлмагани туфайли болалар вақтинча яшаб туришлари учун ётоқхоналар ёки бошқа жойларга жойлаштириб келинган. Бу эса муаммога ечим бўла олмайди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Меҳрибонлик уйлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларда тарбияланаётган болаларнинг тўлақонли таълим-тарбия олиши ва касб-ҳунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратиш бўйича вазифалар белгиланди. Жумладан, тарбияланувчиларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни иш, уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Ўз-ўзидан бу — қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни талаб этади.

Сенаторлар қандай фикрда?

Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида ҳам айна масала муҳокама қилинди. Унда амалга оширилган ишлар билан бирга, ечимни кутаётган муаммолар ҳам санаб ўтилди. Жумладан, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқий ёрдам олиш ва суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқлари етарли даражада таъминланмаган. Соҳага оид қонун ҳужжатларининг аксарияти анча йиллар аввал қабул қилинган бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Бундай тоифадаги болаларни Меҳрибонлик уйларига жойлаштириш фақат туман (шаҳар) ҳокимлари ихтиёрида қолиб қетаётгани уларнинг келгуси тақдирини белгилашда субъектив ёндашув ҳал қилувчи омил бўлиб қолишига олиб келмоқда. Бу эса кўп ҳолларда етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолганларни патрионат ёки оилалар қарамоғига бериш ишлари самарали йўлга қўйилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

— Ҳукумат қарори билан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тураржойлар билан таъминлаш тартиби белгилаб берилган бўлса-да, жойларда бу борадаги аҳоли қониқари эмас, — дейди сенатор Хасан Нормуродов. — 2015-2019 йиллар давомида Меҳрибонлик уйлари битирув-

чиларнинг бор-йўғи 40 фоизи уй билан таъминлангани ҳам бу борадаги ҳолатни кўрсатиб турибди. Шу боис уларни уй-жой билан таъминлаш масаласига жиддийроқ ёндашиш, бу борада ҳокимларнинг масъулиятини ошириш, амалдаги қонун ҳужжатларига бундай тоифадаги болаларни тураржой билан таъминлашга юзаси ёндашиш, мажбуриятларини лозим даражада бажармаган ҳокимларни жавобдорликка тортиш бўйича нормалар киритиш керак.

Юқоридаги каби муаммолар ўз-ўзидан соҳага оид қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш, жумладан, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида яхлит қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бунда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оилавий ҳамда болалар муассасаларига жойлаштириш тартиби ва шакллари аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга. ***

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар учун давлат томонидан барча шарт-шароит ва қулайликлар яратиб берилган. Турли спорт ва фан тўғраракларига қатнашишда, музей ва театрларга боришда. Аммо масаланинг энг муҳим жиҳати — улар кўзга мустақил ҳаётга қадам қўйганида жамиятга мослашиб кета оладими? Президентимизнинг Мурожаатномасида белгиланган вазифалар айланиш йўналишидаги муаммоларни бартараф эттишга ёрдам беради. Зеро, болакайларнинг тилига чиқмаса-да, дилининг тубида ётган, кўзларида қалқиб турган ғам-андуҳни аритиш, уларни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантиришда муносиб иш ўрни, уй-жой билан таъминлаш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
«Mahalla»



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Вазирлар Маҳкамасига тарбия муассасаларини тамомлаган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тизimini такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ипотека кредитлари олиш истagini билдирган тарбия муассасаларини тамомлаган уй-жойга муҳтож болалар рўйхати шакллантирилди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда 2020 йил 15 январда «Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари ва SOS-болалар маҳаллаларида тарбияланган болаларнинг иш билан таъминланиши орқали уларнинг ижтимоий мослашувини амалга ошириш дастури» тасдиқланди.

Шу асосда ҳафтанинг ҳар шанба куни Бизнес – Омбудсман ва Халқ таълими вазирлиги томонидан Тошкент вилоятидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг мустақил ҳаётга мослашишини таъминлаш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган тренинглар ўтказилмоқда.

Ёшлар ўртасидаги жиноятлар сони нега камаймаяпти?

ФАРЗАНДНИ ЁШЛИГИДАН ҚАНДАЙ ТАРБИЯЛАСАК, ШУНДАЙ ВОЯГА ЕТАДИ. БУНДА, АЛБАТТА, ОИЛА, МАҲАЛЛА, ЖАМИЯТДАГИ МУҲИТ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. ЎЗИ, ОИЛАСИ, ХАЛҚИ, МАЪНАВИЙ ИЛДИЗЛАРИ ҲАҚИДА ЕТАРЛИ ТУШУНЧАГА ЭГА БЎЛГАН БОЛА ЖИНОЯТ КЎЧАСИГА КИРМАЙДИ



Статистик маълумотларга кўра, ҳуқуқбузарлик содир қилган ёшларнинг 62,2 фоизи бўш вақтини бемақсад ва назоратсиз ўтказди. Вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олишда ота-оналарнинг иштироки таҳлил этилганда уларнинг 42,8 фоизи фарзандлари тарбиясига эътиборсиз экани, 48,7 фоизи болаларини етарли даражада тарбиялай олмаслиги аниқланган.

Айни пайтда Қашқадарё вилояти аҳолисининг 40 фоизини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, бу жараёнда ота-она, маҳалла, таълим муассасалари, умуман, кенг жамоатчилик, барчамизнинг зиммаида улкан масъулият борлигини англаймиз.

Ўсмирлар нега жиноятга қўл урди?

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанцияси судида шахрисабзлик 6 нафар ўспирин содир этган жиноят иши кўриб чиқилди. Энг ачинарлиси, уларнинг 3 нафари вояга етмаган бўлса, 3 нафари эндигина 18 ёшга тўлган. Жумладан, Мироншоҳ Урунов Шахрисабз маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар, Шоҳрух Алимардонов,

Жамшидбек Хайруллаев ва Дониёр Ражабов агроинтесодидёт касб-ҳунар коллежи ўқувчилари бўлса, Асадбек Ашуров ва Асадбек Назаров коллежни тугатган, бироқ ҳеч қаерда ишламайдди.

Хўш, ўсмирлар нега жиноятга қўл урди? Уларнинг ота-онаси, таълим муассасаси, маҳалла нега бефарқ, лоқайд муносабатда бўлди?

— Тўрт ака-ука Эргашевлар савдо-сотик билан шуғулланиб, ишлаб топган пулларини отасининг Шахрисабз шаҳри «Қушхона» маҳалласидаги уйида сақлашдан хабар топган ўсмирлар пулларини ўмарини режасини тузишди, — дейди **Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Абдуқаном Маҳкамов**. — *Ҳаммаси яшиш қоплдан кўчсандек осон кечинида эса ўғрилик*

режасини тузганлар орасида ака-ука савдогарлардан бири — Зокир Эргашевнинг ўғли Асадбек Назаров ҳам борлиги қўл келади. Хуллас, режага мувофиқ, ўсмирлар тунги соат 01.00 ларда айтилган хонадон ёнига келади. Икки нафари таъқарида кўриқчиликка қолади. Қолганлар эса девор ошиб, хонадон ертўласига киради. Нима қаерда бўлишини яхши билган Асадбек темир сейф қалитини топиб беради. Йиғитлар 473 миллион сўм ва 500 АҚШ долларини олиб, воқеа жойидан гоёиб бўлишди.

Уларга биринчи инстанция суди томонидан содир этган қилмишлари учун Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми «а» банди билан турли муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Тўғри, жиноятга жазо му-

қаррар. Лекин бу каби ёшларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинлаш орқали уларни ахлоқан тарбиялаш мумкинми? Шунинг ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ёшлар иттифоқи ўртасида имзоланган меморандумга кўра, апелляция инстанцияси судининг ажрими билан Ш.Алимардонов, М.Урунов, А.Назаров, А.Ашуров, Д.Ражабов ва Ж.Хайруллаевга нисбатан енгиллик берилди.

Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, маҳалла фуқаролар йиғини кафиллиги ҳамда етказилган зарар қоплангани, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлиги каби жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирувчи ҳолатлар эътиборга олиниб, уларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди ва суд залидан озод қилинди.

Ўз вақтида ижобий таъсир кўрсатил(ма)са...

Маълумки, ўсмирлар ўта таъсирчан бўлади. Улар, айниқса, ўтиш ёшида ўзини кўрсатгиси, кобилитатини намойён этгиси қилади. Агар мактабда, оилада бунга имкон тополмаса, қулай шароитни кўчадан излайди.

— Ўсмир нима сабабдан жиноятга қўл урганни англаб етиши учун, аввало, ижтимоий муҳит, шарт-шароит ва унинг ўсмир шахсига таъсирини таҳлил қилиш лозим, — дейди **психолог Замира Маманазарова**. — *Масалан, вояга етмаган жиноятчи шахси шаклланиши йўлининг биринчи босқичи тарбиясининг оғирлигидадир. Тарбияси оғирлигининг ижтимоий илдизларини боланинг оиласидан ва уни ўраб турган муҳитдан излаш лозим. Бундай ўсмир ўз қилмишларини кўпича таъсир таъсир остида амалга оширади. Унинг хатти-ҳаракатидаги ўзгариши муҳитга боғлиқ. Бундай вазиятда таълим муассасаси, маҳалла, кенг жамоатчилик ўсмирга ўз вақтида ижобий таъсир кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади.*

Вояга етмаган шахслар нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари вақтларда ҳам ота-онанинг, таълим муассасасининг назорати ва тарбиявий таъсир остида бўлиши керак. Таҳлил этилган ижобий натижалар шундан далолат берадики, қаерда педагогик жамоалар

бундай жавобгарликни ўз зиммаларига олиб, ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этган бўлса, ота-оналар фарзандлари тақдирига эътиборсиз бўлмаса, ўша ерда конунбузарликлар жуда кам содир этилади.

Кафиллик қафолат бераптими?

Ўтган йили Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши кафиллиги асосида 20 та жиноят иши бўйича 22 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди, 4 та жиноят иши бўйича 5 нафар шахс шартли ҳукм қилинган бўлса, 4 та жиноят иши бўйича 10 нафар шахс суд залидан озод этилди. Хўш, улар нима билан машғул?

Албатта, бундай ёшларимиз билан жойларда манзилли чораталбирлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, олиб борилган талбирлар самараси ўларок, қафолат хати остида озодликка чиққан ёшлар орасида қайта жиноят содир этиш ҳоллари кузатилмади.

— *Юқоридаги жиноятни содир этган ёшлардан бири Жамшидбек Хайруллаев бизнинг маҳаллада истиқомат қилади, — дейди «Қушхона» маҳалласининг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассиси Раъно Мелиқова.* — *У коллежга бормай қўйсанган кейин ота-онаси билан учрашиб, суҳбат ўтказдик. Лекин бола ҳуқуқбузарлар гуруҳига қўшилиб бўлган экан. Оқибатда у ҳамтововқлари билан ўғирлик қилиб, жиноий жавобгарликка тортилди. Айни пайтда Ж.Хайруллаевга уч нафар мураббий бириктирганмиз. Бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорликка йўналтирялмиз. Маҳалла кафиллиги асосида кредит олиши учун зарур ҳужжатларни тайёрлаб бердик.*

Фарзандни ёшлигидан қандай тарбияласак, шундай вояга етади. Бунда, албатта, оила, маҳалла, жамиятдаги муҳит муҳим аҳамиятга эга. Ўзи, оиласи, халқи, маънавий илдишлари ҳақида етарли тушунчага эга бўлган бола жиноят кўчасига кирмайди. Бунга эришиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиши, бурчинини сидқидилдан бажариши лозим.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Кафолат хати муқаддам судланганларга ҳам бериладими?

— *Ёшлар иттифоқи томонидан судга тақдим этиладиган қафолат хати муқаддам судланганларга ҳам бериладими? Умуман, қафолат хати қимларга берилади?*

Шокир МУРОДОВ.

Қашқадарё вилояти.

Сухроб ЁДГОРОВ.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди судьясининг катта ёрдамчиси:

— Қафолат хати Ёшлар иттифоқи муассислигидаги Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши томонидан судланувчи (ун тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган)нинг тураржойи, маҳалласи, ўқиш ва иш жойидан ижобий тавсифланган, етказилган

зарар қопланган бўлиб, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги ҳақидаги ёзма тилхати мавжуд бўлсагина берилади. Кенгаш судланувчи ёш (ёшлар)нинг жиноят ишлари кўрилаётганида уларнинг шахси, оилавий шароити, маънавий муҳитини ўрганиб чиқиш орқали судга жамоат ҳимоячиси тарқасида иштирок этиб, кафиллик бериш орқали уларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишда иштирок этиш, қолаверса, ёшларга беғараз ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ўзининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Кафолат хати оғир жиноят қилганларга, тўғри йўлга қайтмаганларга ва турли диний экстремистик оқим аъзоларига, соғлом турмуш тарзини йўқотганларга, муқаддам судланганларга берилмайди.

Япония фуқаролари учун 90 кунлик визасиз режим белгиланди.

ФАРҒОНАДАГИ «ЁШЛАР МЕХНАТ ГУЗАРЛАРИ» ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА?

БАЪЗИ ЖОЙЛАРДА УЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ УЧУН АЖРАТИЛГАН ЕР МАЙДОНЛАРИ ҚАРОВСIZ ХОЛАТДА ЁТИБДИ. АЙРИМ ХУДУДЛАРДА БУНДАЙ МАРКАЗЛАР НОМИГА ИШЛАЁТГАН БЎЛСА, БОШҚА БИРИДА ҚУРИЛИШИ БОШЛАНГАН ИШЛАР ҚАНАУЗ ПОЁНИГА ЕТГАНИ ЙЎҚ


Юртимизда бир олам орзу-умидлар билан катта ҳаётга кириб келаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, уларни касб-хунарга йўналтириш, иш билан таъминлаш, бу орқали жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун амалга оширилаётган ишлар қамрови кенг.

Хусусан, жойларда «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури асосида ташкил этилаётган «Ёшлар меҳнат гузарлари» ва «Ёш тадбиркорлар» коворкинг марказлари ёшлар бандлигини таъминлаш борасидаги амалий ишлар салмоғини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Бироқ ҳамма жойда ҳам бу борада ҳаётга таъбиқ этилаётган янги лойиҳалар, ташаббуслар ижросидан кўнгли тўлмайди. Жумладан, баъзи жойларда уларнинг қурилиши учун ажратилган ер майдонлари қаровсиз ҳолатда ётибди. Айрим ҳудудларда бундай марказлар номига ишлаётган бўлса, бошқа бирда қурилиши бошланган ишлар қанауз поёнига етгани йўқ.

Хўш, нима учун соҳа ривожига беvosита масъул бўлган «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари мутасаддилари бу масалада бонг урмаяпти? Нега ёшлар келажагига бевосита дахлдор бўлган лойиҳа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашга доир ишларга панжа орасидан қаралмоқда? Саволлар кўп, лекин амалий ишга келганда ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди.

Меҳнат гузарини қаерга кетди?

Ўтган йили Фарғона шаҳридаги Алишер Навоий номида кинотеатр олдига ташкил этилган «Ёшлар меҳнат гузарини» катта тантаналар билан иш бошлагани



боримизни тортди. Лекин бу ерда ҳам ёшларни касб-хунарга йўналтириш борасида олиб борилаётган бирор-бир амалий иш билан танишиш имкони бўлмади. Пештоқига озик-овкат дўкони, савдо маркази каби ёзувлар ёзилган эшикларга қулф урилган. Бу ерда фаолият олиб бораётган «Ag Roshidoni» ўқув маркази мутасаддилари ҳам меҳнат гузарини фаолияти ҳақида айтганли маълумот бера олмади.

— Маҳалламизда «Ёшлар меҳнат гузарини» ташкил этилганидан хурсанд бўлганим, — дейди йигин раиси Аҳаджон Ҳамидов. — Аввалига компьютер ўқув маркази, кутубхона, сўзлик саломи каби хунарманд-

чилик курслари фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан бирмунча ишлар бошланди. Бироз вақт ўтиб, бу ишлар ҳам тўхтаб қолди. Чунки ижара асосида иш олиб бораган марказни молдавчи жисхатдан қўллаб-қувватловчи ташаббуслар йўқ.

— Жойларда меҳнат гузарини коворкинг марказлари ташкил этиш борасидаги ташаббуслар ҳақида кўп эшитганмиз, лекин уларнинг амалий фаолиятидан бехабармиз, — дейди ўзини Риштон туманидаги «Навбахор»

маҳалласидан деб таништирган Дийрбек Маҳмамов. — Қилишимиз туман марказидан олиб ҳудудда жойлашган. Бу ерда математика фанидан пуллик репетиторлик курсига қатнашман, бироқ меҳнат гузарини иш фаолиятидан хабарим йўқ. Меҳнат гузарлари ишласа, айти мудоа бўларди. Чунки маҳалламизда касб-хунар ўраниш истагида бўлган ёшлар жуда кўп.

Тақдимнома киритилгани билан муаммо ҳал бўладими?

Бағдод туманида «Ёшлар меҳнат гузарини» ва «Ёш тадбиркорлар» коворкинг марказлари қуриш борасида бундан икки йил аввал бошланган ишлар қанауз поёнига етгани йўқ. Қўлбуки, давлат-хусусий шерикчилик асосида иш олиб бормоқчи бўлган тадбиркорларга туман ҳокимининг қарори билан ер майдонлари ажратиб берилган. Аммо муассасалар қурилишдан дарақ йўқ.

— «Ёшлар меҳнат гузарини» ва коворкинг марказлари қурилиши учун «Наврўз», «Бағдод», «Иттифоқ», «Ултарма» ишчиларидан тегишли тартибда ер майдонлари ажратиб берилган, — дейди «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси Бағдод тумани филиали раиси ўринбосари Дониёр Набижонов. — Аммо аксарият тадбиркорлар турли баҳоналарни рўқач қилиб, ёшлар келажагига дахлдор бўлган лойиҳага бош қўйишни пайсалга солмоқда. Белгиланган режаса кўра, бу ишлар ўтган йилда якунланиши керак эди. Шу сабабдан амалий ишга қўл урмаган тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан туман ҳокимлигига тақдимномалар киритганмиз. Лекин уларнинг

ДАРВОҚЕ...

Ўзбекистон Марказий банкининг Фарғона вилояти бош бошқармаси матбуот хизмати маълумотиغا қараганда, 2019 йилнинг тўртинчи чорагида оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш борасида «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури бўйича 211 та лойиҳага 64,1 миллиард сўм кредит ажратиш кўзда тутилган эди. Амалда эса 146 та лойиҳа ташаббусларига 45,5 миллиард сўм миқдорида кредит берилди. Тижорат банклари томонидан 65 та лойиҳа ижроси таъминланмаган.

қонуний ижроси қанауз ечимини кутиб турибди.

Ҳаммаси яхши, бироқ...

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгашидан олинган маълумотларга кўра, «Yoshlar – kelajagimiz» Давлат дастури доирасида 2019 йилда шаҳар ва туманларда 28 та «Ёшлар меҳнат гузарини» ташкил этиш учун бино ва ер майдонлари ташаббуслор тадбиркорлар жалб этилиши белгиланган. Ҳозирги кунда 40 дан ортиқ «Ёшлар меҳнат гузарини» ҳамда «Ёш тадбиркорлар» коворкинг марказига бино ва ер майдонлари ажратилиб, туман ва шаҳар ҳокими қарорлари қабул қилинган. 324 нафар ёш тадбиркор бизнес лойиҳалари учун эса 79,5 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, 1260 нафар ёш ишга жойлаштирилган.

Бир қараганда ҳамма иш рисоладагидек, бироқ, Давлат дастури доирасида мазкур комплексларни қуриш ва фаолиятини ташкил этиш юзасидан қайд этилган маълумотда 2018 йилда бошланиб, 2019 йилда якунланиши керак бўлган 66 та лойиҳанинг фақат 10 таси ишга туширилган, холос. Хўш, нега?

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармаси вилоят бўлими кординатори вазифасини бажарувчи Абдуқаҳҳор Тўхтамов билан учрашиб, саволларимизга жавоб олишни истадик. Бироқ у билан телефон орқали бўлса-да, гаплашиб, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш мақсадидаги уринишларимиз бесамар кетди. Мутасадди телефон гўшагига жавоб беришни истамади.

Хулоса ўрнида

Мавзунинг ўрганиш жарёнида нафақат чекка туманлар, балки йирик шаҳарларда ҳам ана шундай аянчи ҳолатлар билан юзма-юз бўлдик. Ахир, «Хўлва деган билан оғиз чучимайди-ку!» Шундай экан, ёшлар тақдирини ва келажагини йўлида бошланган эзгу ишлар қоғозларда қолиб кетмаслигига умид қиламиз.

Расул ҚАМОЛ
«Mahalla»


Ўзбекистондан илк вакил БМТнинг ёшлар сессиясида иштирок этди.

БИНАР ХИМОЯ ТИЗИМИ: у қандай тартибда амалга оширилади?

ЭНДИЛИҚДА БИТТА ДИССЕРТАЦИЯ ИККИ НАФАР, ЖУМЛАДАН, ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИГА ЭГА ТАЛАБГОР ВА ИЛМИЙ ДАРАЖАГА ЭГА БЎЛМАГАН ШАХС ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНИШИ МУМКИН



аянч докторантура (PhD) ва муайян фан йўналишида (DSc) докторлик даражасига эришиш ўша тадқиқотчининг илмий салоҳиятга эришганидан далолат беради. Бунинг замирида кўп йиллик заҳматли меҳнат ва машаққат бор. Олимлар ҳамиша ва барча замонларда улуғланган. Ҳозирги вақтда эса тадқиқотчиларнинг ҳар томонлама изланиши, жамият тараққиётига илғор ғоялари, истиқболли лойиҳалари билан ҳисса қўшиши, назария ва амалиётни интеграциялаштириши учун яратилган имкониятлар яна ҳам кенгаймоқда.



МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ҳозирда республика олий таълим муассасаларида жами 2 минг 794 нафар тадқиқотчи – 151 нафари докторант (DSc), 2 минг 643 нафар таянч докторант (PhD) Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли лойиҳаларини ўрганмоқда.

янги лойиҳани амалга оширишнинг мақбул объектив сифатида танланди. Айни пайтда



муассасамизда 347 нафар таянч докторант (PhD) ва 15 нафар докторант (DSc) ўз илмий тадқиқотларининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишяпти.

Режага кўра, бинар тизимида дастлаб иккала талабгорнинг диссертация мавзуси улар илмий-тадқиқот олиб бораётган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси коллегал орган томонидан тасдиқланади. Лойиҳа Низом талабларига тўлиқ жавоб бериши керак: бунда тадқиқот натижалари ихтирога патент ёки селекция ютуғи сифатида эътироф этилиши энг муҳим жиҳатдир.

Илмий даражага талабгорлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тегишли равишда фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалари бўйича белгиланган тегишли талабларни бажарган бўлиши шарт.

Агар олимлар изланмаса, жамият ҳаётида учраётган муаммолар ечими устида бош котирмаса, ҳеч бир давлат тараққиётига эриша олмайди. Олим зоти борки, изланади, нина билан қудуқ қазийди ва таъбир жув бўлса, қудуқ тубидан соиз чиқаради. Хадиси шарифларда «Бешиқдан то қабргача илм изла» дейилиши замирида ҳам илм-фанга, илм ахлга нисбатан кўрсатиладиган иззат-ҳурмат мужассам. Бинар химоя тизимининг жорий этилиши ҳам иқтисодий ёшларнинг илмий фаолиятга кизиқишларини ошириш, жамиятда илмий қатлам нуфузини янада кўтаришга хизмат қилиши тайин.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

Илмий ишлар амалиётга жорий этиляптими?

Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 10 февралда «Бинар (иккиталик) химоя тизими асосида талабгорга фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини беришни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши илм-фан оламидаги яна бир янгилик бўлди. Хўш, бундан кўзланган мақсад нима?

— Юртимизда изланувчан, иқтисодий ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш стратегик тизимга айланмоқда, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўлим бошлиғи, биология фанлари доктори Ш. У. Қ. Р. Хушматов.



— Президентимизнинг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айнан ана шу мақсадга йўналтирилган билан муҳим аҳамият касб этади. Охирги йилларда икки босқичдан иборат докторлик диссертациялари жуда кўп химоя қилинишига қарамай, уларни жамият ҳаётига татбиқ этиш, фойдаланишда оқсаяпмиз. 2019 йилда диссертация химоялари сони 1056 та бўлиб, шундан DSc илмий даражасини олганлар 153 нафар, PhD илмий даражасини олганлар 903 нафарни ташкил этади.

Аммо ана шу тадқиқотлардан қанчасини амалиётга жорий қилдик? Агар саволни тахлил қилсак, қониқарли жавоб ола билармиканми? Демак, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори инновацион ишланмалар, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишни тезлаштириш,

ёшларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолиятини рағбатлантириш мақсадини кўзда тутлади. Вазирлар Маҳкамасининг янги қарори эса тўла маънода ўша ҳужжатнинг мантикий ва мазмуний давоми бўлди. Унга кўра, илмий ишланма устида кўп йиллар ишлаган тадқиқотчига докторлик (DSc) ва уни амалиётга татбиқ этган изланувчига таянч докторлик (PhD) илмий даражасини берадиган бинар (иккиталик) химоя тизим жорий этилади.

Бинар тизими қандай қулайликларни яратади?

Қарорда қайд этилганидек, ушбу тизим жорий йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Миллий университети базасида тажриба тариқасида 3 йил муддат давомида синовдан ўтказилади. Бу даврда мазкур университет бинар химоя тизими асосида диссертация химоясини ташкил этиш ва илмий даражаларни талабгорларга мустақил бериш амалиётини олиб боради.

Бинар химоя тизими асосида тайёрланган диссертация ишига қўйиладиган барча талаблар ҳужжат Низомиде акс эттирилган. Яъни бунинг учун муайян фан тармоғи бўйича битта диссертация икки нафар, жумладан, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга талабгор ва илмий даражага эга бўлмаган шахс томонидан тайёрланиши лозим. Яна бир аҳамиятли жиҳати — янги химоя тизими асосида фан докторлиги (DSc)га талабгор ўз диссертациясини илмий натижаларини амалиётга татбиқ этадиган фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш бўйича изланувчига илмий раҳбар бўлиши мумкин.

Қолаверса, тадқиқотнинг илмий натижалари бўйича ихтирога патент ёки селекция ютуқлари олинб, у амалиёт-

га жорий этилиб, салмоқли самарга эришилиши шарт. Бинобарин, илмий натижалар амалиётга жорий қилинган ташкилот томонидан талабгорнинг бу борадаги алоҳида хизматлари ва жорий этишдан олинган салмоқли натижаси тегишли далолатномада акс эттирилган бўлиши зарур. Қарорда илмий натижани амалиётга татбиқ этганлар олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг мустақил изланувчилик институтига қабул қилиниши ҳам кўзда тутилган. Бу, изланман, янгилик яратаман, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга ўз хиссамни қўшаман, деган ёшларга жуда катта қулайликдир.

ЎЗМУ янги лойиҳага тайёр... (ми?)

Ўзбекистон Миллий университети бир асрлик тарихий йўлни босиб ўтган, ҳозирги вақтда 10 мингдан зиёд йигит-қиз илм эгаллаётган олий таълим муассасаларидан бири сифатида ўз нуфузи ва салоҳиятига эгадир. Бу даргоҳни ҳар йили турли ихтисосликлар бўйича тамомлаётган 1 минг 500 нафарга яқин бакалаврият, 450 нафарга яқин магистратура кадрлари юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўз ўрнини аниқ ва пухта белгилаб олишмоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонида Миллий университетни мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш масаласи ишлари сурилган, — дейди муассасанинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Ғалиёзон Ботиров. — Бу даргоҳ илмий салоҳияти юқори экани билан ҳам етакчи ўрнини эгаллагани боис,

МЕНДА САВОЛ БОР...

Таянч докторантурага кириш тартиби қандай?



— 2019 йилда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг магистратура босқичини тамомладим. Таянч докторантурада ўқиш ниятим бор. Тартиби қандай?

Зулайхо ПАРДАЕВА,
Тошкент шаҳри.

Камола СУЛАЙМОНОВА,

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги етакчи мутахассиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари»да олий ўқув юртидан кейинги таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилик

3 йил муддатга белгиланиши кўрсатилган. Таянч докторантурада ўқишни хоҳловчилар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар. Кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун суҳбат ҳар йили 1-25 ноябрь кунларида ўтказилади.

Ташқи реклама бозори талабга жавоб берадими?

ГОҲИДА РЕКЛАМАДАГИ ТИЛЛАРНИНГ «АРАЛАШМАСИЮ» ҚЎПОЛ ХАТОЛАРНИ КЎРИБ, «БУЛАРНИ ЎЗИ КИМДИР НАЗОРАТ ҚИЛАДИМИ?» ДЕГАН ҲАҚЛИ САВОЛ ТУҒИЛАДИ. АХИР, ШАҲАР ҲАМ БЕДАРВОЗА ЭМАСДИР?!

Бугун кўчада нима кўп, реклама кўп. Баланд бинода ҳам, серқатнов кўча ёқаларида ҳам, жамоат транспортида ҳам реклама. У маркетингнинг таркибий қисми. Асосий вазифаси эса харидорни қизиқтириш. Очиғини айтиш керак, ишлаб чиқарувчилар реклама борасида ҳам самарали рақобат олиб боришмоқда. Бир-бирдан ўзгача ёндашувдаги «қичқирлар» (лот. reklamo – қичқирмоқ) истемолчиларни бефарқ қолдирмаяпти.



Мисол учун, мебель ишлаб чиқарувчилар томонидан шаҳар кўчаларига ўрнатилган рекламаларга эътибор қаратинг: «Қиз томонга мебель йўқ», «Кўёв томонга 1000000 сўм тўёна», «Тўйга тайёрмисиз?» ва ҳоказо. Аммо баъзи рекламаларда маънавийташмишга мос келмайдиган элементлардан фойдаланилаётгани, имловий саводхонликка эътибор қаратилмаётгани,

аҳоли соғлиғига хавф туғдираётган жойларга ўрнатилаётганидан ҳам кўз юма олмаймиз. Гоҳида тилларнинг «аралашмасию» кўпол хатоларни кўриб, «Буларни ўзи кимдир назорат қиладими?» деган ҳақли савол туғилади. Ахир, шаҳар ҳам бедарвоза эмасдир?!

Ваҳоланки, «Реклама тўғрисида»ги қонунда нималарга эътиборли бўлиши кераклиги, реклама маҳсулотларига

қандай талаблар қўйишши белгилаб берилган. Аммо, лекин, бироқ деганларидек, нима учундир баъзан бу нормалар эсланмайди. Хўш, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги «Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори юзга келган камчиликларни бартараф эта оладими? Хатти-ҳаракатлар назоратини таъминлайдими?

ЯНГИ ҚАРОР АВВАЛГИЛАРИНИ ТАҚРОРЛАМАЙДИМИ?



Дилшод АЗИМОВ,

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истемолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги бошқарма бошлиғи:

— Ташқи реклама бозори Истемолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан назорат қилинади. Рекламалар жойлаштирилишига эса Қурилиш вазирлиги ва туман ҳокимликлари масъул ҳисобланади. Бонси улар шаҳарсозлик ва хавфсизлик талабларига риоя этган ҳолда ўрнатилиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори 2018 йил 30 августдаги тегишли қарор ижросини таъминлашга қаратилган. Хусусан, энди ташқи реклама воситаларини жойлаштириш учун бериладиган рухсат олиш амалиёти аукцион тарзда амалга ошириладиган бўлди. Авваллари реклама беворчи бевосита ҳокимиятга борар ёки ҳокимлик қошидаги комиссиянинг ишчи органига мурожаат қиларди. Тошкент шаҳрида эса рекламани қайси кўчага ўрнатиш, қайси бурчакка жойлаштириш бўйича «Тошкент реклама сервис» унитар корхонаси шугулланарди. Бу тизим ўзини оқламади, рухсатнома пора эвазига ёки таниш-билишларга берилди бошлади.

Бундан ташқари, тушумни тақсимлашда кўплаб чалкашиқлар кузатилди. Хусусан, кўпгина вилоятларда ташқи реклама учун йиғиладиган ойлик тушумлар «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг ҳисоб рақамига туширилди. 2018 йилги қарорда маблағни ўтказиш жойлари ва ягона тизим яратилди. Жорий йил қабул қилинган янги қарор эса соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун янада мукамал тарзда ишлаб чиқилди. Номаяқбул хатти-ҳаракатларни тартибга солиш учун ташқи реклама объектларини қуриш тартиби, қуриш учун бериладиган ер, бино ва иншоотлар рўйхатини шакллантириш, қуриш ҳуқуқини электрон аукцион орқали бериш тартиби тўғрисидаги Низомлар тасдиқланди.

Жорий йил 1 мартдан бошлаб Тошкент шаҳрида ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятнинг алоҳида тартиби жорий қилинди. Пойтахтимизда ташқи реклама мониторингини амалга оширувчи, ноқонуний ўрнатилган рекламани аниқлаш ва чора кўриш учун тегишли органларга мурожаат қилиш билан шугулланадиган «Архитектура режалаштириш бюроси» давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Таъкидлаб ўтиш жоиз, Тошкент шаҳар ҳокимлигига бир ой муддат ичда биринчи ва иккинчи даражали кўчаларни белгилаб бериш юклатилган. Жорий йил якунига қадар биринчи даражали кўчаларда видео экранли мосламалар, иккинчи даражали марказий катнов кўчаларида эса юқори технологияли воситаларни ўрнатиш белгиланган.

ТЎЛОВЛАР МИҚДОРИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?



Адела КАШФИТДИНОВА,
Давлат хизматлари агентлиги
масъул ходими:

— Ҳар бир туманда ишчи органлари ташкил этилди. Улар вилоятларда ўрнатиладиган рекламаларнинг янги тартибга мос ёки мос эмаслигини аниқлайди. Ишчи гуруҳи ҳулосалари эса Давлат хизматлари марказларидан реклама жойлаштириш учун паспорт олишга асос бўлади. Ташқи реклама объектлари учун тўлов миқдори реклама ўрнатиладиган объектнинг ҳажми ва жойлашган ҳудудига қараб белгиланади.

Қарорга мувофиқ, ер участкаларидаги ташқи реклама объектлари учун 10, давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардаги ташқи реклама объектлари учун 5 йил муддатга ДХМлар орқали реклама жойлари паспортларини бериш бир марталик йиғим суммасини тўлаш орқали амалга оширилади. Ер участкасига ўрнатилган видео экранли ташқи реклама объектлари учун кўрсатилган муддат кўшимча 10 йил муддатга узайтирилади.

Ҳозирга қадар қонуний ўрнатилган ташқи реклама объектларини мазкур қарор талабларига мослаштириш учун 6 ой муддат берилди. Белгиланган муддатда мослаштирилмаган реклама объектлари эгалари томонидан ихтиёрый равишда ўз кучи билан олиб ташланади. Акс ҳолда бу иш суд тартибда амалга оширилади.

ҚАНДАЙ ҲУДУДЛАРГА РЕКЛАМА ЎРНАТИШ ТАҚИҚЛАНДИ?



Жаҳонгир АНВАРОВ,
Қурилиш вазирлиги бош
мутахассиси:

— Ташқи реклама объектлари (конструкциялари)ни қуриш тартиби тўғрисидаги Низомга қўра, ташқи рекламани йўл четидидаги махсус ҳудудда ўрнатишга рухсат берилди. Бунда ажратувчи йўлаклар, йўл четидан 1 метр ва ундан кам бўлган масофада жойлашган ташқи реклама объектлари ҳайдовчи ва пиёдалар учун қўришни чекламаслиги лозим. Йўл четидида алоҳида турувчи ташқи рекламани ўрнатишда, конструкция четлари йўлнинг катнов қисмидан ортиқ чикмаслиги керак.

Автомобиль йўллари оралиғида жойлашган ташқи реклама объектларининг горизонтал узунлиги йўллар оралиғидаги масофа узунлигидан ошмаслиги шарт. Реклама майдонининг пастки четидан йўл қопламаси юзасигача бўлган масофа 5 метрдан кам бўлмаслиги ва техник восита конструкцияси транспорт воситалари ҳайдовчилари учун нуқуллайлик туғдирмаслиги лозим. Шунингдек, Низом билан катнов қисмида ва пиёдалар йўлакчаси, жамоат транспорти бекатлари, йўл ва кўча четларида 5 метрдан паст баландликда, бевосита тунелга кириш ва чиқиш жойлари ёнида, улардан 5 метрдан яқин бўлмаган масофада ташқи рекламани ўрнатиш тақиқланди.

Сирасини айтганда, янги қарор ташқи реклама бозоригаги хатти-ҳаракатларни нафақат тартибга солади, балки юртимиз қиёфасини гўзаллаштиришга хизмат қилади.

МАЗЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Ташқи реклама объектлари ҳажми қандай белгиланади?

► кичик форматдаги ташқи реклама объекти – 2,19 кв. метргача ҳажмдаги объектлар;

► ўрта ўлчамдаги ташқи реклама объекти – ҳажми 2,2 дан 12 кв. метргача бўлган объектлар;

► катта форматдаги ташқи реклама объекти – ҳажми 12 дан 18 кв. метргача бўлган объектлар;

► жуда катта форматдаги ташқи реклама объекти – ҳажми 18 кв. метрдан ортиқ бўлган восита.

Рисолат МАХСУМОВА
ёзиб олди.



Таниқли актриса Шоҳида Исмоилованинг театр сахнасида ва кинода яратган роллари ҳақида гап кетганда, кўз олдимизда қалби меҳрга тўла, мунис ва истарали ўзбек аёли тимсоли гавдаланади. Шу боисми, томошабин ушбу санъаткорни салбий қаҳрамон қиёфасида тасаввур қилолмайди. Бунда актрисанинг бутун вужуди билан ўз ролига киришиши, қаҳрамон руҳий олами билан ички яқинлиги, самимияти катта ўрин тутди. Қолаверса, Шоҳида Исмоилованинг ташқи қиёфаси, овқозидоги майинлик аини шундай образга жуда мос тушади. Ўзига хос роллари билан томошабин юрагида мустаҳкам ўрнашган санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шоҳида Исмоилова — бугунги меҳмонимиз.

«Мўътабар она сиймосида гавдаланиш — улкан бахт»

Аёл қалбини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламан

— Санъаткор ҳаёти ҳамшиша ижодий изланиш билан кечади, — дейди Ш.Исмоилова. — Актёрнинг вазифаси ўзига берилган ҳар қандай ролни қойилмақом қилиб ижро этишдан иборат. Лекин ҳар бир актёрда ўзига хос ижро манераси бўлади. Мисол учун, кинорежиссёрлар мени кўпроқ ижобий ролларда кўришади. Аслида институтда ўқиб юрган пайтимдаёқ раҳматли домламыз Рихсибой ака Исроилов шу хусусиятими таъкидлаган эди. Тўғриси, ўзимда ҳам ижобий қаҳрамонлар қиёфасида кўришишга ички мойиллик бор. Актёрлик касби нуқтаи назаридан қараганда эса, ролнинг яхши-ёмони, катта-кичиги бўлмайди, ижро маҳоратигина муҳим. Шу маънода театрда салбий қаҳрамонларни ҳам ўйнаганман. Фақат фильмларда менга кўпроқ меҳрибон ва мунис оналар, аёллар ролини топиришади. Бу — мен учун улкан бахт. Ахир, мўътабар она сиймосини яратиш ҳаммага ҳам насиб этмайди.

Умуман олганда, ижро этаётган ҳар бир ролимда аёл қалбини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламан. Ҳаётда эзилган, кийналган аёллар билан жуда кўп суҳбатда бўлганман. Уларнинг дардини ўзимга яқин оламан. Бу эса сахнада ролимни юрагимдан ўтказиб ижро этишимга ёрдам беради. Шу билан бирга, шижоатли, қаҳрамон аёллар қиёфасида ҳам гавдаланганман. Усмон Азим қаламига мансуб «Тонг отган тарафларда» спектаклида боласи учун матонат кўрсатган она ролини ижро этганман. Унинг ўлим тўшагидея ётган фарзандига: «Ҳаётингни саклай олмасам, энанг бўлиб нима қилдим», дея айтадиган таъсирчан сўзлари бор.

Ҳар бир актриса орзусидаги ролларни ўйнайдим

Кинога таклиф қилишса, сценарийни синчиклаб ўқиб чиқаман. Энг аввало, «Бу роль

орқали томошабинга нима демоқчиман?» деган савол миямга келади. Чунки актёрнинг томошабинга айтадиган гапи аниқ бўлиши керак. Бунга жавоб тополмасам, ролдан воз кечаман.

Ҳа, ҳар бир ролнинг ўзига яраша юки бор. 1980 йилда институтни битириб, Ўзбек давлат драма театрида (ўша пайтда «Ёшлар театри» дейиларди) иш бошлаганимда, илк ижром «Қум киссаси» деган спектаклдаги роль бўлган. Спектакль бошида қиз сахнага югуриб чиқади, лекин ҳеч қандай сўзи йўқ, туйғуларини ҳаракат билан ифодалаш керак. Унинг ички драматизми, фожиасини тажрибали устозлар менга тушунтириб беришган. Шунинг ўзидея канча изланиш, тер тўкишни талаб қилган.

Ижодим давомида ҳар бир актриса орзусидаги ролларни ўйнадим, десам хато бўлмайди. «Ўткан куллар»нинг сахна талқинида Қумуш ролини биринчи бўлиб мен ижро этганман. «Мирзо Улуғбек» драмасида Феруза, «Отелло»да Дездемона, «Кориолон»да Виргилия... Барчаси мен учун кадрли.

Ҳозир ҳам ижоддан тўхтаганим йўқ. Зулфияxonим ҳақидаги «Муҳаббат баҳори» фильмида шoirанинг онаси ролини ижро этган бўлсам, «Рангсиз тушлар» фильмида адашган кизнинг муштирапар волидаси қиёфасида гавдаландим. Бу фильмлар экранга чиққач, мухлислар ўз баҳосини беради. Театрда ҳам бир қатор янги спектакллари сахналаштиришга киришилган...

Устозлар эътирофи — олий мукофот

Туфан Миннуллиннинг «Алла» спектаклида бефарзанд аёл ролини ижро этганман. Асар тақдиротига устоз санъаткор Сорахоним Эшонтўрасва ташриф буюриб, ложада ўтириб томоша қилган. Спектакл пайғи Сора онага «ез ёрдам» чакришга тўғри келди. Бир неча кундан кейин учрашганимизда, мени бағрига босиб: «Бу ролни қанақа қилиб ўйнадинг, кизим», деб йиғлади. Кўнли ўксик аёл

образини ишонarli гавдалантирганым улкан актрисани қаттиқ таъсирлантирган экан.

«Чархпалак» сериалидаги руҳий хаста аёл ролим ҳақида ҳам санъаткорлар ва мухлислардан ҳалигача илик фикрлар эшитаман.

Дарҳақиқат, ҳамкасблар томонидан тан олинмиш, устозларнинг назарига тушиш осон эмас. Қолаверса, ҳақиқий санъаткоргина истисноднинг тан олади, уни янада ривожлантиришга ёрдам беради. Ўзбекистон халқ артисти Рихсиxonим Иброхимовани шундай жонкуяр мураббийларимдан деб биламан. У киши ҳар битта ролим ҳақида, хоҳ танқидий, хоҳ ижобий бўлсин, ҳолисона фикрларини билдиради. Рихси опанинг баҳоси мен учун жуда аҳамиятли. Ҳамиша маслаҳат оламан, фикрлари билан кизикаман. Амин бўламанки, ҳар қандай вазиятда ҳам шогирд учун устоз устозлигича қолар экан.

Санъатдаги муваффақиятларимда, шубҳасиз, турмуш ўртоғим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Махмуд Исмоиловнинг қўллаб-қувватлаши бекиёс ўрин тутди. Илк танқидчим ҳам у киши бўлади. Ўз навбатида, мен ҳам Махмуд ака билан ижро этаётган роллари бўйича фикрларим билан ўртоқлашаман. Ютуғимизни ҳам, камчилигимизни ҳам рўйроқ айтмадим. Шу тарика ўз ролимизни мукамал чикаришда бир-биримизга ёрдам берамиз. Тақдир ҳаётда ҳам, санъатда ҳам бахтга етказганига чексиз шукрона айтаман.

Санъатнинг инсонлар тақдирига таъсири

Театр — тарбия ўчоғи. Бунга мен ўз ролларим мисолида ҳам амин бўлганман. Анча йил олдин Тилаб Махмулов ва Дилбар Махмудова қаламига мансуб «Омонат дунё» спектаклида бош қаҳрамонни ўйнадим. Институтда тахсил олаётган йигит ва киз бир-бирига кўнгли қўяди. Ўқишни тугатгач, йигит туғилиб ўсган қишлоғига қайтишга тўғри келади. Шаҳарлик киз эса ота-онаси



нинг қаршилигига қарамай, унга турмушга чиқади. Лекин тўйдан сўнг қишлоқ ҳаётига кўниқолмайди. Қийинчиликларга тезда таслим бўлади. Оилада чиққан арзамаган мижро сабаб эридан ажрашади. У яна кўплаб муаммоларга дуч келади. Иккинчи марта қурган турмушида эса таъна-малолат, миннатдан боши чикмайди. Виждон азобида қолади...

Бир кунги спектакль тугагач, ёш жувон йиғлаганча келиб мени қучоқлаб олди. «Сиз кўзини очдингиз, мен турмуш ўртоғимдан керакмас нарсаларни талаб қила бошладим. Битта боламиз бор. Ажрашаман, деб турувдим. Спектаклини кўриб хатомни тушундим. Турмуш ўртоғимдан кечирим сўрайман», дея раҳмат айтиб кетди. Қаранг, санъат инсон тақдирини тўғри йўлга солишда қанчалик таъсир кучига эга.

Ижодкор халқ ичида бўлиши керак

Кўни кеча Куйи Чиряк туманида бўлиб, ажрашишга ариза берган бир қатор эр-хотинлар билан учрашув ўтказдик. «Эркак бошқага уйланиши, аёл яна турмуш қуриши мумкин, лекин болаларга ким оталик қилади?» дедим. Ажрашмоқчи бўлган бир эркак: «Аризамни беринг, йиртиб ташлайман», деди. Мана, натижа. Халқ санъаткорларга ишонади, уларнинг ортидан эргашади.

Мени ёшларимизнинг санъатга, адабиётга бўлган му-

носабати ташвишга солади. Кўпчилиги китоб ўқиш ўрнига вақтинчи кераксиз нарсаларга сарфлашади. Ҳаммаси оиладаги муҳит билан боғлиқ, деб ўйлайман. Ота-она фарзандига ибрат бўлиши керак. Ўзим ўқитувчилар оиласида тарбияланиб, китобга муҳаббат қўйганман. Санъаткор бўлишимда бадий асарларнинг таъсири катта бўлган.

Саккиз йилдирки, «Тасанно» болалар театр студиясига раҳбарлик қилиб келяман. Биринчи навбатда, ўғил-қизларга жуда кўп китоб ўқиттираман. Ўқиган асарлари бўйича баҳс-мунозара ўтказамиз. Тарбия бўшроқ болаларниям студиямизга олиб келишади. Машгулотлар таъсирида улар яхши томонга ўзгармоқда. Театр студиямиз ўз фаолияти давомида қатор асарларни сахналаштирди. Аини дамда ўқувчиларим театримизда қўйилаётган спектаклларда, фильмларда роллар ижро этишяпти.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, биз, санъаткорлар, зиёлилар маҳаллалар, оилалар билан алоқани янада мустаҳкам йўлга қўйишимиз, жамиятимиз маънавий муҳитини юксалтиришга ҳисса қўшишимиз лозим. Бу ҳаётимизда учраётган қўллаб муаммоларнинг тезроқ ечим топишига, қолаверса, келажакимиз ишончли қўлларда бўлишига яқиндан кўмак беради.

Комила БОЙМУРОДОВА,
журналист.

Ўзбекистонда «Халқлар дўстлиги» кўкрак нишони таъсис этилади.

ОҒИЗДАН

бадбўй ҳид келиши касаллик аломатими?

Оғиздан нохуш ҳид келиши — кўпга одамлар дуч келаётган муаммодир. Статистик маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 25 фоиздан ортиғи ундан азият чекади. Ёқимсиз ҳид кўпинча кишининг ўзига ишончини йўқотишига сабаб бўлади ва мулоқотга тўққинлик қилади. Бир сўз билан айтганда, одамни ноқулай ҳолатга туширади. Оғиздан келаётган нохуш ҳид тиббиётда — галитоз, стоматодисодия, озостомия сингари атамалар билан юритилади. Хўш, галитоз касалликими? Ундан қандай қутулиш мумкин?

Галитознинг сабабларини аниқлаш керак

Галитоз алоҳида касаллик эмас. У қайсидир касалликнинг белгиси ҳисобланади. Агар одам оғиздан бадбўй ҳид келишини сезса, бунга қарши чоралар қўллашга қарамай йўқотолмас, албатта, шифокорга мурожаат қилиши керак. Галитозни даволашдан олдин унинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилади. Чунки кўпчилик буни оғиз бўшлиғи билан боғлиқ деб ўйлайди. Галитоз нафақат оғиз бўшлиғидаги, балки ички аъзолардаги турли касалликлардан дарақдир. Яъни нафас йўллари инфекциялари, гастрит, ошқозон яраси, ичак касалликлари, бурун бўшлиғидаги сурункали касалликлар, қандли диабет, хаттоки айрим онкологик касалликларнинг белгиси ҳисобланади. Галитоз мунтазам ва вақти-вақти билан, дейлик, қорин очганда ёки овқат егандан сўнг безовта қилиши мумкин.

Оғиз бўшлиғидан нохуш ҳид келишига баъзан гигиенага риоя қилмаслик ҳам сабаб бўлади. Тишлар ювилмаганда ёки чала ювилганида оғиз бўшлиғидаги бактериялар тилда тўпланади ва ёқимсиз ҳид таркатади. Стоматологик нуқтани назардан олиб қарасак, нохуш ҳидга, асосан, тиш тошлари, кариес, тиш чириши, тиш қопламаларининг эскириши ва яхши ўрнатилмаслиги сабаб бўлади. Милк, бу — оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг бир қисми бўлиб, тишлар бўйига жипс ёпишган юмшоқ тўқима ҳисобланади. Ушбу тўқима яллиғланганда, шикастланганда, куйганда, кимёвий дориларнинг салбий таъсирида яллиғланиш келиб чиқади. Бадбўй ҳиднинг энг асосий сабабларидан бири, оғиз гигиенасига риоя қилмаслик оқибатида тиш тошларининг пайдо бўлишидир. Шунингдек, чириган



тишлар ва бодомча безларининг яллиғланиши ҳам бадбўй ҳид ҳосил қилади.

Оғиздаги бир донга тишда қавак бўлса ҳам оғиз хиди ўзгаради. Чунки тиш қавағи овқат қолдиқлари билан тўлиб қолади ва унда микроблар йиғилиб инфекция манбаига айланади. Бунинг оқибатида бактериялар муртақ безларига осонгина ўтиб, тез-тез томоқ орғиғи кузатилиши аниқланган. Агар оғиз бўшлиғида бир нечта қавакли тишлар бўлса, кўпинча организмда меъда ости безининг фаолияти ва углеводлар алмашинуви бузилиши ҳам мумкин.

Бемор вақтида шифокорга мурожаат қилса, тиш тошлари терилиб, муаммо осон ҳал этилади. Баъзан шифокорнинг тажрибасизлиги оқибатида касалланган тиш тўлиқ даволанмай, қоплама ўрнатилди. Бу эса вақт ўтиши билан қоплама тағидида тишнинг чириши ва хидланишига сабаб бўлади. Шунингдек, стоматит, пародонтит, кариес каби тиш касалликлари ҳам шундай ноқулай ҳолатга олиб келади.

Вақт етишмаслигидан ёки бошқа сабабларга кўра, кўпчилик стоматолог хузурига боришни орта суради. Оғиздаги нохуш хидни эса сакчи ёки яллиғли конфет билан яширишга уринадиганлар ҳам йўқ эмас. Бу билан муаммо ҳал бўлмайди.

Ташхис қўйишда асқатади

Оғиздан ёмон ҳид келиши овқат ҳазм қилиш тизимидаги касалликлардан ҳам бўлиши мумкин. Яъни ошқозон ва ичак микрофлорасининг бузилиши, кабзят, панкреатит (ошқозонни беши фаолиятининг бузилиши), жигддон қайнаши, меъда яллиғланиши каби. Ичак микрофлораси бузилса, овқат ҳазми кийинлашади. Оқибатда таомдан пайдо бўлувчи бадбўй ҳид ичак йўллари орқали оғиздан кела бошлайди.

Муаммонинг яна бир сабаби, ошқозонни беши фаолиятининг бузилишидир. Ошқозонни беши таом ҳазмида катта аҳамиятга эга. Безининг яхши ишламаслиги кабзятга, ичаклар фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. Бу эса ўз ўрнида оғизда ёмон ҳид

пайдо қилади.

Аммо шунга ҳам унутмаслик керакки, патологик ҳолат билан боғлиқ хидлар бир-бирдан фарк қилади. Тажрибали шифокор панкреатит билан боғлиқ хид ва тиш касалликларида пайдо бўлувчи хидни фарқлай олади. Бу ҳолатни ташхис қўйишда касаллик белгиси сифатида ишлатади. Бундан ташқари, нонушта қилинмас, қорин очилганда ҳам вақтинчалик ёмон ҳид кузатилиши мумкин. Аммо бу патологик жараён бўлмай, овқатланган ўтиб кетади.

Кўпинча ёқимсиз ҳид оғиз бўшлиғи, бурун, ҳалқум, баъзида ошқозон-ичак йўлларидаги бактерияларнинг ҳисобига пайдо бўлади. Бундай бактерияларнинг сони 120 дан ортик. Айрим дорилар, жумладан, аксилгистаминлар, шипш, хафаконга қарши ҳамда тинчлантйрувчи дорилар туфайли оғиз бўшлиғида сўлак ажралиши пасайиб, оғиз «қурийд». Бу эса ўз навбатида, бактериялар сонининг ошишига сабаб бўлади. Қандли диабетнинг асоратли даврида бемор оғиздан ацетон хиди келса, буйрак касалликларида азот алмашинувининг бузилиши натижасида аммиак хиди таралиши мумкин.

Жигддон қайнашининг олдини олишда таом таркибига аҳамият бериш керак: хар хил овқатларни аралаштириб емаслик, таомни ширин ичимликлар билан эмас, оддий қайноқ сув билан истеъмол қилиш; ёғли овқатлардан олдин ширинлик емаслик, очликни хис қилгачгина таомланиш лозим. Овқат ҳазми ёмонлашса, таомни қўқатлар, қарамли салат, қатик ёки кам микдорда олма сиркаси билан истеъмол қилиш тавсия этилади.

Хом сабзавот ва мевалар нафақат ҳазми осонлаштиради, балки ичак микрофлорасини ҳам тиклаш хуsusиятига эга. Тушликдан кейин иш столига ўтиришга шояшманг, 15 дақиқа хона ичида, иложи бўлса, тоза ҳавода бироз юринг. Агар сизда овқатланиш тартиби, ич келиши бир меъёрда бўлса, ҳазми

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ЁҚИМСИЗ ҲИДДАН ҚУТУЛИШ

Эман пўстлоғи, далачай ўти, қайин барглари, мойчечак бир хил ўлчамда олиниб чой сифатида дамланади. Ушбу дамлама билан оғизни бир кунда уч мартаба чайиш керак. 20 грамм қандоғоч барглари ярим литр қайноқ сув билан дамланади. Дамлама билан кунга камида 6 мартаба оғизни чайиш керак. Кўпроқ сув ичиш керак. Куруқ муҳит бактериялар ривожланиши учун қулай ҳисобланиб, оз микдорда сув ичиш эса оғиздан ёқимсиз ҳид келишига сабаб бўлади. Ёқимсиз ҳидга қарши курашадиган маҳсулотлар ҳам бор. Булар — қўқ чой, долчин, апельсин, олма ва сельдерей каби ошқўқлардир.

таом

би л а н

боғлиқ безовталиқ кузатилмас, демак, оғиздаги ёмон хиднинг сабаби бошқа эканлигидан далолатдир. Яъни ошқозон ва ичак хасталикларига алоқаси йўқ.


Бадбўйликдан қутулиш чораси бор

Галитоз одамга рухий зарба ҳам беради. Ўзида бу ҳолатни сезган хар қандай киши, биринчи навбатда, стоматологга мурожаат этиши керак. Галитоз билан жиддий курашиш истагида бўлганлар, аввало, оғиз бўшлиғи — томоқ бодомчасимон беши, тиш, тил ва милклар, эндокрин ва иммун тизими, қий-шайган бурун суяклари, ошқозон ҳамда ўпкани текширувдан ўтказиб, сабабини ойдинлаштириши керак. Бунинг учун стоматолог, терапевт, гастроэнтеролог, оториноларинголог, эндокринолог сингари мутахассис шифокорларнинг кўригидан ўтиш шарт. Сўнгра мутахассисларнинг хуsusасига кўра, даво чоралари қўлланилади. Бу эса, оғиздаги бадбўйликдан қутулишнинг энг мақбул йўлидир.

Гўзал СУВОНҚУЛОВА,
олий тоифали шифокор.

Ўзбекистонда лицензиялаш жараёни тўлиқ электронлаштирилади.

Юртимизда баҳор бошланди. Ушбу бетакрор фаслда жами жонзот уйғонади, яшаради. Инсон организмида ҳам ўзгаришлар рўй беради. Аксарият кишиларнинг терисида баҳор ойларида қуруққаш, қизариш, оқ ёки жигарранг доғлар, юзларда сепкил ёки хуснбузарлар кузатилади. Бундай ҳолларни мутахассислар кўпинча теридаги меланин пигменти билан боғлашади. Хўш, меланин ўзи нима? Унинг инсон организмидаги асосий вазифалари нималардан иборат? Нима учун юзга доғ тушади? Бундай ҳолатларни бартараф этиш учун нима қилиш керак? Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази дерматокосметология бўлими мудир, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Бобур ТОЙИРОВ билан суҳбатимиз айни саволлар доирасида бўлди.



Юзингизда доғлар нима сабабдан пайдо бўлади?

Агар юз терингизда пигмент доғлари пайдо бўлган ёки олдиндан мавжудлари ўзгара бошлаган бўлса, бу — шифокорга мурожаат қилиш учун жиддий сабабдир. Юздаги сепкил, хол, кексаликда тушадиган доғлар одам учун эстетик нуқсон ҳисобланиб, бир қарашда ортқича ноқулайлик туғдирмайди. Аммо баъзи ҳолларда пигментация жиддий касалликлардан белги бериши мумкин. Хўш, нима учун?

Меланин ва меланоцитлар нима?

Сайёрамиз одамлари терисининг рангига кўра фаркланишади, яъни оқ ёки қора танлилар. Бундай фарк теримиздаги пигментларнинг нисбатига боғлиқ. Пигментлар меланин, меланоид, каротин, оксигемоглобин ва карбоксигемоглобин каби турлардан иборат. Улар орасида энг муҳими меланиндир. У махсус хужайралар — меланоцитлар томонидан ишлаб чиқарилади. Меланин пигментларнинг микродорий коэффициенти караб, тери ранги оқ ёки қора бўлади. Меланин теримизни қуёш ну-

ТЕРИГА нега доғ тушади?

**МЕЛАНИННИНГ ТАНАДА ОШИБ ЁКИ КАМАЙИБ КЕТИШИ
КАНДАЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ?**

ридан химоя қилувчи муҳим воситадир. Қачонки одам қуёш нури таъсирида қолганида, меланоцитлар кераноцитлар(барча эпидермал хужайраларнинг тахминан 90 фоизи)ни қуёш нури билан тўйинтира бошлайди. Бунинг таъсирида тери ранги сарғиш, сабзи ранг, бирмунча вақт ўтгач эса, жигаррангга айланади. Яъни у теримизни нурнинг зарарли таъсирдан ана шундай химоя қилади.



Ози ҳам, кўпи ҳам хавфли

Меланин, шунингдек, бошқа қатор вазифаларни бажаради: одамни стрессдан химоя қилади, турли биологик ва кимёвий реакцияларни фаоллаштиради, жигарда, буйрак усти ҳамда

калконсимон безларда ва бошқа органларда патоген ўзгаришларни зарарсизлантиради. Агар меланин танада меъёрида ишлаб чиқилса, бу ташқарида бирор белгида акс этмайди. Аммо агар у хаддан ортқича ёки жуда кам ишлаб чиқарилса, организм пигментация кўринишида сигнал беради. Меланин етишмовчилиги альбинизмга олиб келади. Ушбу касалликка чалинган одамларнинг териси, соч, қош ва киприклари оқ рангга бўлади. Меланиннинг ортқича синтези

хам хавфли, у меланоз ривожига шароит яратади. Меланоз туғма ва орттирилган бўлиб, гиперпигментли доғлар шаклида ўзини намён этади. Гиперпигментацияда танадаги ҳоллар меланома — тери саратонига айланиши мумкин. Шу боис юзимизга, умуман, танага доғ тушса, асло бефарқ бўлмаслик, шифокорга мурожаат қилиш керак.

Танадаги меланин даражасини қандай барқарор ушлаш мумкин?

Меланин инсон организмида муҳим функцияларни бажаради. Жумладан, у тўқималарни ультрабинафша нурлари каби агрессив ташқи омиллардан химоялайди. Мазкур пигментнинг асосий вазифаси — нурларнинг ортқича микдорини сўриб олишдир. Меланин туфайли радионуклидларнинг тупланиши камаяди, шунингдек, хужайраларнинг зарарли дегенацияси олди олинади, организм химояланади.

Муайян таъсирлар натижасида меланин даражаси пасайиши мумкин. Буларга генетик ёки эндокрин касалликлари, витамин етишмаслиги ва доимий тушқунлик, қуёш нури етишмаслиги, гормонал ўзгаришлар сабаб бўлади. Пигмент етишмовчилиги бир қанча кўринишда ўзини намён этади. Масалан, тери қуёш нури таъсирида турлича товланиши (загар олиши), терида оқиб доғлар пайдо бўлиши эрта соч оқариши, эрта ажин тушиши, терининг дағаллашиши ёки қуёш нурида қуйишга мойиллиги ортқиши каби белгилар шулар жумласидан.

Меланин микдорини оширишнинг бир нечта йўли мавжуд. Энг самаралиси, бу — овқатланиш рақсонига мазкур пигментни ишлаб чиқаришга ҳисса қўшадиган маҳсулотлар-

ни киритишдир. Бундай маҳсулотлар сирасига гўшт, жигар, денгиз маҳсулотлари, балиқ, бодом, хурмо, банан, авакадо, ловия, гуруч, шунингдек, таркибида каротин, А, Е ва С витаминлари бўлган маҳсулотлар қиради. Қолаверса, узум, ўрик, қовун, шафтоли, помидор, қўқатларни ҳам мўл истеъмол қилиш жоиз. Соғлом турмуш тарзи ҳам меланин даражасини нормаллаштиришда катта аҳамиятга эга. Тўғри овқатланиш ва жисмоний машқлар, зарарли одатлардан воз кечиш ҳамда кўпроқ очик ҳавода пиёда сайр қилиш пигмент мувозанатини тиклаш учун ниҳоятда фойдалидир. Соғлом турмуш тарзига риоя қилинса, метаболизм ҳамда танадаги барча реакциялар нормаллашади ҳамда ҳаёт раён меланин ишлаб чиқаришга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, соғлигингизга эътибор бериш, тиббий кўриқдан мунтазам ўтиб туриш ҳам турли дардлардан сизни асрайди.

Тери — инсон танасининг энг катта органи, у ташқи таъсирларга бирламчи тўсиқдир. Теримизнинг саломатлиги ошқозон-ичак трактининг ҳолати, ўт пуфаги, буйраклар, жигар фаолиятининг равои ишлашига боғлиқ эканини унутмаслик керак.

Шу ўринда Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази дерматокосметология бўлимида ўткир ва сурункали дерматозлар, эстетик муаммоларни даволашда замонавий лазер технологияларидан фойдаланган ҳолда катта муваффақиятларга эришилаётганини таъкидлаш ўринли. Бўлимда беморларга кўрсатиладиган хизматлар турлари рўйхати йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Айни пайтда косметик нуқсонларни тез ва беталафот бартараф этиш, тери касалликларини комплекс даволаш, соч экниш, терини ёшарттириш, татуажларни ўчириш, SMASС лифтинг, пигмент доғларини йўқотиш, ортқича терлашни даволаш, витилигони бартараф этиш каби яна ўнлаб хизматлар профессионал кадрлар томонидан амалга оширилмоқда. Шундай экан, теридаги муаммоларга бефарқ бўлмаслик ва доимо даво муолажасини тўғри танлай билиш даркор.

Юлдуз ХОЖИЕВА
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Пилинг — доғларни кетказишда энг ишончли йўлми?

— Юзимда қорамтир доғлар пайдо бўлмоқда. Бунга йўқотишнинг энг осон усули — пилинг дейишди. Шу тўғрими?

Асила САИДРАЗЗОҚОВА.
Тошкент шаҳри Мирзо Улўғбек тумани.

Нодира АҚРАМОВА,
Республика тери-таносил касалликлари клиник шифохонаси шифокор-дерматовенеролог:

— Пигмент доғлари аёл ҳуснини тўсади. Кўпинча ҳомилдорликда юзга доғ тушади. Бундай муаммога дуч келганлар дарҳол пилинг муолажаси учун косметолог ҳузурига чопишади. Афсуски, ушбу муолажани мутахассис шифокор орқали эмас, гўзаллик салонларидаги ҳодималарга ишонадиганлар кўп. Аммо шунини унутмаслик керакки, юзга доғ тушиши танадаги гормонал жараёнлар билан боғлиқ жиддий белги бўлиши мумкин. Пилинг қилинганда, тери эпидермисидоги доғ ўчирилади, холос. Аслида юз терисидоги доғлар ички органлар фаолиятидаги нуқсонларни билдиради. Шу боис, аввало,



тегишли шифокор мутахассислар билан маслаҳатлашиш, текширувлардан ўтиш ва шу асосда керакли муолажани олиш керак. Баҳор ойларида юз қуруқлашиши, ёғланиши ёки доғ тушиши кўп кузатилади. Уй шароитида юзни тўғри парваришlash эса хотин-қизларни бундай муаммолардан асрайди. Яъни қатикли, петрушкали, асалли никоблар юз терисини соғломлаштириб, салбий таъсирлардан химоялайди.

Барча таълим муассасаларида коронавирусга қарши чоралар кучайтирилади.

Аёл — жуфти ҳалол, мехр, таскин ва осойишталик тилмоли

ПАЙҒАМБАРИМИЗ (С.А.В.) ЖУФТИ ХАЛОЛИНИНГ
МАСЛАҲАТИГА ҚУЛОҚ СОЛГАН(МИ)?



Мухиддин
НУЪМОНЖОНОВ,
Тошкент шаҳридаги Абу
Хурайра жоме масжиди
имом хатиби.

Аёлларга ислом динида юксак ҳурмат ва эътибор билан қаралади. Исломи динининг муқаддас, биринчи манбаси бўлмиш Қуръони каримнинг 35 та сураси ва 102 та оятида аёл сўзининг ишлатилиши, тартиб бўйича тўртинчи сура айнан «Нисо», яъни «Аёллар» деб номланишининг ўзиёқ ислом динида аёлнинг маъқеи, унинг ҳаётдаги ўрни ва аёлларга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло инсоният селсиласини давом эттириш учун аёлга оналик имконини берган. Аёл эркак учун таскин ва осойишталик ва либос тимсолга айланган. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилади: «У сизларни бир жондан яратган ва ором олсин учун ундан жуфтини яратган Зотдир» («Аъроф» сураси, 189-оят).

Қандай эр учун ҳажга боришга рухсат берилмайди?

Кўпчиликка маълумки, исломдан олдинги даврда аёлларнинг аҳволи жуда ҳам ачинарли эди. Аёлга гўёки бир буюм, шунчаки кўнгилхушлик воситаси сифатида қаралар эди. Аёллар чўри сифатида сотилар, танфурушликка мажбур қилиниб, у туфайли пул ишлар эди. Туғилган чақалоқлар агар киз бўлса, тириклайин кўмилиш эди. Ўзини анчайин маданитли, хур фикрли санаган Ғарб оламида эса аёлларга нисбатан олдий буюм сифатида қаралар ва «Шайтоннинг урғочиси» деган номлар билан камситиб, хўрланар эди. Аммо Исломи қонуни асосида ашай бошлаган ўлкаларда аёлнинг маъқеи ошди, шаъни улугланди, ҳуқуқи кенгайди. Унинг жамиятдаги ўрни, оиладаги ҳуқуқлари кенгайди ва динимизнинг хотин-кизлар борасида ниҳоятда адо-



«БИР КИШИНИНГ ИККИТА ҚИЗИ БЎЛСА, У ИККИСИНИНГ СУҲБАТИНИ ЯХШИ ҚИЛСА ЁКИ ИККИСИГА ЯХШИ СОҲИБ БЎЛСА, ИККОВЛАРИ УНИ АЛБАТТА ЖАННАТГА КИРИТАДИ»

латпарварлиги ҳозирги Ғарб таджикотчиларини ҳам хайратга соляпти.

Исломи динининг таълимотига кўра, эркак ўз аёлининг рўзғори, кийим-кечаги, емоқ-ичмоқ ва бошқа соҳадаги барча эҳтиёжларини ўз зиммасига олади. Ҳатто аёлининг нафақасини таъминламасдан туриб ҳажга боришга рухсат бермайди. Олмонийлик танкили оlima Аннамари Шиммел хонимнинг «Жонон менинг жонимда» номли китобида шундай жумлалар келди: «Исломи жамиятида энг катта ҳурматга лойиқ зот — аёл, она ҳисобланади».

Исломида аёлнинг ҳақлари

Динимизда аёлни эъзозлаш, унинг ҳурматини жойига қўйиш учун бир нечта ҳақлар жорий қилинган. Бу ҳақларни адо қилганларга эса жуда кўп хушхабарлар берилган.

Аёлларга чиройли муомала қилишда Расулulloҳ (с.а.в.) бутун инсониятга намуна бўладилар. Аёл номини улуглаш, унинг шаънини кўтариш, хотин-кизларнинг ҳуқуқини белгилаб беришда нафақат ислом оламига, балки бутун жамиятга ибратдирлар. У зотнинг охириги васиятларида шундай машҳур жумлалар бор эди: «Огоҳ бўлинглар, аёлларга яхши муомала қилингллар...» (Имом Термизий ривояти).

Яна бир ҳадиси шарифда аёллар хусусида шундай дейилади «Аллоҳ таоло аёлларга яхши муомала қи-

лишларингизни тавсия этади, чунки улар оналарингиз, кизларингиз, холаларингиздир». (Табораий ривояти).

Бир кишининг икки қизи бўлса...

Ибн Можадан ривоят қилинадиган ҳадисда: «Жаннат оналар аёғи остидадир», дейилган. Баъзида оилада киз туғилгани учун хафа бўладиганлар ҳам топилади. Аммо Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадисга кўра: Расулulloҳ (с.а.в.): «Бир кишининг икки қизи бўлса, у иккисининг суҳбатини яхши қилса ёки иккисига яхши соҳиб бўлса, икковлари уни албатта жаннатга киритади», дедилар». Қаранг, қанчалар гўзал эътироф. Қиз фарзандлари шаънини улуглаб, чиройли тарбия қилганларга жаннат муқофотини берган ҳам, турмушидан ажраб келган қизига қилинган нафақани «Энг яхши нафақа», дея номлаган ҳам, фарзандларни, энг аввало, онага яхшилик қилишга буюрган ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам эдилар.

Оқила аёлнинг маслаҳати хар доим асқатади

Аёлларни шунчаки эъзозлаб қўйиш эмас, ўрни келганда улар билан маслаҳатлашиб иш қилмоқ ҳам динимизнинг кўрсатмасидир. Аллоҳ таоло Расулulloҳ

лох(с.а.в.)ни саҳобалар билан маслаҳат қилишга буюрган ўринда ушбу хитобни айнан эркаклар учун хосламади. Балки умумий айтди. Демак, ўша маслаҳат қилинадиган саҳобалар ичида саҳобия аёллар ҳам бор эди. Халқ орасида тарқаган «Аёл билан маслаҳат қил ва унинг айтганини тескарисини қил», деган гап ислом таълимотига мутлақо зиддир. Чунки Исломи динининг асосчиси Расулulloҳ (с.а.в.) ҳам бир нечта муҳим ўринларда ўз аёлларининг маслаҳатларига қулоқ солганлар.

Буни тарихдаги ҳижрий 6-йилда Худайбия водийсида бўлиб ўтган ўша машҳур воқеадан ҳам билсак бўлади. Ўшанда пайғамбаримиз (с.а.в.) илоҳий ҳикмат ила қаъбани зиёрат қилмай, ортага қайтиб кетишга чоғландилар ва саҳобаларга: «Эй инсонлар, туринг, қурбонлигингизни сўйинг, сочингизни олдириг ва эҳромдан чиқинг», дея амр қилдилар. Бироқ Қаъба ва ватан соғинчи билан ёнган саҳобаларга бу гап ёқмади. Улардан ҳеч бирлари ўз жойидан қимирламади. Расулulloҳ (с.а.в.) сўзларини бир неча маротаба такрорладилар. Бироқ яна ҳеч ким жойидан жилмади. Расулulloҳ (с.а.в.) тушкун ҳолатда чодирга кирдилар. У зотнинг кайфиятларини кўрган аёллари Умму Салама онамиз бунинг сабабини сўрадилар. Пайғамбаримиз (с.а.в.) бор воқеани айтиб бердилар. Шунда Умму Салама онамиз зукколик билан: «Ё Расулulloҳ! Одамлар саросима ва тушкунликка тушиб қолганликлари учун шундай қилишмоқда. Агар сиз улар шу амалларни бажаришларини истасангиз, ҳеч нарса демасдан қурбонлигингизни сўйинг ва сочингизни олдингиз. Сизни кўрган саҳобаларингиз аниқ сизга эргашадилар», дедилар. Дарҳақиқат, ушбу маслаҳатлар билан Муҳаммад (с.а.в.) қурбонликларини сўйиб, соч олдиришни бошладилар. Буни кўрган барча мусулмонлар ҳам у зотга эргаша бошладилар.

Ушбу ўринда Умму Салама онамизнинг ўринли маслаҳатларига амак қилишдан Расулulloҳ(с.а.в.)ни ҳеч нарса тўсмади. Балки оқила аёлнинг маслаҳатига қулоқ тутган пайғамбар алайҳиссалом калтис вазиятдан оқилона чиқиб кетдилар. Дарҳақиқат, ислом аёлларга шундай эътибор қаратади ва уларни ана шундай ҳурмат қилишга чорлайди. Шундай экан, меҳрибон онамизимиз, оқила опа-сингилларимиз, сабр-бардошли рафикамиз, беғубор ва ғамхўр кизалоқларимизни кўз қорачигидек асрайлик. Уларнинг назик жуссасига ҳаётнинг оғир юкларини ташлаб қўйишдан тийилмайлик. Ана шунда Аллоҳ таоло биздан рози бўлади, валлоҳу алам.

Мисрлик шайхга «Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси» унвони берилди.

ДЕҲЛИ ДИНИЙ НИЗО «ҲУҚУҚИ»ГА ТУШИБ ҚОЛДИМИ?

ҚОНУНГА КЎРА, ҚОЧКИНЛАРГА ФУҚАРОЛИК БЕРИШ БИР
ШАРТ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ — УЛАР МУСУЛМОН
БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК. ШУНИНГДЕК, МАҲАЛЛИЙ
МУСУЛМОНЛАР ҲИНДИСТОН ФУҚАРОСИ ЭКАНИНИ
ИСБОТЛАШИ КЕРАК БЎЛАДИ.

Ҳиндистон пойтахти Нью-Деҳли шаҳрида фуқаролик бўйича янги қонун лойиҳаси туфайли содир бўлган тўқнашувларда ҳалок бўлганлар сони 35 кишидан ошиб кетди. 24-27 февраль кунлари пойтахтнинг мусулмонлар яшайдиган қисмида уч кеча давом этган тартибсизликлар оқибатида юзлаб кишилар жароҳатланди. Сўнги кунда тўқнашувлар тинган, аммо вазият ҳамон кескин. Ҳукумат тартибсизликлар қамраб олган ҳудудларга полиция ва ҳарбийларни жўнатди.

Тўқнашувларга нима сабаб бўлди?

Бундай вазият мамлакат пойтахтида сўнгги ўн йилликларда кузатилмаган. Катта эҳтимол билан бунга Ҳиндистон миллий партияси — «Бхарат Жаната Парти» етакчиларидан бири Капила Мишранинг чорловлари сабаб бўлган. Мишра ўз тарафдорлари иштирокидаги митингларда уларни асосан мусулмонлар яшайдиган Нью-Деҳлидаги туманлардан бирига йиғилишга даъват этган, у бу орқали ушбу ҳудудда фуқаролик тўғрисидаги қонунга киритилган тузатишларга қарши намойишга тўқнашувларни кўзлаган.

Қайд этиш керак, Ҳиндистон парламенти яқинда Покистон, Афғонистон ва Бангладешдан келган қочқинларга фуқаролик беришни соддалаштириш бўйича тақлиф берди, аммо бир шарт билан — улар мусулмон бўлмасликлари керак. Шу билан бир вақтда, кўплаб штатларда маҳаллий мусулмонлар Ҳиндистон фуқароси эканини исботлаши керак бўлади. Агар улар керакли далиллар келтира олишмаса, уларни депортация қутади.

Ушбу қонун лойиҳаси Ҳиндистонлик мусулмонларни газаблантирди. Уларнинг фикрича, сўнгги тузатишлар конституцияга зид, чунки расман дунёвий ҳисобланган мамлакатда аҳолининг бир қисми диний эътиқодидан келиб чиқиб камситилмоқда. Ҳиндистон шимоли-шарқий штатлари аҳолиси ҳам қонунга эътироз билдирган — энди улар Бангладешдан келган миллионлаб одамлар уларнинг штатларида доимий қолиб кетишдан хавотирда. Бу тузатишларни маҳаллий аҳоли манфаатларига зид деб ҳисоблаган мусулмонлар оммавий норозилик акцияларини бошлади.

Ҳиндистон ҳукумати эса янги тузатишлар мусулмонларга қар-

ши қаратилмагани, янги тартиб озиқликни таъқиблардан химоя қилиш учун тақдим этилганини айтмоқда. Мусулмонларга ҳужумлар ҳақидаги дастлабки хабарлар Мишра полиция уч кун ичида мусулмонларнинг намойишларини тўхтатиши кераклигини, ақс ҳолда, одамлар кўчаларга чиқишини маълум қилганидан кўп вақт ўтмай кела бошлади. Шундан сўнг ижтимоий тармоқларда ҳинд жамияти вакиллари қуролсиз одамларни, жумладан, журналистларни ҳам қалтаклаётгани тасвирланган кўлаб суратлар ва видеолар тарқалди. Шаҳар кўчалари бўйлаб қалтаклар ва тошлар билан қуролланган кишилар гуруҳлари юриб, мусулмонларни таъқиб қилишди, гуруҳлар ўртасида қонли тўқнашувлар бўлиб ўтди.

Деҳлида сўнгги марта диний низолар 1984 йилда кузатилган, ўшанда хиндлар сикхларга ҳужум қилишган ва 3 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган. Ҳиндистон бош вазири Нарендра Моди твиттердаги саҳифаси орқали фуқароларни тинчликни сақлашга чақирди ва полиция тартиб ўрнатилни бошлаганини маълум қилди. Маҳаллий журналистларнинг хабар қилишича, йўлларда тўдалар йўловчиларни тўхтаб, қайси динга эътиқод қилишини сўрамоқда.

Қонуннинг мазмуни нималардан иборат?

Ҳиндистоннинг бундан 64 йил муқаддам қучга қирган фуқаролик бўйича амалдаги қонунига биноан, ноқонуний муҳожирлар мамлакат фуқаросига айланиш ҳуқуқига эга эмас. Янги қонун билан эса ана шу тартибга ўзгартириш киритилмоқда. Унга кўра, яроқли паспорт ва саёҳат ҳужжатларисиз Ҳиндистонга қирган ёки руҳсат берилган вақтдан ортиқча муддат мамлакатда қолиб кетган

шахслар ноқонуний муҳожир ҳисобланади.

Бундан ташқари, шахс Ҳиндистон фуқаролигини олиш учун ҳужжат топширишдан аввал мамлакатда яшаган бўлиши ёки федерал ҳукуматта камида 11 йил ишлаб бериши лозим эди. Янги қонун бу бандни ҳам ўзгартирмоқда. Эндиликда Покистон, Афғонистон ёки Бангладешдан эканини исботлаб бера олган ва олти диний озиқликка — ҳинду, сикх, буддист, жаин, парси ва насронийга мансуб бўлган инсонлар учун хинд фуқаролигини олиш йўлида мавжуд бўлган юқоридаги чекловлар олиб ташланмоқда.


Қонун қандай қабул қилинди?

Бу қонун лойиҳаси масаласи Парламентда илк бор 2016 йил июль ойида кўриб чиқилган. Ҳиндистон шимоли-шарқда муҳожирларга қарши зўравонликка тўла намойишлар бошланиб кетганидан сўнг у Парламентнинг юқори палатасидан ўтмаган. Ушбу қонун Ассам штатидаги Фуқароларнинг миллий реестрига алоқадор равишда қўрилади, аммо уларнинг иккиси бир хил нарса эмас.

Реестр Бангладеш мустақил бўлганидан бир кун аввал — 1974 йил 24 мартга қадар Ассам штатида келганини исботлай олган бангладешликларнинг рўйхатидан иборат. 2019 йилнинг август ойида мамлакат ҳукумати рўйхатнинг якуний кўринишини эълон қилган ва бунинг ортидан штатда яшаётган 2 миллионга яқин инсон фуқароликдан маҳрум бўлиши аён бўлган эди. Бирок кўлаб овоз берувчилар ноқонуний муҳожир мақомига тушиб қолиши мумкинлигини англаган BJP рўйхатни қайтадан кўриб чиққан эди.

Реестр ва янги қонун ўртасида қандай боғлиқлик бор?

Қонунга киритилган ушбу ўзгариш билан реестрдан чиқиб ташланган мусулмон бўлмаган шахсларнинг фуқароликка эга бўлиши учун замин яратилмоқда. Бу сўнгги кўриб чиқишдан сўнг Фуқароларнинг миллий реестрига қирмай қолган ўн минглаб бенгал-хиндлар фуқароликка эга бўлиб, Ассам



штатида қолиши мумкинлигини аниқлатади.

Мамлакат ички ишлар вазири янги қонун қабул қилингандан сўнг мамлакат бўйлаб фуқароларнинг ана шундай ўқнаш реестрини тузиш ва ноқонуний муҳожирларни аниқлаш ҳамда «ҳар бир тартиб бузувчи»ни 2024 йилга қадар Ҳиндистондан ҳайдаб чиқариш тақлифини ўртага ташлаган. Агар ҳукумат мамлакат бўйлаб Фуқароларнинг миллий реестрини жорий этиш режасини амалга оширса, у ҳолда, рўйхатга қирмай қолувчи икки қатлам юзага келади: мусулмонлар (аксар кўччилик) ва бошқа жамоат вакиллари. Бирок янги қонун билан мусулмон бўлмаган шахсларда, агар улар ўзларининг Афғонистон, Покистон ва Бангладешдан эканини исботлай олма, мамлакатда қолиш имкони мавжуд.

Қузатувчилар Ҳиндистондаги қон тўкилишларга Кашмир масаласида Конституциявий тузатишлар киритилиши замин ҳозирлаганини ҳам таъкидлайдилар. Маълумки, 2019 йил 5 августда Ҳиндистон Конституциясининг Жамму-Кашмир штатида тегишли 370-муваққат моддаси бекор қилинди. Энди бутун мамлакат учун ягона Конституция амал қилади, фуқаролар манфаатлари йўлида 106 та қонун, шунингдек, Ҳиндистон Конституциясига киритилган 9 та тузатиш амалда. Марказий ҳукуматнинг ижтимоий таъминотга қаратилган барча 425 та дастури энди Жамму-Кашмир ва Ладакхда жорий этилмоқда. Мамлакатнинг бошқа қисмидаги фуқаролар ўлка иқтисодиётига 1,6 миллиард доллар микро-рида сармоя кирита олишлари мумкин. Бу билан ўлка фуқаролари учун янги иш ўринлари яратилади, уларнинг турмуши яхшиланади.

Жамму-Кашмирдаги вазият, айниқса, маҳаллий бошқарув органларининг иккинчи даражаси, ҳусусан, 310 та маҳаллий тараккиёт кенгашларига 2019 йил 24 октябрда ўтказилган сайловдан кейин янада яхшиланди. Овоз беришда аҳолининг 98 фоизи


иштирок этди, бу 2018 йилги 73 фоизлик кўрсаткичдан кейинги юқори кўрсаткичдир. Энг муҳими, сайлов пайтида бирон ўқ овози эшитилмади, ҳукумат идоралари, таълим даргоҳлари, касалхоналар ва тиббиёт муассасалари одатий тартибда ишламоқда.

Бош вазир Нарендра Модининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган 12 миллион долларлик махсус ёрдам кўрсатиш дастури пакетлари асосида 63 та лойиҳа амалга оширилди. Жамму-Кашмирдаги вазият юзасидан билдирилган хавотирлар саҳида Европа Парламентининг 23 нафар аъзоси 2019 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида, 15 мамлакатнинг элчилари январь ойида бир неча ўн йиллардан буён давом этиб келаятган келишмовчилик ва баҳс-мунозаранинг асосий сабабидир. Ўртадаги зиддият қуролли тўқнашувга айланиб кетган пайтларда, дунё аҳли атом уруши бошланиб кетиши хавфидан хавотирга тушади. Чунки бу иккала давлат ҳам атом қуролига эга.

...Қайд этиш керак, айни пайтда ҳукумат қўрган чоралар ва олиб борилаётган тушунтириш ишлари туфайли Нью-Деҳлидаги вазият изига тушди. Ҳиндистоннинг диний бағрикенгликка асосланган сиёсати келажакда бу каби ноҳақ қон тўкилишларининг олдини олишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Кўшни давлатлардан ўқишни кўчиришининг қўшимча тартиблари белгиланди.



Миллий спорт ўйинлари — ўзлигимиз ифодасидир

Ў

збек миллий ўйинлари — халқ аънавий маданиятининг таркибий қисми бўлиб, ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда уларни жисмоний чиниктиришда муҳим ўрин тутди. Шу боис таълим муассасаларида, маҳаллалар ва кишлоқларда болалар, умуман, аҳоли ўртасида халқ ўйинлари билан мунтазам шуғулланишни кенг тарғиб қилиш, оммалаштиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Алломалимиз кўнгил очиб мақсадида маълум конда асосида ўтказилувчи беллашув, баҳс ва мусобақалардан вужудга келган бу қадимий кадрятларимизнинг аҳамияти хусусида ёзиб қолдиришган. Хусусан, буюк шоир Муҳаммад Ризо Огаҳий ўз асарларида халқ ўйинларини тасвирлаб, уларнинг болани ақлий, маънавий, ахлоқий, рухий ва жисмоний тарбиялаш имкониятларини атрофлича кўрсатиб берган. Шу жараёнда боланинг феъл-атворини билиб олиш, салбий ва ижобий сифатларини осовроқ аниқлаш, бемаъни килкларини бартараф этиш мумкинлигини айтган.

Халқимиз орасида «ўйин» иборасининг маъно доираси жуда кенг бўлиб, оддий болалар эрмакларидан тортиб, мерганлик, чавандозлик, дорбозлик, кураш, тош кўтариш ва бошқа кўлаб ўйинларни ўз ичига камраб олади.

Харакатли ўйинлар жисмоний чиникишга хизмат қилади

Бугунги кунда ёшларимизни спорт билан оммавий шуғуллантириш ва жисмоний чиниктиришга кенг эътибор қаратилаётган экан, бу борада миллий кадрятларимиз таркибидаги жуда кўлаб хара-

катли ўйинлар имкониятидан самарали фойдаланиш бекиёс ўрин тутди. Аҳамият берсак, улардан бир қатор спорт турлари ўсиб чиққанлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Мисол учун, «кураш» аллақачон расмий спорт турига айланиб, ундаги «ҳалол», «чала», ён-бош» каби атамалар халқаро даражада қўлланилмоқда. Шунингдек, «арқон тортиш», «сузукка чопиш», «тош кўтариш» сингари ўйинлар кўлаб мусобақалар таркибидан жой эгаллаган бўлса, «тез сузиш», «сув остида сузиш», «пойга», «қилич жанги», «тош ўйини» қайси профессионал спорт турларига шаклан ва мазмунан яқинлигини яхши биламиз. Қолаверса, «тортишмачок», «тўптош», «ким олади-я», «ўтин ёрар», «қолиб қочар», «ок теракми-кўк терак», «мехнат ўйинлари», «ағдариш», «чим тўп», «чағон» ва бошқа номдаги ўйинлар ҳам аниқ қонуноқоидаларга эга, жисмоний куч ва чакқонликни талаб қилиши билан ажралиб туради.

Таълим дастуридан жой эгаллаши керак

Таълим тизимида жисмоний тарбия фани йўналишида замонавий спорт турлари билан бирга, миллий халқ ўйинларига ҳам ўрин ажратилиши яхши самара беради. Ўқувчилар



ўртасида ўзбек халқ ўйинларини ташкил қилиш ва ўтказиш ишларини амалга ошириш жараёнида, таълим муассасаларида ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг хулқ-атворини диагностика қилиш ва натижага кўра, уларнинг салбий сифатларини бартараф эта бориб, ижобий сифатларини эса, янада ривожлантиришга эришилади. Шунингдек, диагностика усули жараёнида қўлаш учун «хулқ-атвор индикаторлари»ни ишлаб чиқиш лозим бўлади ва шу индикаторлар асосида таълилий ишларни бажариш талаб қилинади.

Ўзбек халқ ўйинларини кенг оммалаштириш орқали ёшларни спорт соҳасида ўз қобилиятини намойён қилишлариغا яқиндан қўмақ бериш имкони туғилади. Турли вилоятларда ўйинларнинг хилма-хил шакллари мавжуд бўлиб, иштирокчиларнинг жисмоний ва маънавий камолотида, овози, нафас йўллари ва нутқининг сайқалланиб боришида ўз таъсирини кўрсатади. Ўйин билан шуғулланиш асосида эҳтиёткорлик, тезкорлик, жасорат, ўз кучини чамалаган ҳолда, вазиятга қараб аниқ ҳаракат қилиш сингари ҳаётий кўникма ва билимлар ўзлаштириб бори-

лади. Болаларнинг ёшига қараб, ўйинлар шакли ва мазмуни ҳам ўзгариб боради. Баъзи ўйинлар ўғил ва қиз болалар томонидан биргаликда, айримлари алоҳида ўйналади. Мисол учун, «тўптош» кизларни сезирлик, тўғрилик, аҳиллик, чакқонликка ўргата, «кураш» ўғил болаларда довураклик ва кучлилиқни тарбиялайди.

Ўзбек кураши олимпия ўйинлари таснифидан ўрин эгаллайди

Оммавий спорт турлари тарихига назар солсак, улар қайсидир халқнинг миллий ўйинлари асосида пайдо бўлганига гувоҳ бўламиз. Биз эса бу борада миллий курашимиз билан фахрланишимиз мумкин. Ҳозирги кунда 3,5 минг йиллик тарихга эга ўзбек курашининг халқаро майдондаги мавқени ошириш ва уни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Аини дамда шу масалаларда муҳим ҳужжат қабул қилиниши кутиляпти.

Барчасидан кўзланган асосий мақсад — курашни олимпия ўйинлари таснифига кириштириш. Замонавий кураш кон-

далари асосчиси, Ўзбекистон кураш федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Комил Юсупов яқинда бу ҳақда шундай фикр билдирганди: «Бир пайтлар биз курашни дунёга олиб чиқамиз, деганда кўпчилик қулганди. Бугун у халқаро спортга айланди. Эндиги асосий мақсад — олимпия ўйинлари оиласига кириш ҳам ҳозир бошқалар учун гўёки эришиб бўлмаас орзуга ўхшайди. Лекин муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўллаб-қувватлаши бизга куч беради. Бунга, албатта, эришамиз».

Дарҳақиқат, соҳа мутахассислари бу борада чуқур изланиш олиб бормоқда. Хусусан, курашнинг жанговар йўналишини ишлаб чиқиш бўйича иш олиб бориляпти. Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги йўналиш шундай қоидаларга асосланадими, унда жанговар усуллар қўлланган ҳолда курашнинг инсонларварлик ғояларига риоя қилиниши шартлиги, юзга урмаслик, тиззалаб курашмаслик кабилар асосий мезонга айланади. Хуллас, ўзбек кураши дунё спортда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига узоқ вақт колмади.

Умуман олганда, миллий ўйинларимиз халқимизнинг ўзлигини, кадрятларини ифода этади. Демак, жаҳонга ўзимизни намойён этиш учун аждоқларимиздан мерос бўлиб яшаб келаётган халқ ўйинларини ёшлар ўртасида оммалаштириш ҳар томонлама фойдали бўлиши шубҳасиз.

Рисолат РУСТАМОВА,
педагогика фанлари номзоди.

Фуркат МУҲАММЕДОВ,
Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 277-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси.

Тошкентда муз спорти ва савдо объектлари мажмуаси қурилади.

129 ФАШИСТНИ ЕР ТИШЛАТГАН РАЗВЕДКАЧИ ВА МЕРГАН ҚИЗ

Иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига оғир кулфатлар солди. 61 та мамлакат, ер шарни аҳолисининг 80 фоизи уруш даҳшатларини бошдан кечирди. Жумладан, бизнинг Ватанимиз ҳам. Қанчадан-қанча ўзбек ўғлонлари жанггоҳларда қаҳрамонлик кўрсатишган. Айни дамда фронт ўчоғига кўнгилли бўлиб кетиб, душманга қирон келтирган юртдош хотин-қизларимиз ҳақида ҳамма ҳам маълумотга эга эмас. Улардан бири — Зебо Ғаниева уруш даврида разведкачи ва мерган бўлиб душманларга қарши мардонавор жангларда иштирок этгани билан тарих саҳифаларида муҳрланган.



Шу боис Зебо Ғаниеванинг уруш йилларидаги жасоратлари хусусида Ўзбекистон миллий университети тарих факультети профессори Аваз Ерметов билан суҳбатлашдик.

Уруш унинг орзуларини чилпарчин қилди

— Зебо Ғаниева урушга отланганида эндигина 19 ёшига кирган эди. — дейди А.Ерметов. — Уларнинг оиласи Андижонда истиқомат қилишган. 1937 йилда онаси қатъан қилинган. Отаси эса уни ташлаб кетишга мажбур бўлган. Қиз бечора бир кунда тирик етимга айланган. Шундан сўнг 14 ёшли қиз Тошкентга ўқишга келади ва Ўзбекистон филармониясининг хореография бўлимида тахсил олади. Зебо 1940 йили Тошкентдан Москвага бориб, машҳур ГИТИС (Москва давлат театр санъати институти)нинг актёрлик факультетига ўқишга киришга муваффақ бўлади. Бу ўша даврдаги қизлардаги кутилмаган ишжозатлардан бири эди. Аммо 1941 йилда бошланган уруш унинг орзуларини чилпарчин қилди. Санъаткор бўлман, деб ният қилган нозик табиатли ўзбек қизининг ҳаёт йўлини қонли уруш ва даврнинг шафқатсиз муҳити бошқа томонга буриб юборди. Зебо олий ўқув юртини ташлаб, снайперлар мактабига кириб ўқиш бошлади. У мерганлик билан душманга зарба беришини мақсад қилди. Мерган-ўқчи маҳоратига эга бўлган Зебо Ғаниева урушнинг дастлабки кунларидаёқ мингалаб кўнгилли ёшлар қаторида фронтга ёшди. 1941 йили 3-Москва Коммунистик дивизия кўшанлари таркибида Қизил майдонда ўтган ўша машҳур парадда иштирок этади. Ҳарбий намоёнидан сўнг у Москва марказидаги Бош майдондан тўртта ўзгери фронтга жўнади.

33 марта жаррохлик амалиётини бошидан ўтказган

Кўнгли нозик, санъатга мойил Зебо

давр талаби билан мохир снайпер, разведкачи бўлиб етишди. Уруш йиллари у 16 марта разведкага бориб, душман тўғрисида қимматли маълумотлар олиб келади. 1942 йили 23 май кунини узокдан туриб отадиган оптика дурбин ўрнатилган миллигини Ленинград вилоятининг Молвотинский районидagi Катта Врагово кишлоғида жойлашган немис гарнизони томонга қаратиш буйруғини олади. 19 ёшли ўзбек қизи 9 мерган аскар қаторида жангдан сўнг ортга қайтаётган душман танкчиларини ўққа тутди. Зебо миллигини тиззасига қўйиб олиб бирин-кетин 6 фашистни ер билан яқсон қилди. Шу пайтда кўшни йўналишида оғир ахволга тушиб қолган кичик лейтенант Марченко штаб раҳбариятидан зудлик билан ёрдам беришларини сўраётган эди. 130-ўқчи дивизиясининг 528-ўқчи полки командири майор Павлов буйруғи билан Зебо Ғаниева 15 нафар мерган жангчи қаторида лейтенант Марченкога ёрдамга келади. Мерганлар гуруҳи йўлда уйлар вайронаси ортга беркиниб олган душман автоматчисининг ўқларига дуч келади. Зебо автоматдан тинмай ўқ ёғдираётган душман орқасидан ўтиб, уни отиб ўлдирди. Шу пайтда жангчиларимиз боши узра душман миномётдан яна снарядлар ёғдира бошлади. Портлаётган снаряд парчаси Зебони ёнбошидан жароҳатлайди. Яхшиямки, Зебо бошлик мерганлар гуруҳи лейтенант Марченко жангчиларига ёрдамга келиб улгуришган эди. Душман кишлоқдан қувиб чиқарилади.

9 ой эмас, 11 ой боқдим-а, болам

Биқинидан жароҳат олган кичик лейтенант Зебо Ғаниева тишини тишига қўйиб, қуролдош дўстлари Нина Соловей, Федор Кириллов ва Яков Коляколарни

ДАРВОҚЕ...

Иккинчи жаҳон уруши пайтидаги ўзбек аёлларининг матонати дунёни ларзага келтиради. Биргина Тошкент вилоятининг Хонобод кишлоғида яшagan Зулфия ая Зокирвани оладиган бўлсақ, у 5 ўғил ва бир қиз фарзандни ёлғиз ўзи вояга етказган. Иккинчи жаҳон уруши вақтида барча ўғиллари — Исоқжон, Аҳмаджон, Мухаммаджон, Ваҳобжон ва Юсуфжонни йўқотган. Уларнинг барчасига фронтдан «қора хат» келган. Бундай машҳур хатлардан охиригиси Зулфия аяга 1945 йил февралда келган. Она келинлари билан бутун умри давомида фарзандлари хотирасига мотам тутган.

Юртбошимизнинг ғояси ва ташаббуслари билан «Ўзбеккино» томонидан ушбу ҳаётини воқеага асосланган «Илҳак» номли фильм суратга олинмоқда. Фильм премьераси май ойига белгиланган.

Шунингдек, Тошкентдаги Ғалаба боғида уруш вақтидаги аёлларнинг жасорати ва матонати рамзи сифатида фильм қаҳрамони Зулфия Зокирвага ҳайкал ўрнатилиши ҳам режалаштирилган.

жанг майдонидан олиб чиқишга улгурди. Ўша пайтда давлат тақдири ҳал бўлаётган ҳаёт-мамат уруши пайтида ҳар бир снайпер олтинга тенг эди. Шу боис оғир ярдор бўлган Зебо самолётда даволаниши учун Москвага жўнатилади. Госпиталда қизнинг қони захарлангани маълум бўлади. У 33 мартаба жаррохлик амалиётини бошидан ўтказиб, узок пайт ўлим билан курашади. Ниҳоят, уни даволаб оёққа қўйган катта ёшдаги хамшира Мария Федоровна Шверник: «Ҳар қандай аёл болани ўзида 9 ой олиб юради, мен сени 11 ой боқдим-а, болам», дея Зебони бағрига босади.

1942 йилнинг 12 апрелидан 23 майга қадар 151-алоҳида мотоўқчилар разведка батальони разведкачи-мергани Зебо Ғаниева Чёрное, Лунево, Ожесты ва Дягилево кишлоқлари атрофида 20 нафар, айрим маълумотлар бўйича 21 нафар душман офицери ва снайперини ўлдирди.

Зебо Ғаниева «Москва мудофааси учун», «Қизил байроқ», «Қизил юлдуз» орденлари, 1985 йили Иккинчи жаҳон урушининг 40 йиллиги муносабати билан «Ватан урушининг 1 даражали ордени» билан мукофотланди.

Машҳур rassom Тоир Салахов билан бўлган суҳбатда Зебо Ғаниева унга: «Мен 129 фашистни ўлдирганман», деб айтган эди. Москва остоналарида, шунингдек, Ўзбекистонлик мерганлар Исоқов 354, Абулхасов 229, Юсулов 132, Мадаинов 123 фашист аскар ва 70 битини ер тишлади.

«Москва мудофааси учун» медали билан 1753 нафар ўзбекистонлик жангчи мукофотланди. Москва ёнидаги жангда душман тор-мор этилди. Бу Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан буён ўтган икки ярим йил мобайнида советларнинг биринчи йирик ғалабаси, фашистларнинг эса дастлабки йирик мағлубияти эди. Бунага ўзбек жангчиларининг, ўзбек халқининг қўшган хиссаси бекиёсдир.

Умрининг охиригача илм билан шуғулланган

Зебо Ғаниева урушдан кейин меҳнат фронтини ҳам ҳормай-толмай хизмат қилди. Аммо унинг қалбидаги санъатга бўлган қизиқиш ҳеч қачон сўнмаган. 1945 йилда режиссёр Наби Ғаниев уни «Тоҳир ва Зухра» фильмидаги Хоразм

маликаси ролига таклиф этади. Зебо бу ролни ижро этади. Хозирда ушбу фильм ўзбек кино санъатининг дурдона асарлари сирасига киритилган. Зебо ўқинини давом эттириш учун олдинги институти, кейинчалик аспирантурани тугатиб, илмий даража олади.

Собиқ иттифокнинг Туркия элчихонасидаги муваққат ишлар вакили Тофик Қодировга турмушга чиқиб, ўғли Маратни дунёга келтиради. Зебо Ғаниева умрининг охиригача илм билан шуғулланди. 1956 йилдан СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлади. Фан доктори, профессор унвонларига сазовор бўлди. Зебо Ғаниева 2010 йилда Москва шаҳрида вафот этган. Унинг ҳаёт йўли эса тарих соҳналарига абадий муҳрланди, десак муболага бўлмайди.

Нилуфар ЮНУСОВА
тайёрлади.

Муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув эълон қилинди.

ТАДБИРКОРЛИК

ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ
ХУҚУҚЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИМИ?

— Эшитишимча, яқинда тадбиркорлик соҳасида жиний жавобгарликка тортиладиган хатти-ҳаракатлар сони камайитириш экан. Шу тўғрисида?

Саъдулло ТУРГУНОВ,
Қамаши тумани.



Севара ҲРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятига алоқадор қатор жиний ишларни маъмурий жавобгарлик билан алмаштириш ташаббуси илгари суриляпти. Президентимиз томонидан имзоланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини» («Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили»)да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги фармонга кўра, мазкур соҳада ҳам қатор янги ўзгаришлар амалга оширилиши кутилмоқда.

Жумладан, 2020 йил 1 июнга қадар тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий ҳафти қатта бўлмаган қатор жиний турларни декриминализация қилинади. Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жиний ишлари бўйича судларга ўтказилади. Суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари томонларнинг мурожаати мавжуд бўлгандагина прокурор томонидан суддан талаб қилиб олинади. 1 ноябрга қадар апелляция ва кассация инстанциялари ислох қилиниб, назорат тартибиди иш юритиш институти бекор қилинади.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиний ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилади. Ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан маъмурий жаримани суд ва ваколатли идораларда иш кўрилгунга қадар ихтиёрий тўлаш рағбатлантирилади.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ҲАҚОРАТ ҚИЛГАНЛИК УЧУН
ҚАНДАЙ ЖАВОБГАРЛИК БОР?

— Яқинда кўшим билан жанжаллашиб қолдик. У мени аёл киши эканлима қарамай, кўнчилик олдида уятли сўзлар билан ҳақорат қилди. Айтинг-чи, ҳақорат қилганлик учун қонунда қандай жавобгарлик белгиланган?

Сайёра ТҮЛАГАНОВА,
Чирчиқ шаҳри.

Махсума ОРТИКОВА,
Миробод туманидаги 5-сонли давлат нотариал идораси қатта нотариуси:

— Ҳақорат қилганлик — шахснинг шаъни ва қадр-қимматини касдан камситганлик ёки беодоблик билан касдан таҳқирлаганлик учун қонунчиликда маъмурий ва жиний жавобгарлик назарда тутилган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳақорат қилган шахсга нисбатан 4 460 000 сўмдан 8 920 000 сўмгача миқдорда жарима солиниши кўрсатиб ўтилган. Агар ушбу ҳуқуқбузарлик бир йил ичида такоран содир этилса, ҳуқуқбузарга нисбатан жиний жавобгарлик белгиланади. Бундай ҳолатда, ҳақорат қилган шахсга нисбатан 44 млн 600 минг сўмгача миқдорда жарима ёки 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо берилиши мумкин. Ҳақорат қилиш нашр қилиш, бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки ОАВ орқали амалга оширилса, ушбу ҳаракат тўғридан-тўғри жиний ҳисобланади ва айбдорга нисбатан 44 млн. 600 минг сўмдан 89 млн. 200 минг сўмгача жарима, 240 соатдан 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари, 1 йилдан 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари каби жазолар қўлланилади.

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI
Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi»
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот
ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан
давлат рўйхатидан
ўтказилган.

СОЛИҚ

СУПА ВА СҮРИ (ТОПЧАН) УЧУН
СОЛИҚ ЖОРИЙ ЭТИЛДИМИ?

— Ҳукуматимиз аҳолига солиқ юкунини камайитириш борасида қатор ишларни амалга ошираётганидан хабаримиз бор. Аммо яқинда аҳолига супа ва сўрилар учун ҳам солиқ жорий этилгани тўғрисида гап-сўзлар тарқади. Бу қанчалик ҳақиқатга мос?

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

Самарқанд вилояти Ургут тумани.

Олимжон
ДАВИРОВ,
Давлат солиқ кўми-
таси Рўйхатдан ўтказиш
ва ҳисобга олиш бош-
қармаси бошлиғи:

— Мамлакатимиз Ва-
зирлар Маҳкамаси жорий
йил 20 февраль куни
«Тошкент вилоятининг
Бўстонлик туманида тажриба тарикасида
солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш
ва солиқ маъмуриятчилигининг алоҳида
тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қар-
орни қабул қилди. Аммо бунда гап юрти-
миздаги муҳим сайёҳлик йўналишларидан
ҳисобланган туманда аҳоли томонидан да-



ромат манбаи сифатида фойдаланилаётган воситалар тўғрисида бормоқда. Бундан таш-
қари, сайёҳлик салоҳиятини тўғри баҳолашда
ҳам мазкур тизимдан фойдаланиш мумкин.
Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 майдан бош-
лаб, 2021 йил 1 майгача Бўстонлик туманида
тажриба тарикасида солиқ солиш объектла-
рини ҳисобга олиш ва солиқ маъмуриятчи-
лигининг алоҳида тартиби жорий этилади.

Ҳисобга қўйилганлик тўғрисидаги гу-
воҳномасиз кўчмас мулклар ва айрим мол-
мулк турларини ижарага бериш ёхуд кўчмас
мулкларнинг ижарага берилгани тўғрисидаги
маълумотларни ягона электрон платформага
киритмаслик — солиқларни тўлашдан бўйин
товлаш деб ҳисобланади ва қонунчиликда
белгиланган тартибда жавобгарликка торти-
лади. Қарорга кўра, жисмоний шахсларнинг
даромад манбаи сифатида солиқ органларида
ҳисобга қўйиладиган мол-мулкларни рўйхати-
га сув транспорти (моторли ва моторсиз, шу
жумладан, шишириладиган), сув мотоцикл-
лари (скутерлар ва бошқалар), қорда юра-
диган техника воситалари (қор автоулови),
квадратцикллар, паропланлар ва дельтаплан-
лар, супа, сўри, топчанлар ва шунга ўхшаш
дам олиш учун жойлар киритилган.

ГЕНДЕР

ҚАНДАЙ АЁЛЛАРГА УЙ-ЖОЙ ОЛИШ УЧУН
ДАСТЛАБКИ ТЎЛОВ ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ?

— Уч нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим ав-
тохалокат туфайли вафот этган. Уй-жой олиш учун
менга давлат томонидан қандай кўмак берилади?

Нозима МУРОДОВА.

Қашқадарё вилояти Гузур тумани.

Адхам ОДИНАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси бошқар-
ма прокурори:

— Мамлакатимиз Вазирлар
Маҳкамасининг 2018 йил 12
апрелдаги «Оғир ижтимоий
вазиятга тушиб қолган хо-
тин-қизларга, ногиронлиги

бўлган, кам таъминланган,
фарзандларини тўликсиз
онлада тарбиялаётган ва уй-
жой шароитини яхшилашга
муҳтож оналарга арзон уй-
жойлар бериш тартиби тўғ-
рисида»ги Низом таллаблари
асосида ҳар йили сиз каби фу-
қароларга уй-жой ажратилади.

Бунда уй-жойга муҳтож хотин-
қизлар учун бериладиган арзон
уй-жойлар қиймати тўловининг
10 фоизи Хотин-қизларни
ва оилани қўллаб-қувватлаш
жамоат фонди маблағлари ҳи-
собидан тўлаб берилади.

Маълумот сифатида айтиш
мумкинки, 2020 йилда рес-
публика бўйича 1576 нафар
хотин-қизга янги уй-жойга эга
бўлишлари учун бюджет ҳисо-
бидан бошланғич бадал тўлаб
берилиши режалаштирилган.

РАҚАМЛИ ҲУКУМАТ

«ЭЛЕКТРОН ПАРЛАМЕНТ» ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

— Рақамли технологиялар юмуш-
ларимизни энгиллаштириб, ишларни
осон бажариш имконини яратаят-
гани рост. Аммо яқинда юртимизда
«Электрон парламент» жорий этилиши
тўғрисида эшитиб қолдим. Бу нима дегани?

Нуриддин АЛИҚУЛОВ.

Олтинчи тумани.

Жасур КЕНГБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
матбуот хизмати мутахассиси:

— Президентимизнинг жорий йил 3 март куни
имзоланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон
Республикасини ривожлантиришнинг бешта
устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар
стратегиясини» «Илм, маърифат ва рақамли
иқтисодий ривожлантириш йили»да
амалга оширишга оид давлат дастури тўғри-
сида»ги фармонда давлат ва жамият қурилиши
тизимини такомиллаштириш мақсадида 2020

йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати фаоли-
ятида «Электрон парламент» тизими жорий этиш
қўзда тутилган. Бу тизим орқали Олий Мажлис
Қонунчилик палатасида йил якунига кўра қабул
қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай
баҳоалангани ва унинг самардорлиги даражасини
мониторинг қилиш имкони яратилади.

Бундан ташқари, 2020 йил 1 июлдан Қонунчи-
лик палатаси мажлисларида давлат органлари ва
хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг
қатор масалалар юзасидан ахборотларини мунта-
зам равишда эшитиш тартиби таътиб қилинади.
1 августдан бошлаб эса Сенатда Ўзбекистоннинг
хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини
эшитиш, шунингдек, Сенат кенгаши ва кўмитал-
ларининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими
йўлга қўйилади. «Mening fikrim» веб-портали-
нинг мобил иловаси ишга туширилиб, парла-
ментимиз фаолиятига фуқароларнинг муносабати
мунтазам ўрганиб борилади.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Нашр навбатчиси: С. Исмаилов
Мусахҳихлар: Н. Азимова,
М. Назарова
Навбатчи: С. Эшмуродов
Саҳифаловчилар: И. Болтаев,
Ш. Бароқов

Таҳрират манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоиси қилишилган нарҳда.

Газета
таҳририят
компьютер
марказида
саҳифаланди ва
офсет усулида
босилди.



Нашр кўрсаткичи: 148